



Н.ОЛТОЕВА, Б.ШОЙСЛОМОВ,  
Р.НЕЙМАТОВ, Т.ПУЛАТОВА

# ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ СТОМАТОЛОГИЯ АМАЛИЁТИДА Қўлланилиши



**ОЛТОЕВА Нозима  
ШОИСЛОМОВ  
Бахтиёр Шобдурахмонович**  
**НЕЙМАТОВ Рахматилла**  
**ПҮЛАТОВА Тошибиби**

— олий малакали стоматолог  
— I ТошДавТИ фармакология кафедраси профессори  
— I ТошДавТИ ортопедик стоматология кафедраси доценти, Ўзбекистон стоматологлар Ассоциацияси раиси  
— ТошФарТИ, фармакогнозия кафедраси профессори

#### **ТАҚРИЗЧИЛАР:**

Дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш лабораториясининг етакчи мутахассиси, ф.ф.н. **С. С. Комилова**, II ТошДавТИ, ИКП кафедраси доценти **Б.Нуритдинов**, Даволаш стоматология кафедраси мудири, Ўзбекистон Республикаси бош стоматологи, доцент **А. А. Зуфаров**.

**Олтоева Н. ва бошқалар:** Шифобаҳаш ўсимликларнинг стоматология амалиётида қўлланилиши (Олтоева Н., Шоисломов Б.Ш., Нематов Р., Пўлатова Т. — “Мерос”. 2001.— 128 б.

Ушбу рисолада Ўзбекистон Республикасида ёввойи ҳолда ўсадиган ва етишириладиган шифобаҳаш ўсимликларнинг стоматология амалиётида қўлланилиши ҳақида маълумотлар берилган. Ушбу берилган маълумотларда уларнинг географик тарқалиши, ташки кўриниши, кимёвий таркиби, тайёрланадиган дори шакллари ва уларни тайёрлаш ҳамда ишлатиш усуллари қисқа ва аниқ қилиб берилиши амалиётда қўллаш учун кулаги туғдиради. Рисолада, шунингдек, шифобаҳаш ўсимликларнинг ўзбекча, русча ва лотинча номлари тўлиқ келтирилган.

Рисола шифокорлар, стоматологлар, провизорлар, ботаниклар, шифобаҳаш ўсимликларни ўстирувчилар, стоматология факультети талабалирига ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 5-86484-003-3

Ш 4108120000-301  
М 361 (04)-2001 гриф – 2001

© Олтоева Н., 2001,

## СҮЗ БОШИ

Ўзбекистон турли доривор моддаларнинг манбаи ҳисобланган шифобахш ўсимликларга ниҳоятда бой диёрдир. Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг тўрт мингдан ортиқ тури мавжуд бўлиб, 500 дан ортиқ турининг доривормонлик хусусияти аниқланган. Улардан 150 дан ортиқ тури илмий табобатда ишлатилмоқда.

Синтетик кимёning жадал ривожланиши ва аксарият доривормонларнинг кимёвий йўл билан тайёрланишига қарамаслини, доривор препаратларнинг 45 фоизи шифобахш ўсимликлардан тайёрланади.

Бинобарин, ҳалқ табобатида турли хасталикларга қарши сабаби инъом этган гиёхлардан фойдаланиш бизга қадимдан мажбулум. Зоро, ўсимлик дунёсини инсонлар томонидан кўллаш гўнги асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, такомиллашиб болишни улар ҳозир олимлар томонидан тўлдирилди ва амандига исослашиб берилди. Ҳалқ табобатида ва илмий тиббиёт-чинон шифобахш ўсимликлардан ҳар хил касалликларни даволашли сене фойдаланилади. Булардан кўплари маданийлаштирилди, якшохуда ер майдонларида, плантацияларда экиб, тарбияриши қилиб кўпайтирилмоқда.

Гарниши ғунчлилиги ёввойи ҳолда ўтлоқларда, ботқоқликтарда, ургончиликда, тоғ ёнбағирларида, қир-адирларда, жардирларда, кимир ичир ёқаларида, ариқ-дарё бўйларида, экинзор оғизларидаги беор ўсадилар. Инсонларга худди “мана мени кимонсаншишириб оли ва тўғри фойдалан “— деб ўз хизматидек сенади” настанидек бўладилар.

Харнишни шифобахш хусусиятлари, уларнинг ўзига саломон таркиби, муддаларининг тузилишига кўра (алкаль, кислота, фермент, майданлар, салонин, фермент, органик кислота, кислота-фермент майданлар, эфир мойлари ва бошқалар) ҳар хил, ҳар кимни беор сенни опирувчи, оприксизлантирувчи, ялигланишига эззота опиропатчи, фароҳинини битишини тезлаштирувчи, қонни тезлаштирувчи беор имини мұғталишастирувчи ва ҳоказо таъсирилган майданлар. Бунда мажбулум бир қонуният кузатилади. Гарниши сенадиган майданлар саклаган ўсимликлар,

қоидыңа биноан, яллығланишыга қарши, кон тұхтатувчи, микробларға қарши, жарохатнинг битишини тезлаштирувчи таъсир күрсатса, таркибида эфир мойлари бүлгап үсімликлар балғам күчирүвчи, сийдик-үт ҳайдовчи сифатида ва таркибида аччиқ моддалар бор үсімликлар эса оғиз бүшлиғидаги таъм билувлы (сезувчи) рецепторларға таъсир қилиб, рефлектор равиша мөнда ширасини күпайтириб, иштаханы ва овқат ҳазм қилишни яхшилады. Баъзилари аязоларға танлаб таъсир қиласы: фақат юракка, нафас олиш марказига, асаб тизимиға ва ҳоказо.

Синтез йўли билан олинган ҳар бир кимёвий доривор препаратларни узок вақт мобайнинда узлуксиз равиша қабул қилиш инсон организмидә турли нохуш ўзгаришларнинг, айниқса кейинги вақтда аллергик касалликларнинг күпайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Үсімликлар эса инсон организмига синтетик дори воситаларига қарагандан бўлакча таъсир кўрсатади. Стоматология амалиётидә қўлланиладиган шифобахш гиёхларнинг беморга кўпроқ маҳаллий самарали таъсир кўрсатиши туфайли улар инсон учун мутлақо безарарадир. Шунинг учун доривор үсімликларга ва улардан олинадиган доривор препаратларга — фитотрепаратларга бўлган талаб ва эҳтиёж нафакат мамлакатимизда, балки бутун дунёда ортиб бормоқда.

Бинобарин, шифобахш үсімликлар дунёси ва унинг препаратлари, уларнинг ҳар хил стоматология касалликларига таъсири, ҳалқ табобатида қўлланиладиган бошқа воситалар ва муолажалардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар нисбатан жуда кам. Зеро, стоматолог шифокорлар оғиз шиллиқ қавати ва бошқа стоматология касалликларини даволашда уларни нисбатан кам қўллайдилар.

Маълумки, стоматология касалликларида доривор гиёхлар ёрдамида қилинадиган муолажаларни уй шароитида бемалол бажариб, касалликнинг олдини олиш ёки шифокор ҳузурига боргунга қадар касал аҳволини анча енгиллаштириш мумкин. Шифобахш үсімликларнинг кенг тарқалганлиги ва улардан турли дори шаклларини тайёрлаш осонлиги, айниқса, дори-дармонлар танқис бўлган бугунги даврда муҳим аҳамиятга эга.

Рисола бир неча қисмлардан иборат бўлиб, унинг дастлаб-ки қисмларида ҳалқ табобати ва унинг илмий тиббиётда туттаган ўрни, сўнг тиш, жағ ва оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг ўзига хос анатомо-физиологик тузилиши, унинг организм бошқа аъзо ва тўқималари билан узвий боғликлиги ҳақида оғборади.

Аммо тўпламнинг асосий қисми шифобахш үсімликлар дунёсига қаратилган бўлиб, унда стоматология амалиётидә кўллашади.

ниладиган 100 дан ортиқ шифобахш ўсимликлар (шу жумаладан озиқа сифатида кенг ишлатиладиган мева ва сабзавотлар) нинг ўзбекча, русча, лотинча номлари, қайси оиласга мансублиги, қисқача тавсифи, уларнинг ватани ва қаерларда ўсиши, яъни географик тарқалиши, кимёвий таркиби, халқ табобатида қайси касалликларда қўлланилиши тўғрисида маълумот берилади. Шу билан бирга, шарқ табобатининг буюк доношиманди, шифокор — ҳаким Абу Али ибн Сино ўзининг машхур “Тиб қонунлари” китобининг II жилдида ўсимликларнинг арабча номлари ва уларнинг юз-жаф соҳасида, оғиз бўшлигида учрайдиган касалликларни даволашда ишлатилиши тўғрисида маълумот берган. Уларни замонавий тиббиёт билимлари билан уйғунлаштириб, стоматология амалиётида қўшанилиши мумкинлигини кўрсатиб беришга харакат қилинди. Шу билан бирга, стоматология касалликларида шифобахшиларнинг қайси қисми қандай ишлатилиши, даволаш учун ишлаптиладиган дамлама, қайнатмаларни тайёрлаш усуллари ва дорихоналарда, фитобарларда сотиладиган ўсимлик препаратларининг айримлари рецептлари берилган.

Бүгүндөн ташқары, рисолада стоматологик касаллукларда иши-  
нчилдиган ва тавсия этиладиган шифобаҳш гиёхлар ийғам-  
саны таңрыйланадиган чойлар тұғрисида қысқача маълумот ва  
рекомендация берилгандар.

Китобкор дөривор ўсимликлардан фойдаланиш түғрисида онын санчашын стоматологик касалликларнинг номини ва унинг санчашыниң эканы ҳақида тушунчага эга бўлиши учун улар-деконин маълоҳ бериб ўтилди. Афсуски баъзи касалликларни яратишариду кўпроқ мутахассисларга таниш бўлган ўзига оғизийнин ишнатилган. Уларни таржима қилиш мумкин бўлди шунинг учун китобхондан узр сўраймиз. Шифобаҳш ги-яни професиор йиёсия эттган даволаш усулларига, унинг мас-савибони санчалишиб, кунимимча даволовчи восита сифатида иш-чанинни оғизийни маъсаддат мувофиқ бўлар эди.

**ТИШ, ЖАФ ВА ОГИЗ БЎШЛИГИ  
ШИЛЛИҚ ПАРДАСИННИГ ЎЗИГА ХОС  
АНАТОМО-ФИЗИОЛОГИК ТУЗИЛИШИ,  
ОРГАНИЗМНИНГ БОШКА АЪЗО ВА ТЎҚИМАЛАРИ  
БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ**

Тирик организмнинг мураккаб ҳолатини ўрганишда бутун организм қисмларининг динамик боғлиқлигини ўрганиш бирламчи мухим аҳамиятга эгадир.

Морфологик нуқтаи назардан, одам организмни шартли рашида аъзо, тўқима ва тўқима элементларига бўлиб ўрганилиши, аъзо ва тўқима физиологияси ва патологиясининг ривожланишига туртки бўлди. Лекин бу организм ва тўқималарнинг бир-бири билан узвий боғлиқлигини ҳеч ҳам рад этмайди.

Организм ва унинг турли тизимларининг ўзига хос функционал тузилишини яхши билиш, беморга тўғри ташхис қўйиш, даволаш режасини ва даволаш усулини тўғри танлашда катта аҳамият касб этади.

Шунинг учун стоматология касалликларини ўрганишда ва уларни даволашда юз-жаф анатомияси ва физиологиясини билиш жуда зарурдир.

Юқори жаф суяги жуфт суяқдан иборат бўлиб, у тана ва 4 ўсимтадан тузилган. Улар- пешона, ёноқ, танглай ва альвеоляр ўсимталардир. Юқори жаф суягининг танаси ичидаги катта ҳаво ўтувчи бўшлиқ бўлиб, уни юқори жаф гаймор бўшлиғи деб юритилади. Бу бўшлиқнинг шамоллаши, яллигланиши гайморит касаллиги дейилади.

Пастки жаф суяги яхлит бир суяқдан иборат. Унинг ҳам танаси ва 2 ўсимтаси (бўғим ва шоҳсимон) мавжуд. Танасининг юқори қисми пастки жағнинг альвеоляр ўсимтаси деб юритилади.

Юқори ва пастки жаф суягининг альвеоляр ўсимталарида тиш илдизи катақчалари (ячейкалари) бўлиб, улар бир-бирлари билан суяқ деворчалари орқали ажралган. Бу катақчаларда тиш илдизлари жойлашади. Тишнинг илдиз қисмидан ташқарида жойлашган қисмини тишнинг тоҷ қисми деб юритилади. Тишнинг тоҷ қисми билан илдиз қисми орасида тишнинг милк билан қопланган бўйин қисми туради.

Тишнинг асосини дентин тўқимаси ташкил этади. У тоҷ қисмидаги эмаль билан ва илдиз қисмидаги цемент тўқималари билан қопланган. Дентиннинг ички қисмидаги тиш бўшлиғи бўлиб, тоҷ қисмидаги кенг бўлиб, илдиз қисмидаги торайиб боради. Тиш бўшлиғи пулла тўқимаси билан тўлган. Пульпадан қон, лимфа ва нерв толалари ўтади.

Жағ суяги ва тиш илдизи оралиғида тиш боғлами — периодонт тұқимаси жойлашған. Унинг қалинлиғи 0,15 — 0,25 мм дан иборат бўлиб, унда ҳам қон, лимфа ва нерв толаларидан ташқари жуда кўп миқдорда кўшувчи тұқима, коллаген ва фиброз толалари мавжуд. Бу толалар ёрдамида тиш илдизи тиш катакчаларида ушлаб турилади ва тишга тушаётган чайнов босимини бир меъёрда тақсимилашга ёрдам беради.

Тиш ва уни ўраб турған тұқималар (милк, жағ суяги ва сүяқ катакчалари, периодонт) биргалиқда пародонт тұқимасини ташкил қиласы. Улар бир-бири билан узвий боғланған бўлиб, бу тұқималардан биронтасининг шикастланиши ёки яллиғланиши пародонтит ёки пародонтоз касаллигини келтириб чиқаради.

Оғиз бўшлиғи шиллик пардаси организмда бошқа шиллик пардалардан бир қанча ўзига ҳос томонлари билан фарқ қиласы. У физик, термик ва кимёвий таассуротларга ва юқумли инфекцияларнинг таъсирига қиdamлилиги билан харakterلانади. Оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг ўта юқори регенератив ҳусусиятга эга бўлиши унинг ўзига ҳос тузилиши билан ифодаланған. Энг юқори (ташқи) қавати ҳар жойда ҳар хил қалинликда бўлған эпителийдан иборат.

Эпителий қавати тагида шахсий шиллик парда бўлиб, унда эпителий тұқимасини озиқлантирувчи томирлар, нерв толалари ётади.

Ҳусусий шиллик парда қавати кўз илғамас чегара билан шиллик ости қаватга ўтиб кетади. Бундай шиллик ости қавати тил, милк, қаттиқ танглай шиллик пардасида бўлмайди.

Ҳар бир тиш атрофида милк шиллик пардасининг эпителий қавати тишелар эмалидаги насмит пардаси билан боғланған бўлади. Буни тиш-милкнинг физиологик чўнтаклари (чуқурликлари) деб юритилади. Милк эпителий қавати билан тиш эмалидаги ўзаро боғлиқликнинг бузилиши натижасида (бирон бир сабабларга кўра, албатта) патологик тиш-милк чўнтаклари ҳосил бўлади. Уларнинг чуқурлиғи 2—3 мм дан ошиб кетади (нормада 0,5—1,2 мм ни ташкил этади).

Тил шиллик қавати мушаклараро бирлаштирувчи тұқима билан чамбарчас боғланған бўлиб, шиллик ости қавати бўлмайди. Тил шиллик пардаси қалин ва ғадир-бутир бўлиб, унда 4 тур сўргичлар жойлашған. Булар: ипсимон, замбуруғсимон, баргсимон ва новсимон сўргичлардир. Бу сўргичларда таъмини сезувчи нерв охирлари бўлади. Улар шўр, аччиқ, ширин, чучук ва бошқа таъмларни билишда муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бирга овқат ҳазм бўлишда фаол қатнашади.

Умумсоматик касаллукларда тил сүрғичлари ва тишининг кўринишида ўзига хос ўзгаришлар бўлади. Унда тил сўрғичларида дескваматив ўзгаришлар бўлиши, тил ҳар хил рангида караш боғлаши, эпителий устки қабати кўчишининг секинлашиши ёки тезлашиши мумкин.

Демак, оғиз бўшлиғи шиллик пардаси овқат луқмасини тайёрлашда, таъм билишда, овқат ҳазм бўлиш жараёнида иштирок этади ва нутқда фаол қатнашади.

Оғиз бўшлиғи шиллик пардаси турли хил микробларни чукур жойлашган тўқималарга кириб боришига йўл кўймайди. Эпителийнинг энг устки қавати доимий равишда кўчиб туради, бу эса микробларнинг бир жойда йигилиб туришига тўскинлик қиласи, яъни эпителий тўsicк-химоя вазифасини бажаради.

Оғиз бўшлиғи шиллик пардаси касаллуклари стоматология амалиётидаги кенг учрайдиган ва ташхис қўйиш жуда қийин бўлган касаллуклардан бири ҳисобланади. Сабаби бу касаллик турининг кўплиги, унинг келиб чиқиш сабаби ва ривожланиш тарихининг номаълумлиги ҳамда ҳар хил шаклдаги касалликнинг клиник кўринишининг ўхшашлигидир.

Ҳозирги вақтда оғиз бўшлиғидаги аксарият патологик жарайёнлар организм ички аъзо ва тизимларининг касаллуклари, модда алмашинувининг бузилиши, (организм) иммун ҳолатининг ўзгариши ва асаб тизими билан узвий боғлиқлиги ҳаммага маълумдир ва бунга ҳеч ким эътиroz билдира олмайди.

Оғиз бўшлиғи шиллик пардаси касаллукларини шартли равишда 2 катта гуруҳга бўлиш мумкин: 1— гуруҳ касаллуклари — бу оғиз бўшлиғи шиллик пардасига патоген омилларнинг бевосита таъсир этиши натижасида келиб чиқадиган касаллуклар ва 2 — организм ички аъзо ва тизимларининг касаллиги белгиси сифатида оғиз бўшлиғида пайдо бўладиган касаллуклар. Баъзан бу икки гуруҳни бир-биридан касалликнинг келиб чиқиш сабаби ва ривожланиш тарихи бўйича ажратиб олишга стоматологлар қўйналадилар. Бу эса ушбу касаллика ташхис қўйишда ва уни даволашда комплекс (умумий, араплашма) усуслардан фойдаланиш зарурлигини билдиради.

Стоматология фанида оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг ялиғланиши ва дистрофик ўзгаришларини стоматитлар деб юритилади. Ҳозирги вақтда стоматит касаллиги бутун стоматологик касаллукларнинг 5—7% ини ва ички касаллукларнинг 12% ини ташкил қиласи. Касаллик факат тилда бўлса, уни глоссит, милқда бўлса — гингивит, лабда бўлса — хейлит ва танглайды бўлса — палатинит деб юритилади.

Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида яллиғланиш жараёни ўткир ва сурункали кечиши мумкин. Ўткир яллиғланиш жараёни бирдан бошланади ва тез тугайди. Узоги билан 1—4 ҳафта давом этиши мумкин. Бунда яллиғланиш жараёнининг ҳамма аломатлари, яъни қизариш, оғриқ, тўқиманинг шишиши, ҳароратнинг кўтарилиши (37 даражадан ошиб кетиши), касалланган аъзо иш бажариш қобилиятининг бузилиши кузатилади.

Сурункали яллиғланиш жараёни ўзига хос мустақил ёки ўткир яллиғланиш жараёнидан сўнг пайдо бўлади. Сурункали яллиғланиш ойлаб, йиллаб давом этиши, ўхтин-ўхтин зўрайиб туриши мумкин. Бунда оғриқ қаттиқ бўлмайди, шиллиқ парда эса кўкимтири рангда бўлади.

Ўткир ва сурункали яллиғланиш жараёни катарал, афтозли ва ярали турларда кечиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси касалликларини ўзбек олимлари С. А. Зуфаров, Т. Х. Сафаров, В. А. Епишев, Ф. М. Мамедова, А. А. Зуфаров, Т. Н. Файзуллаев, С. И. Бектошев ва бошқалар чуқур ўрганиб келмоқдалар.

Стоматит касаллигининг турлари кўплиги сабабли унга ишлаб чиқилган таснифлар ҳам турличадир. Ўзбекистон стоматологлари амал қиласидан таснифида (Е. В. Боровский, 1973) касалликнинг келиб чиқиш сабаби ва ривожланиш тарихига кўра қуйидаги гурӯҳларга бўлинади:

**I. Шиллиқ парданинг (травматик) жароҳатланиши.** Жароҳатланишнинг механик, юқори ва ўта паст температура, нур ва метеорологик омиллар ҳамда химиявий моддалар таъсирида келиб чиқиши.

**II. Юқумли касалликлар** натижасида келиб чиқадиган стоматитлар:

1. Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг ўткир ва сурункали юқумли касалликлар натижасида келиб чиқадиган стоматитлар (қизамиқ, скарлатина, грипп, ҳалқасимон темиратки, сил, заҳм, мохов ва бошқалар).

2. Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг хусусий юқумли ва паразитар касалликлари (вирусли сўгал, фузоспирохетоз, спрептококкли ва стафилококкли стоматитлар, замбурууглар чақирадиган кандидоз, актиномикоз ва бошқалар).

**III. Аллергия ва токсико-аллергик касалликлар:**

1. Контактли аллергик стоматит, гингивит, глоссит, хейлит (дори-дармонлар ҳамда бошқа стоматология амалиётида ишлападиган пластмасса ва металлар, бўёқ моддалари, тиш

пасталари, ультрабинафша нурлари ва бошқа шиллик пардаға тегиб таъсир қылувчи омиллар ).

2. Кенг тарқалған токсико-аллергик шикастлар (одам организмінің қаралып калған күйінде болған киравчы дөри воситалар, онцат махсулотлари на бошқа аллергенлар).

3. Келиб чиқишиға күра токсико-аллергик ҳолатта мансуб касалліктер (дерматозлар) – күн түрлі экссудатив эритема, тизими вакулит ва бошқалар).

**IV. Ривожланишига күра атоиммун компонентли касалліктер** (афтали стоматиттің сурұнкалы қайталынчы түрі, оғиз бүшлигі шиллик пардасини шикастловчы дерматозлар – пузирчатка, Дюринг касаллігі, қызил волчанка, склеродермия).

1. **Тери-шиллик парда реакцияси:** қызил ясси темиратки.

2. Ташқы экзотоксин моддалари таъсирида оғиз бүшлигі шиллик пардасида бўладиган ўзгаришлар.

**V. Организмнинг баъзи ички касаллікleriда ва модда алмашинувининг бузилиши натижасида рўй берадиган оғиз бүшлигі шиллик пардасининг ўзгаришлари:**

1. Эндокринологик касалліктер.
2. Юрак-қон томир тизими касалліктер.
3. Меъда-ичак касалліктер.
4. Қон тизими касалліктер.
5. Гипо- ва авитаминозлар.
6. Нерв тизими касалліктер.
7. Ҳомиладорликдаги ўзгаришлар.

**VI. Оғиз бүшлигі шиллик пардасида учрайдиган туғма ва генетик аномалиялар** (невус ва эпителиал дисплазия, эпидермоидли киста, географик, бурмали, ромбосимон ва тукил глосситлар, гландулярли хейлит, псoriasis, Дарье касалліги, туғма пахионихия ва бошқалар).

**VII. Ўсмаолди касалліктер, хавфли ва хавфсиз ўсмалар:**

1. Боуен касаллігі, сўгалли ўсмаолди касаллігі, преканцерозли Манганотти хейлити.
2. Лейкоплакия, папиллома ва папилломатоз, кератоакантома, тери шохи.
3. Хавфсиз ўсмалар.
4. Хавфли ўсмалар.

Оғиз бүшлигі шиллик пардасида патологик жараёнларнинг ривожланишига касаллікни келтириб чиқарувчи сабабкорнинг кучи, түри, таъсирнинг ўрни, уннинг муддати, маҳаллий тўқиманинг ҳолати, ташқи ва ички шароитлар, организмнинг реактив ҳолатлари муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун бу касаллік-

ларни даволашда аввало касалликнинг келиб чиқиш сабабла-  
рини, бошланиш даврини аниқ билиш зарур.

Тишнинг кариес касаллигига, тишида тошлар йифилганда,  
пародонтит ва пародонтоз касаллигининг ривожланишида, оғиз  
бўшлиғи шиллиқ пардаси касаллигига ва унинг тузалиб кети-  
шида сўлак мұхим роль ўйнайди.

Оғиз бўшлиғига уч жуфт йирик сўлак безларининг йўллари  
очилади. Булар: қулоқ олди, жағ ости ва тил ости безларидир.  
Булардан ташқари оғиз шиллиқ пардасида майда-майда сўлак  
безлари мавжуд. Бу безлар ишлаб чиқарган секрет сўлак  
хисобланади.

Одамда ўргача ҳисобда 1 суткада 1,5—2 литргача сўлак аж-  
ралиб туради. У нейтрали, күчсиз ишқорий реакцияга эга бўлиб,  
30 дан ортиқ фермент, 20 га яқин оркин аминокислоталар,  
турли хил дармон-дорилар (витаминалар) даи ташкил топган.  
Сўлақда хлоридлар, фосфатлар, бикарбонатлар, фтор, иод,  
бром, роданит, кальций ва бошқа анерганик молджалар бор.

Сўлақнинг таркиби одам организм мининг ички касалликлар  
(умумсоматик касалликлар) ида ўзгаради. Масалан, ошқозон ва  
ўн икки бармоқли ичак ярасида сўлақдаги азот миқдори кўпая-  
ди. Уремия билан кечувчи нефрит (буйрак шамоллаши) касалли-  
гида ҳам азот миқдори ошиб кетади. Шунинг учун умумсоматик  
касалликларида сўлак таркибини текшириш тўёри ташхис қўйиш-  
да катта аҳамият касб этади. Умумсоматик касалликларда ва орга-  
низмнинг қаридори бориши жараёнда сўлак таркибининг ўзгариб  
бориши тиш тошларининг кўплаб пайдо бўлишига ва милк ка-  
салликлари (гингивит) нинг ривожланишига олиб келади.

Сўлақда лейкинлар, опсонинлар, лизоцим, липаза каби бак-  
терияларга қарши омиллар бор. Лейкинлар лейкоцитлардан  
ажралиб чиқиб, баъзи микробларнинг тараққий этишига йўл  
кўймайди. Опсонинлар микробларнинг фагацитозланишини  
тезлаштиради. Лизоцим бактерияларни эритиб юборади. Ли-  
паза микробларнинг липоидли пардасининг сўрилишини таъ-  
минлайди, натижада микробларга қарши моддаларнинг таъ-  
сир қилишига шароит яратиб беради.

Сўлақнинг хусусияти, таркиби, миқдори организмдаги ўзга-  
ришлар билан узвий боғлиқдир. Яъни у ҳар хил ички касал-  
ликларда турлича ўзгариши мумкин.

Оғиз бўшлиғи турли хил шаклдаги микробларга жуда ҳам  
бой ва улар оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси касалликларининг  
ривожланишида мұхим роль ўйнайди. Организмдаги барча  
ўзгаришлар, оғиз бўшлиғидаги ҳар хил микробларнинг миқ-  
дори, хусусиятларининг ўзгаришига сабабчи бўлади.

Стрептококкалар, стафилококклар, пневмококклар, онкококклар, вибронилар, замбуруулар, ҳар хил спирохеталар, та-еңгасимон микроблар да башка вируслар оғиздаги физиологик ва патологик жараенларда фаол қатнашади. Улар овқат қолдукларинин чиришини күчтітиради ва касаллик құзғатувчи микробларнин күтпесінде көтішигі йүл қўймайды (Файзуллаев Т.Н., Елишев В.А., 1983).

Оғиз бўшлиғидан микробларнинг түри, сони, ҳусусияти иштемол қилинадиган овқат микрори ва сифатига, сўлак микрори ва таркибига, шахсий гигиенага амал қилишига, иқлимий шароитларга, организмдаги ички ва ташқи ўзғаришиларга боғлиқдир.

Стоматологик касаллукларнинг пайдо бўлиши ва авж олишида микроблар, вирусларнинг аҳамияти катта. Шунинг учун уларни даволашда микроблар, вирусларга қарши қўлланиладиган ҳар хил дориларни, ҳалқ табобатида ишлатиладиган ўсимликларни оқилона ишлатиш, касаллукни тез ва бутунлай даволашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Оғизда турли патоген микробларнинг кўп бўлишига қарамай, оғиздаги касаллуклар кўпинча енгил кечишигана тез тузылишига оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг ҳимоя қилиш ҳусусияти кучли бўлганилиги сабаб бўлади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, оғиз бўшлиғи шиллик пардаси яна бир қанча ўта муҳим вазифаларни бажаради. Булардан бири унинг буфер вазифасини бажаришидир, яъни у оғизга тушган ишқор ва кислоталарни тезда нейтраллаш ва оғиз бўшлиғи pH муҳитини нормаллаштиришдан иборатdir.

Оғиз бўшлиғи шиллик пардаси ҳимоя вазифасини бажариш ҳусусиятига ҳам эга. Бу вазифа унинг ҳар хил омилларга, яъни ҳам анатомик, ҳам функционал омилларга асосланган. Уларга эпителий тўқимасининг нотекис мугузланиши, эпителий ҳужайрасининг митотик фаоллиги ва унинг регенератив (кўлайиш) ҳусусияти, у ерда модда алмашинувининг фаоллиги, гликоген мoddасининг кўп тўпланиши, ҳужайра элиментининг жуда кўп миқдордаги шиллик парданинг шахсий қатламида мавжудлиги ва лейкоцитларнинг оғиз бўшлиғига тушиб туриши, сўлакнинг бактериоцид таъсири, шиллик парданинг танлаб сўриш қобилияти ва физик жиҳатдан мустаҳкамлиги ва бошқалар катти.

Шундай қилиб, оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг анатомо-физиологик ҳолатини яхши билиш одамнинг баъзи ички касаллуклари натижасида оғиз бўшлиғига вужудга келадиган ўзгаришларни тушуниб олишга ва шунга яраша даво ишларини олиб боришга катта ёрдам беради. Лекин шуни айтиб ўтиш

керакки, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг барча касалларни ва уларнинг белгилари маълум бир ички касалликларига тўғри келавермайди. Баъзан, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси касаллигининг баъзи бир белгилари (симптомлари) ни организм тизимининг ҳар хил функционал ва органик ўзгаришларидаги учратиш мумкин. Шунинг учун оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси ва ички касалликларнинг бир-бираига боғлиқ ҳолатини ўрганишда беморни динамик кузатиб бориш катта аҳамият касб этади. Бунда бирламчи пайдо бўлган касаллик белгисидан то унинг ривожланиш чўққисигача бўлган босқичларни кузатиб бориш муҳимдир. Шифокорга тўғри ташхис қўйишга тўсқинлик қиласидиган, уни қийин ҳолатга қўядиган нарса яна шуки, оғизда учрайдиган жуда кўп миқдордаги иккиламчи омиллар оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси касаллигининг ривожланишига қўшимча таъсири қиласиди. Бу омилларга қўйидагилар мисол бўла олади: овқат истеъмол қилаётганда ва уни майдалаётган вақтда шиллиқ парданинг нотўғри қўйилган пломба ёки нотўғри тайёрланган, ўз функциясини йўқотган стоматологик тиш протезлари томонидан жароҳатланиши, кариес натижасида емирилган ва ўтқир қирралари пайдо бўлган тишларнинг механик жароҳат етказиши, тиш протези ва пломбалар учун ишлатида диган ашёлар, дори моддалари, овқат аллергенлари, тиш пастаси, косметик ва гигиеник ашёлардаги кимёвий моддаларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасига салбий таъсири натижасида келиб чиқадиган реакциялар ва бошқалар.

Шунинг учун ҳам аралаш ҳолатда келиб чиқувчи стоматологик касалликларга тўғри ташхис қўйиш ва уни даволаш учун bemorlarни ҳар томонлама (комплекс) ва чуқур текшириш катта аҳамиятга эга.

Стоматологик касалликларнинг кўплиги ва мураккаблиги туфайли шу соҳада мутахассис бўлмаган китобхон бу масалада аниқроқ маълумотга эга бўлиши керак деб лозим топдик. Шу мақсадда стоматология амалиётида кўп учрайдиган тиш қаттиқ тўқимаси, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси ва бошқа баъзи бир юз-жағ соҳасида учрайдиган касалликлар ҳақида батафсилроқ қўйида тўхталиб ўтмоқчимиз.

## ТИШ ҚАТТИҚ ТЎҚИМАСИ ВА ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ КАСАЛЛИКЛАРИ

**КАРИЕС (caries)** — патологик жараён бўлиб, тиш қаттиқ тўқималарининг секин-аста емирилиб чириши натижасида, каваклар ҳосил бўлиши билан юзага келадиган касаллик. Бу

касаллик ижтимоий касаллик ҳисобланиб, дунёнинг 90% дан ошик аҳолиси касалланган. Дастилабки вақтда оғриқсиз кечади. Кавак чуқурлашиб, тиш пульпасига (мағзи) яқинлашгандан ширин, нордон онқатта, иссиқ союққа ва тиш кавагига овқат кириб қолганда, тез утиб кетадиган оғриқ сезилади.

Кариес касаллигинин 4 босқичи (еки тури) тафовут қилинади. Булар: тиш доғи, юза кариес, урға кариес ва чуқур кариесдир. Ҳар бир босқич (тури) ўзига хос клиник кўриниш ва клиник симптомлар билан кечади.

**ФЛЮОРОЗ (fluorosis)** — бу тиш касаллиги организмнинг фтор моддаси билан сурункали заҳарланиши натижасида тиш эмаль қаватининг ўзгариши ҳисобланади. Бунга кўпинча истеъмол қилинувчи сув ва овқат маҳсулотида фтор моддасининг кўпайиб кетганлиги сабаб бўлади.

Флюороз касаллигига тиш эмаль қавати доғ билан қопланнишидан ташқари, тиш юзасининг ҳамма ерига тарқалган тимжигар рангли майдар заррачалар учрайди. Бундай пайтда эмаль осон емирилувчан ва уқаланувчан бўлиб қолади ва тишга емирилган кўриниш бериб туради.

**ГИПОПЛАЗИЯ (hypoplasia)** — бу тиш қаттиқ тўқимасининг ривожланиш босқичида ҳосил бўладиган нуқсон ҳисобланади. Тиш қаттиқ тўқимаси тузилишининг бузилишини эмаль қаватининг ўзгаришидан билса бўлади. Эмаль ўзининг текис, силлиқ, ялтироқ юзасидан айрилиб, хира рангли ва мўрт бўлиб қолади.

**ПУЛЬПИТ (pulpitis)** — тиш пульпа тўқимасининг яллиғланиши. У кариоз кавакдан инфекциянинг ўтиши ёки бошқа маҳаллий таъсиротлар натижасида (масалан, кимёвий кўзғатувчи дорилар таъсирида, механик таъсиirlар, тишни сунъий қопламага тайёрлаш учун чархлагандан, жароҳатлар таъсирида пульпа очилиб қолганда) юзага келадиган касаллик. Касалликнинг ўткир даврида тиш ўхтин-ўхтин оғриб, беморни безовта қилади ва бу оғриқ бутун жаф, қулоқ ва чаккага тарқалади. Оғриқ тўсатдан бошланаб, тез тўхташи билан характерланади. Сурункали даврида оғриқ иссиқ-совукдан бошланади ва кечалари кучаяди.

**ПЕРИОДОНТИТ (periodontitis)** — тиш илдиз цементини ўраб турувчи, боғловчи тўқималарда лайдо бўладиган яллиғланиш жараёни. Бу пульпит касаллигини вақтида даволамаслик натижасида, унинг асорати тезда намоён бўлади. Микроблар (инфекция) тиш илдизининг каналлари орқали тиш атрофини ўраб турувчи тўқима (периодонт) га ўтади. Натижада

тишда доимий зирқилловчи оғриқ пайдо бўлиб, тишни-тишга босгандада кучаяди ва касал тиш ўсиб қолгандек туюлади.

Бундай холат периодонт тўқимасининг жароҳатланиши туфайли, яъни нотўғри протез қўйилганда, пломбаларни ба-ланд қилиб қўйилганда ёки бошқа жароҳатлар таъсири натижасида ҳам намоён бўлиши мумкин. Оғриқ ўтқир периодонти таъсири сурункали периодонтитнинг қайта зўрайиши вақтида пайдо бўлади. Касалликнинг сурункали шакли оғриқсиз ке-чиши мумкин.

**ПЕРИОСТИТ (periostitis)** — Суяк усти пардасининг яллиғланиши, суяк усти пардаси ва суяк орасида сероз ёки йирингли экссудат тўпланиши билан кечадиган касаллик — халқ ти-лида “пилла” (флюс) деб юритилади. Периостит кўпинчча периодонтит касаллигининг асорати бўлиб, бошқа сабаблардан ҳам келиб чиқиши мумкин. Масалан, ақл тишларининг оғир чиқишида, радикуляр киста, ярим ўсиб чиқсан ва ўсиб чиқмаган суяк тўқима ичида қолган — ретенция тишларнинг яллиғланишидан, пародонтит касалликларида, тишларни консерватив даволаганда, жароҳат (травма) оқибатида ва тишлар оғир (мураккаб) жароҳат билан олинганди рўй бериши мумкин. Касаллик тиш соҳасидаги ва жағ суякида доимий зирқилловчи оғриқ билан бошланиб, тиш атрофида миљклар қилириб, ўтиш бурмасида шиш пайдо бўлади ва шиш атроф тўқималари та-рқалиб, тана харорати кўтарилади.

**ЖАҒ ОСТЕОМИЕЛИТИ (osteomyelitis)** — Жағ остеомиелити периодонт тўқимасида пайдо бўлган микробларнинг жи-суяклари қаватига ўтиб бориши натижасида келиб чиқадиган жағ суяги касаллигидир. Тиш орқали пайдо бўладиган остеомиелитлар (одонтоген остеомиелит) жуда кенг тарқалган (35-55%). Бунда асосий сабабчи даволанмаган тиш ҳисобланади. Баъзи вақтда тишни жарроҳлик йўли билан олингандада илдиз катакчаларига микробларнинг тушиб қолиши натижасида ҳам содир бўлиши мумкин.

Пародонт касаллиги бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган тиш ва тиш атрофидаги тўқималар комплекси (йигиндиси) — миљк, альвеоляр ўсимта, суяк пардаси, суяк ва периодонтнинг ка-салланиши билан характерланади. Бу касалликнинг эски номи “альвеоляр пиорея” бўлиб, аҳолининг 50% дан ортиғи касалланган. Пародонт касаллиги ўзига хос сурункали касаллик бўлиб, ВОЗ классификацияси бўйича беш турга бўлинади: 1 — гингивит; 2 — пародонтит; 3 — пародонтоз; 4 — пародонтолиз; 5 — пародонтома.

Улардан энг күп учрайдигани ва гиёхлар ёрдамида даюнаш мумкин бўлганлари тининит ва пародонтитидир:

**ГИНГИВИТ (gingivitis)** — милк яллигланиши касаллиги бўлиб, бунда милклар қизариб, тишлараро сўргичлар катталашиб шишади ва қонайдиган бўлиб қолади. Милк ости ва милк ости тошлар йигилиб оғиздан ноxуш ҳид келади. Гингивитнинг катарал, гипертрофик, ярали-некрозли хиллари бўлади.

**ПАРОДОНТИТ (parodontitis)** — бу касалликда тишнинг таънч аппарати — пародонт суяк альвеоласи аста-секин емирилиб, дастлабки вақтда оғриқсиз кечади. Кейинчалик милклар шишади, қонайди, тиш-милк патологик чўнтаклар ҳосил бўлиб, йиринг оқа бошлайди, тиш бўйни, тиш илдизи очилиб, тишлар қимирлаб қолади. Вақтида даволанмаса, қўринишидан соғбутун тишлар қимирлаб, туша бошлайди. Оғиздан ноxуш ҳид келади.

**ОҒИЗНИНГ НОХУШ ҲИДИ (unpleasant odor brom cavum oris).** Оғиздан ноxуш ҳиднинг келишига ҳар хил сабаблар бўлади: оғиз бўшлиғи тозалигига (гигиенасига) риоя қилмаслик, тишдаги кариоз каваклар, гингивит, пародонтит, стоматит касалликлари ва юқори нафас йўллари сурункали касалликлари, меъда-ичак касалликлари ва ҳоказо.

**АҚЛ ТИШНИНГ ОФИР ЧИҚИШИ (pericoronoritis).** Бундай ҳолат, асосан пастки ақл тишлар чиқаётганда содир бўлади. Шиллиқ қаватнинг ҳар хил сабабларга кўра яллигланиши туфайли тиш кучли оғриқ билан ёриб чиқади. У ўткир ва сурункали кечади. Ақл тиш соҳасида милклар қизариб, шишиб яллигланади, овқат чайнагандан шу тиш соҳасида ва ютингандан томоқда оғриқ бўлади. Баъзан жағни очиш қийинлашади, тана ҳарорати кўтарилиб, пастки жағ ости лимфа тугунлари катталашади. Баъзан ақл тиш ёриб чиқиши жараёнида перикоронарит, периостит, абсцесс ва флегмона каби асоратлар бериси мумкин.

**ЧИПКОН (ФУРУНКУЛ-furunculus), ХЎППОС (КАРБУНКУЛ-carbunculus).** Чипкон юз-жаф тери ости тўқима клетчаткасида содир бўладиган касаллик. Фурункул — юз-жаф соҳасидаги тук ости тугуни (фолликула) ва ёф безларининг яллигланишидир. Карбункул эса бир-бирига яқин жойлашган бир нечта чипконларнинг бирлашишидир. Чипкон бошланишида терида кичкина қизарган папула пайдо бўлиб, секин-аста катталашиб йиринг йигади ва кучли оғриқ билан кечади.

## **НЕРВ ТИЗИМИДА РҮЙ БЕРАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР (ГЛОССАЛГИЯ, НЕВРИТ, УЧ ТАРМОҚЛИ НЕРВ НЕВРАЛГИЯСИ)**

**ГЛОССАЛГИЯ** (*glossalgia*) — тил сезгирилгининг бузилиши, тилнинг бирор соҳаси ўз-ўзидан сабабсиз ачиши, оғриши ва санчик билан кечадиган касаллик. Лекин тилга юзаки қаралганда ҳеч қандай ўзгариш кўринмайди. Овқат истъемол қилганида оғриқ ва санчиқлар бўлмайди.

**НЕВРИТ** (*neuritis*) — уч тармоқли нервнинг яллиғланиши. Касаллик юз-жағ соҳасида уч тармоқли нерв иннервация қилалигидан соҳаларда оғриқ пайдо бўлиши билан кечади. Оғриқ ўз-ўзидан, беихтиёр равишда сирқилловчи хусусиятга эга бўлиб, зааралланган (жароҳатланган) нерв соҳасига босганда кучайди. Неврит енгил шаклда, сурункали ва оғир ҳолатларда кечиши мумкин.

**НЕВРАЛГИЯ** (*neuralgia*) — сурункали касаллик бўлиб, қисқа муддатли, бирдан тутиб-тутиб, сирқиллаб, электр токи урганидек, куйдирувчи кучли оғриқ билан кечадиган касаллик. Зааралланган (жароҳатланган), яъни оғриқ бўлаётган соҳани бармоқ билан қаттиқ босганда оғриқ тўхтайди.

## **СТОМАТИТЛАР**

### **1. Механик заараланиш туфайли рўй берадиган стоматитлар.**

Механик таъсирларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасини эзиши, босиши, қирқиши натижасида декубитал стоматитларни келтириб чиқаради. Механик таъсир қилувчи омиллар жуда кўп учрайди. Булар: тиш тошлари, нотўғри қўйилган тиш пломбалари, нотўғри тайёрланган олиб қўйилувчи ва олинмас тиш протезлари, олиб қўйилувчи тиш протезларининг илгак (кламмер) лари, ўткир тиш қирралари, қаттиқ овқатлар, сукли гўштлар, балиқ қилтаноги, тиш ковлагичлар ва бошқалардир. Ушбу механик сабабларнинг таъсирида тил, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси қонайди, жароҳатланиш натижасида яралар ҳосил бўлади, тиш оғрийди, ўткир яллиғланиш секин-аста 3—4 кунда сурункали яллиғланишга айланади.

Механик заараланиш натижасида оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида қон айланиш бузилади, шиллиқ парда аввал оқаради, сўнgra қизаради, тўқималар кўқимтири тусга киради, пуфаклар ҳосил бўлади, улар тезлиқда ёрилиб, эрозиялар ҳосил қила-

ди. Оғизда сүлак ажралиш кучаяди, оғриқ пайдо бўлади ва ўша ер қонайди ва бора-бора ярага айланади. Бу яралар деб кубитал яралар деб юритилади. Яраларда некротик жараён (тўқималарнинг ўлиши) пайдо бўлиб, атрофи кенгаяди ва чукурлашиб боради. Узок даволаш натижасида тузалмаса, баъзан ўсма касаллигига айланиб кетиши мумкин.

## **2. Кимёвий заарланиш туфайли пайдо бўладиган стоматитлар.**

Турли кислота, ишқор ва бошқа кимёвий моддалар таъсирида тил ва оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида ҳосил бўлган касалликлар кимёвий стоматитлар деб аталади.

Юқори концентрацияли кимёвий моддалар таъсирида ўткир кимёвий яллигланиш пайдо бўлади. Бунда оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси оқиш рангга киради, шишади ва 3-4 кун ўтгач, некрозланган эпителий пардаси кўчиб тушади, қаттиқ оғриқ бўлади. Бу стоматит тузалгандан сўнг ўрнида чукур чандиклар ҳосил бўлади.

## **3. Физик заарланиш туфайли пайдо бўладиган стоматитлар.**

Иссиқ овқат, иссиқ чой, иссиқ ҳаво ёки буғ, баъзан ўт-олов, электр токи ва шу каби термик омиллар таъсирида оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси, тил ва юз терисини кўйдиради.

Куйиш жараёнини бир неча турларга бўлиш мумкин. Булар: енгил, ўрта ва оғир турдаги куйишлардир. Енгил турдаги куйишда оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси бироз шишади, қизарди ва енгил катарал яллигланиш жараёни кузатилади.

Ўртача турдаги куйишда оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида пухфаклар ҳосил бўлади. Улар тезда ёрилиб, юза ва чукур яралар ҳосил қилади.

Оғир турдаги куйиш жараёнида оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси куйиб емирилишга (некрозга) учрайди ва устки томондан некротик парда ҳосил қилади. Бу емирилган тўқима йиринглаши натижасида турли шакл ва чуқурликдаги оғрикли яралар ҳосил бўлади. Бундай пайтда қаттиқ оғриқ гаплашиш ва овқатланишини қийинлаштиради.

## **4. Одам организмида учрайдиган ички (умумсоматик) касалликлар туфайли оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида пайдо бўладиган ўзгаришлар ва стоматитлар.**

### **А. Меъда-ичак касалликлари ва оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси.**

Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида жойлашган кўпдан-кўп рецепторлар меъда-ичак йўлининг секретор ва мотор вазифаларни бажариш ҳолатига таъсир қилувчи рефлекслар манбай

бўлиб ҳисобланади. Иккинчи томондан эса оғиз бўшлиғи одам ички органларида кечайдиган патологик ўзгаришларни ўзида акс эттирувчи “ойнаи-жаҳон”дир. Меъда-ичак касаллигида оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида бўладиган ўзгаришларнинг келиб чиқишида биринчи навбатда юқумли омил сабаб бўлади.

Ўтказилган илмий текширувларимиз шуни кўрсатдики, меъда-ичак йўлларида вужудга келган касалликлар билан биргалиқда оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида ҳам маълум ўзгаришлар кечади. Ушбу жараён тил шиллиқ пардасининг шишиши ва тил сўргичларининг силиқлашиши, оғизнинг қуриб қолиши ва бошқа аломатлар билан характерланади. Бу ўзаро муносабат меъда-ичак йўлининг оғиз бўшлиғи билан анатомик, физиологик ва гуморал йўллар билан узвий боғлиқлигидан далолат беради.

Меъда шиллиқ пардасининг яллиғланиши — гастрит касаллиги ўткир ва сурункали тарзда кечиши мумкин. Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси ўзгаришлари асосий касалликнинг тури ва давомийлиги билан боғлиқларидир. Сурункали гастрит касаллигига тил шиллиқ пардасида шиш, тил устида караш пайдо бўлади. Меъда секретор вазифасининг насиайиши билан кечадиган гастрит вақтида эса дескваматив глоссит ва тил сўргичларининг атрофияси кузатилади. Аммо меъда секретор ҳолатининг ошиши билан кечайдиган гастрит вақтида тил сўргичларининг катталашиши, яъни гипертрофияси кузатилади. Сурункали гастрит вақтида кўпинча оғиз бўшлиғи шиллиқ қана тида патологик ўзгаришлардан — қайталувчи афтоз стоматити, қизил ясси темиратки, баъзан эса ўткир афтозли стоматит, лейкоплакия, хейлит учрайди. Стоматоскопик текшириш вақтида гиперкератоз, шиллиқ парданинг гиперемияси, тиш ости ва усти тиш тошларининг кўплаб тўпланиши, фронтал тишлар соҳасида эса милк тўқимасининг яллиғланиши, унинг суюклик билан тўлганлиги (инфилтрация), милкларнинг қон талашиши ва улардан сероз, баъзан эса қон аралаш суюкликтининг сизилиб чиқиши кузатилади, патологик тиш-милк чўнтаклари ҳосил бўлади. Бундан ташқари, оғиз бўшлиғида юза эпителий тўқимасининг ва шиллиқ моддасининг кўплаб ажралиши гастрит касаллиги учун характерлидир.

Сурункали гастрит касаллигига оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида кузатиладиган клиник ўзгаришлар меъда ярасида бўладиган ўзгаришлардан кам фарқ қиласи. Бунда тил усти эпителий тўқимаси ўзгаради, тил усти кўчиши қийин бўлган караш билан қопланади. Милк шиллиқ пардаси ва альвеоляр ўсимта шиллиқ пардаси кўкимтири рангда бўлиб, сук тўқимаси ва шил-

лиқ пардада атрофик (сўрилиш, емирилиш) жараён кетаёт-ганилиги кузатилади.

Ўн икки бармоқли ичак яраси билан касалланган беморларда, умумкасаллик зўрайган пайтда, тил шиллик пардасининг шишиши, унинг қайталашганилиги ва тилнинг ён ва олд қисмларида тишларнинг изи тушиб қолганлиги кўрилади.

Тилнинг тишларга тегиб турған ерларида кичик-кичик эрозиялар (яралар), эпителий тўқимасининг ингичкаланган ерлари, милкларнинг яллиғланиши кузатилади. Бундай вақтда беморлар тилнинг ачишига, қаттиқ оғришига, милкларнинг қонашига ва нохуш ҳид келишига шикоят қиласди.

Меъда-ичак касалликларида дармон-дорилар сўрилишининг бузилиши туфайли уларнинг етишмовчилиги бўлиши мумкин, бу эса ўз навбатида сурункали гингивитнинг келиб чиқишига ва тиш альвеоляр ўсимталарапнинг атрофик ўзгаришлари-га сабаб бўлади.

Йўғон ичакнинг яллиғланишида (колит) 80% дан кўпроқ беморда сурункали қайталаниб турувчи афтоз стоматитлар бўла-ди. Касаллик бошлангандан сўнг, 2—3 кун ўтиши билан оғиз бўшлиғи шиллик пардасида ва тил шиллик пардасида бир неча (1—3) афта ҳосил бўлади. Бундай пайтда оғизда қишиши, ачишиш ва бироз оғриқ сезилиши мумкин. Афта пайдо бўлганда оғриқ кучайиб, овқат ютиш, гаплашиш қийинлашади, сўлак кўп ажралади. Касаллик сурункали яллиғланиш жараёни бўлиб, биринтирувчи тўқимада эпителеноидли, лимфоцитларга бой ин-фильтратлар ҳосил бўлади. Бунда лимфа ва қон томирлари кенгаяди, эпителий қавати қалинлашиб, некротик жараён на-тижасида кулранг тусли караш пардага айланади. Бу караш парда микробларга жуда бой бўлади. Афталар асосан 10—14 кунда чандиқ қолдирмай тузалиб, bemornинг аҳволи яхшила-нади. Лекин бироз вақт ўтгач, яна қайталанади. Бу қайталана-ниш бир неча марта бўлиши мумкин. У bemornинг тинкасини қуритади. Қайталаниш ойлаб, хатто йиллаб бўлиши мумкин, шунинг учун бу касаллик сурункали қайталовчи афтали стома-тит деб юритилади.

### **Б. Юрак-қон томир тизим касалликлари ва оғиз бўшлиғи шиллик пардаси.**

Юрак-қон томир тизимидағи турли хил касалликлар қанчалик турли-туман ва кўп қирралик бўлса, оғиз бўшлиғи ва тил шиллик пардасидаги патологик ўзгаришлар шунчалик турли-тумандир. Умумсоматик касаллик қанчалик оғир кечса, оғиз бўшлиғи шиллик пардасида ўзгаришлар ҳам шунчалик кучлироқ бўлади. Бундай касалликлар вақтида оғиз бўшлиғи шил-

лик пардаси кўқимтири рангга киради, шиш пайдо бўлади, кўпинча жуда оғрикли, қийин тузалувчи йирик афтали стоматитлар пайдо бўлади. Эрозиялар, трофик некрозли яралар, гингивостоматитлар тараққий эта бошлайди. Яралар асосан тил ёнида, юзасида, тил устида, лунж, милк ва танглайда бўлиб, ўзига хос тарзда шакланади. Яра унча чукур бўлмай, унинг юзаси ва атрофидаги тўқималар некрозланади ҳамда устки қисмида караш ҳосил бўлади. Улар оғрийди, оғиздан нохуш хид келади, сўлак кўп ажрала бошлайди.

Организмда қон айланиш жараёни бузилганда кўпинча милк қонайди ва шишиб қизаради. Тиш тошлари пайдо бўлиб, патологик тиш-милк чўнтаклари ҳосил бўлади. Милкларни босгандан вақтда улардан йиринг чиқади. Тишлар қимиirlай бошлайди ва жағ сугининг альвеоляр ўсиқлари сўрила бошлайди. Тишлар қимиirlаб, илдиз қисмлари очилиб боради ва чайнов ҳаракатлари натижасида тиш қаторларининг иккиламчи шакл бузилиши (деформация) вужудга келади. Тиш қаторларининг бундай шакл бузилиши кейинчалик ортопедик стоматологик ёрдам кўрсатишини қийинлаштиради.

Бу кузатилган симптомакомплекс симптоматик пародонтоз қасаллигининг асосий белгилари бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, жигарда қон айланиш сусайи анда, танглай шиллиқ пардаси сариқ рангга киради. Стенокардия пайтида оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси қон томирлари торайгани учун оқиш рангда бўлади. Бундай пайтда, юрак билан бирга оғиз, тилнинг чап томони оғрийди.

Шундай қилиб, организмда қон айланиши бузилиши натижасида оғиз бўшлиғи, тил шиллиқ пардаси шишади. Бунинг натижасида тил ён томонларида, учида, лаб шиллиқ пардасида тиш ўринлари ҳосил бўлади. Тил сўргичлари (кўпроқ ипсизмон сўргичлар) атрофияга учрайди. Тилнинг юзаси силлиқ бўлиб, қизарип шишади ва унинг сезигирлиги ошади ҳамда ташки таъсир натижасида тезда шикастланади. Бунда эрозия, яралар пайдо бўла бошлайди. Кўпинча лунж шиллиқ пардасида ва юмшоқ танглайда майдада қон қийилиши кузатилади.

**Камқонник.** Соғлом одамда меъданинг пастки қисмида ги безлар ишлаб чиқарадиган гастромукопротеин витамин В<sub>12</sub> билан бирикади. Гастромукопротеин меъда безларидан кам ишлаб чиқарилиши натижасида витамин В<sub>12</sub> етишмовчилиги келиб чиқади, бу эса камқонникка сабаб бўлади. Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси, тери, лаб қизил ҳошияси камқонлик натижасида оқаради. Нерв тизимида функционал ўзгаришлар бўлади ва таъм билиш пасаяди. Нерв толаларидаги

дегенератив ўзгаришлар натижасида мушаклар оғрийди. Тил сатқида қызил йүллар ҳосил бўлади, тил сўргичлари йўқола боради. Тил силлик, худди тозалангандек бўлиб қолади, ачишиб оғрийди. Бундай пайтда гишларда кариоз касаллиги кўпая боради.

**Гемофилия.** Гемофилия касаллигига оқаётган қон қўйилмайди, тромбопластин моддасининг синтези бузилади ва қон ивимаслиги натижасида тиш олинганда, бирор бир жаррохлик ёрдам кўрсатилганда, жароҳат бўлган ерлардан қон оқиши тўхтамайди. Бу эса кўпинча кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин.

Гемофилия касаллигига тери, оғиз бўшлиғи шиллик пардаси камқонлик натижасида оқаради. Майдамайдада қон қўйилиши пайдо бўлиб, булар бирлашиб гематомалар ҳосил қилаади. Милк қонайди, бурундан, меъда-ичак йўлларидан, буйракдан қон кетиши мумкин, Мияга, юракка, кўз косасига ва бошқа ички органларга қон қўйилиши мумкин.

**Лейкозлар.** Лейкоз касаллиги қон ҳосил қилувчи органлар тизимининг ўсма характеристикинига касаллиги бўлиб, периферик қонда, етилмаган оқ қон таначаларининг (лейкоцитларининг) жуда ҳам ошиб кетиши кузатилади.

Ўтқир лейкоз касаллигининг клиник кўринишида анемия (камқонлик), геморрагик синдром ва иккиласми септич-некротик гингивит, гипертрофик гингивит, хейлит, оғиз бурчагининг бичилиши (яраси) ва геморрагик синдром белгилари учрайди. Тил юзаси тўқ-кўнғир рангли караш билан қопланади; тил усти ён соҳаларини кўпинча чуқур яралар қоплаб олади (ярали глоссит); баъзида макроглоссия, яъни тилнинг катталashiши кузатилади, оғиздан ёқимсиз (нохуш) ҳид келади. Кўпинча тишларнинг пародонт тўқимаси атрофияга (емирилишга) учраб, улар қимирлаб қолади. Қимирлаган ёки касалланган тишларни олиб ташлаш вақтида эса узоқ вақт қон кетиши кузатилади.

**В. Эндокринологик касалликлар ва оғиз бўшлиғи шиллик пардаси.**

**Қандли диабет касаллиги** меъда ости бези ишлаб чиқаридиган гармон — инсулиннинг етарли миқдорда ишлаб чиқарилмаслиги натижасида келиб чиқади. Қандли диабет касаллиги эндокрин безлар касаллиги ичидаги энг кўп (10%) учрайди ва умумсоматик (ички) касалликларнинг 1-2% ини ташкил этади. Қандли диабет касаллигига қондаги глюкоза миқдори кескин равишда ошиб кетади (80-120 мг % ўрнига 200-400 мг %

ва ундан ортиқ бўлиши мумкин). Бундай пайтда сийдиқда қанд миқдори аниқланади (1-5 %).

Бу касаллиқда сўлак ажралиши кескин камаяди, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси, терининг тўсиқ (мудофа) вазифаси сусаяди, микроблар таъсирида яллиғланиш содир бўлиши кузатилади. Терида кўпинча йирингли жараёнлар бошланади. Оғиз бўшлиғи, тилнинг шиллиқ пардаси қурийди, қизаради, механик таъсир натижасида ўша ерларга қон қуйилади, эрозиялар, яралар пайдо бўлади. Милк қонаб оғрийди, кўқимтириқизил рангга киради, милклар шишади. Тиш тошлари ҳосил бўлиб, патологик тиш-милк чўнтақларини келтириб чиқаради. Улардан қон, йиринг чиқиб туради, оғиздан нохуш ҳид келади. Жағ суюги альвеоляр ўсиқларида кўпинча верикал, баъзан горизонтал сўрилишлар, остеопороз (минерал тузларнинг камайиши) пайдо бўлади. Тишни ушлаб турувчи боғламларнинг сўрилиши натижасида, тишлар қимирилаб, туша бошлайди. Тишларнинг тушиб кетиши натижасида ҳосил бўлган иккиламчи адентия тишларнинг қимирилашини кучайтиради ва тиш қаторларининг иккиламчи деформациясини келтириб чиқаради, натижада оғизда ўзига хос симптоматик йирингли пародонтоз касаллиги пайдо бўлади.

Қандли диабет касаллигига таъм билиш бузилилади, наркотезия (сезувчанликнинг ўзгариши) кузатилади. Тил, лунж, ганглайдаги шиллиқ пардада сут қолдигига ўхшаш оқ рангли яллиғланиш ҳосил бўлади. Оғиз бўшлиғида оғрикли трофик яралар ҳосил бўла бошлайди. Бу яралар узоқ вақт давом этиб, тузалиши қийин бўлади.

#### **Г. Асаб ва руҳий касалликлар ва оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси .**

Асаб ва руҳий касалликларда оғизда таъм билиш бузилиши мумкин. Бунда таъм билишнинг ошиши (гипергаузия), пасайиши (гипогаузия), йўқолиши (агаузия) ва ширин маза аччиқ, аччиқ маза эса шўр бўлиб, ҳар хил ўзгариши (парагаузия) мумкин. Нерв тизими касалликлари таъсирида оғиз қуриши (ксеростомия) ёки сўлак ажралиши кўпайиб (гиперсаливация), оғиздан сўлак оқиб туриши мумкин.

#### **Д. Юқумли касалликлар ва оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси .**

##### **Сил касаллиги (туберкулез).**

Сил организмнинг умумий юқумли касаллиги бўлиб, уни Коҳ таёқчалари келтириб чиқаради. Ўпка силида бемор йўталганда балғам билан бирга миллионлаб Коҳ таёқчаси чиқади.

Оғиздаги шиллик парда қаттиқ овқатлар, тиш тошлари билан шикастланғанда Кох таёқчасига организм түқимасыға кириш учун йўл очилади ва сил қасаллиги га хос яллигланиш пайдо бўлади.

Сил яраси милк, танглай, альвеоляр ўсимта шиллик пардаларида юза, чуқур бўлмаган яралар ҳосил қиласиди. Бунда тишлар қимирлаб, сил яраси остидаги суюқ шикастланади. Тил, лаб, лунж шиллик пардасининг ҳаракатчан қисмларида сил яраси чуқурроқ бўлиб, бироз шишади. Сил яраси қаттиқ оғрийди, айниқса овқатланғанда бу оғриқ кучаяди. Тана ҳарорати ошади, бемор ўзини ёмон сезади. Организмда умумий кувватсизлик пайдо бўлиб, ишлаш қобилияти пасайиб кетади.

Сил қасаллигига тишларда кариес, катарал гингивит, глоссит, гиперкератоз каби стоматологик қасаллуклари кўп кузатилади. Сил яралари тузалаётганда эпителий түқимаси билан яхши қопланади, шу туфайли яра ўрнида билинар-билинмас чандикларни кўриш мумкин. Сил яраси оғизда кўпинча 1-3 та дона бўлади. Сил дўмбоқчasi марказида озиқсимон бузилиш пайдо бўлиб, қазеоз некрозланади ва дўмбоқча ёрилиб, сил яраси ҳосил бўлади. Яра атрофида майдага йирингчалар (абцесслар) ҳосил бўлиши мумкин.

**Дифтерия** ҳаво-томчи йўли билан юқадиган, Леффлер дифтерия таёқчаси қўзғатадиган ўтқир юқумли қасаллик ҳисобланади. Дифтерияда bemor ҳалқумида ўтқир фибриноз яллигланиш пайдо бўлиб, караш боғлайди, баъзан нафас олиш қийинлашиб қолиши мумкин.

Дифтерияда ҳалқум, кекирдак, трахея, танглай, тил, бурун, кўз ва терида фибриноз яллигланиш пайдо бўлади, бодомча безлар шишиб, оғрийди. Милк, тил, лунж ва лаб шиллик пардасида ҳам дифтерияга хос қизариш, шиш, фибриноз яллигланиш пайдо бўлиши мумкин, оқ кулранг караш ҳосил бўлиб, бу караш шиллик парда билан узвий боғлиқ бўлади, кўчирганда конайди. Карашда дифтерия микроблари, лейкоцитлар, кўчган эпителийлар бўлади. Бунда овқат ейиш қийинлашади, оғриқ, айниқса, овқат ютилганда кучаяди. Регионар лимфа тугунлари катталашиб, оғрийди. Лабда ёриклар, қатқалоқлар ҳосил бўлиши мумкин.

Азиз китобхон! Биз стоматологик ва турли соматик қасаллуклар ҳақида жуда қисқача маълумот бердик. Шу билан бирга бизга маълум бўлган адабиётлардан юкорида кўрсатилган стоматологик қасаллукларини даволашда доривор ўсимликларни тутган ўрнини этиборингизга тақдим этмоқчимиз.

## ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ СТОМАТОЛОГИЯ АМАЛИЁТИДА ИШЛАТИЛИШИ

**АНОР (гранат) — *Punica granatum* L** — анордошлар — Rupicaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 1,5—5 м. гача бора-диган бута. Гуллари қирмизи ранг. Меваси — шарсимон, кўп уруғли, нордон-ширин мазали, серсув.

Анор Марказий Осиё ва Кавказда ёввойи ҳолда ўсади. Мевали ўсимлик сифатида Марказий Осиё, Догистон ва Кримда ўстирилади. Шифобахш қисми — меваси (пўстлоғи, шарбати, уруғи), барги ва гулидири.

Анор таркибида қанд, органик кислоталар, С витамини, ошловчи моддалар, фитонцид ва алкалоидлар бор. Анор менасида, пўстлоғида ва баргидага урсол кислотаси, гулида пунцин бўёқ моддаси бор. Ҳалқ табобатида унинг меваси (шарбати, уруғи), гули, пўстлоғидан тайёрланган қайнатмаси кенг қўлланилади. Анор қадимдан шифобахш ўсимлик ҳисобланаби, мева донининг шираси иштаҳани қўзғатади, меъда фаолиятини яхшилайди, цингага қарши восита ҳисобланади. Шунингдек у ўт, сийдик, гижжани ҳайдовчи, кучли буриштирувчи, оғриқ қолдирувчи, яллиғанишга қарши ва антисептик хоссаларга эгаиди.

Абу Али ибн Сино анор ҳақида шундай ёзган: “Анор — руман. Анернинг уруғи асал билан бирга тиш оғриғига фойда қилади. Анернинг уруғини янчиди, асал билан қўшиб оғиз оғриғига суртилса фойда қилади”.

Стоматология амалиётида анор мевасининг шарбати С витамини етишмовчилиги туфайли келиб чиқсан цинга, гингвит, пародонтит касаллкларида милклар қонаши ва оғриғини қолдириш учун ишлатилади.

Мева пўстлоғидан тайёрланган қайнатма эса стоматитлар, гингвит, пародонтит (офиз шиллиқ қавати касаллкларида)да яллиғанишга қарши, милк қонашини камайтириш, оғиздан келадиган нохуш хидларни йўқотиш учун ишлатиш мумкин.

Қайнатмасини тайёрлаш учун 2 чой қошиқ майдаланган анор пўстини усти берк идишга солиб, 1 стакан сув қўйилади ва 10 минут қайнатилади. Совигандан сўнг докадан ўтказилиб, оғиз чайилади ёки оғизда бироз ушлаб турилади (ванночка қилинади).

Анор гулининг шираси милк қонашини тўхтатади, қимирлаган тишларни маҳкамлайди. Бунинг учун анор гулининг ширасига докани ёки пахта пиликни (болишчаларни) шимдириб милкларга қўйилади (7-10 кун ичиди 30-45 минут давомида қопланади, яъни апликация қилинади).

## **АЛОЙ, САБУР (алоэ) — Aloë.**

Алойнинг ҳар хил турлари бор: ҳақиқий алой, дарахтсимон алой, тиканли алой. Тиббиётда дарахтсимон алои ишлатилади. Дарахтсимон алой (алоэ древовидное — Aloë arborescens Mull) лолагулдошлар — Liliaceae оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик, дарахтсимон, доим яшил ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, барги оддий, юмшоқ этли, қиличсимон, гуллари бошоқча тўплланган. Меваси — уч қиррали цилиндрсимон кўсакча. Алойни тиббиётда ишлатиш мақсадида Марказий Осиё ва Кавказда маҳсус хўжаликларда ўстирилади. Алой хоналарда ҳам ўстирилади. Шифобахш қисми барги ва баргларидан олинган шираси бўлиб, таркибида алоин (бир қанча антраглюкозидларнинг йигиндиси), смола, витаминлар, фитонцидлар, эфир мойи, аччиқ ва бошқа моддалар бор. Баргининг шираси иштахани қўзғатувчи, овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшиловчи, ич юмшатувчи, кучли кувват берувчи (тонусни кучайтирувчи), яллиғланишга қарши, бактериоцид ва жароҳатларни битирувчи во-сита сифатида таъсир қиласди.

Халқ табобатида алой барги ва унинг шираси жароҳатларнинг битишини тезлаштиришда, узоқ вақт битмайдиган яраларни, меъда ва ўн икки бармокли ичак яраси касаллигига ва ўпка силини даволашда ишлатилади.

Абу Али ибн Сино ёзади: алой дарахти — агладжун, хинд алой дарахти — хашт даҳан. Барги ёки ширасини асал билан кўшиб, урилишдан қолган изларга қўйилади, яралангандан миљни битиради, оғиз яраларига фойда қиласди.

Илмий тиббиётда алой барги ширасидан олинган сабур препарати, экстракт, эмульсиялари кўп соҳаларда: кўз касалликлари, меъда-ичак касалликлари, нафас йўли, ўпка сили, сурункали артритлар ва бошқа жуда кўп касалликларни даволашда ишлатилади.

Стоматология амалиётида алой баргидан тайёрланган сувли экстракти биоген стимулятор сифатида пародонтит касаллигини инъекция йўли билан даволашда ишлатилади. Ундан ташқари сурункали афтозли стоматит, катарал ва ярали гингивитларни даволашда яхши фойда қиласди. Доривор препаратлардан сабур, инъекция учун В.П.Филатов усули буйича тайёрланган алой экстракти, алойнинг сувли суюқ экстракти, алой барги таблеткаси, алой шарбати, алой шираси, алой суюқ суртмаси (линимент), темирли алой шарбати кенг миқёсда қўлланилади.

1. Rp.: Extr. Aloes fluidi 100 ml

D.S. оғиз бўшлиғидаги ярали жароҳатларни ювиш учун.

2. Rp.: Extr.Aloës fluidi 1 ml

D.t.d. N10 in amp.

S. инъекция учун.

3. Rp.: Linimenti Aloës 50 ml

D.S. яралар, жароҳатларга суркаш учун.

4. Rp.: Succi Aloës 100 ml

D.S. оғиз бўшлиғидаги ярали жароҳатларни ювиш учун.

**АРПАБОДИЁН, ОДДИЙ АРПАБОДИЁН (анис, анис обыкновенный) — *Anisum vulgare Gaertn.*** Аниссимон арпабодиён (*Pimpinella anisum L.*) — селдердошлар — Apialesae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 60-70 см. га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик, пояси тик ўсувчи, кўп қиррали, тукли. Илдиз олди барглари узун, уч бўлакли, қирраси тишсимон. Гуллари майда, оқ рангда муракқаб соябонга тўпланган. Меваси — қўша-лоқ писта.

Арпабодиён Марказий Осиё, Россиянинг Овруло қисмида, Кавказ, Украина, Шимолий Кавказ ва бошқа ерларда ўстирилади. Шифобахш қисми меваси ҳисобланади. Таркибида эфир мойи, ёғ ва оқсил бор. Халқ табобатиди арпабодиён меваси ва эфир мойи балғам кўчирувчи сифатида броҳит, трахеит, ларингит, кўййутал, нафас йўллари яллиғланиши касалликлирида, ичак фаолиятини кучайтирувчи, ел ҳайдовчи ва сурғи сифатида кўлланилади.

Абу Али ибн Сино арпабодиён — анисутун тўғрисида шундай ёзади: бироз буриширади, оғриқларни қолдиради, юз салқиганда фойда қиласади.

Илмий тиббиётда арпабодиён меваларидан тайёрланган дамлама ва арпабодиён мойини юқори нафас йўллари яллиғланишида, ўпка гангренаси, кўййутал ва гипоацид гастритларни даволашда ишлатилиши мумкин.

Дамлами тайёрлаш учун бир ош қошиқ арпабодиён меваси устига 1 стакан қайнаб турган сув солиб, усти берк идишда 20 минут дамлаб, сўнгра сузиб олиб оғиз чайишга ишлатилиди.

Гингивит, пародонтитларни даволашда анис мойига дока ёки пахта пиликни шимдириб милкларга қўйилади (аппликация қилинади).

Анис мойи дорихоналарда сотилади.

Rp.: Infusi fructi Anisi 200 ml

D.S. Милкларга апликация қилиш учун (офизни чайиш учун)

Rp.: Olei Anisi 16.0

D.S. милкларга апликация қилиш учун.

**АРЧА, ОДДИЙ АРЧА (можжевельник обыкновенный) — *Iuniperus communis* L** — сарвигулдошлар — Cupressaceae — оиласига мансуб бўлиб, бўйи 1-3 м.га етадиган доим яшил бута. Барги қаттиқ, бандсиз, нина шаклида поядা учта-учтадан жойлашган. Шохчаларининг учида қорамтири, шарга ўхшаш қубба мевалари бор. Оддий арча Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи, Россиянинг Оврупо қисми ва Ўзбекистоннинг төғли районларидаги аралаш ва ботқоқлик ўрмонларда ўсади.

Шифобаҳш қисми куббалари (меваси) бўлиб, таркибида 40% гача қанд, смола, ёғлар, олма, чумоли ва сирка кислоталари, бўёқ моддалари бор.

Табобатда арча қуббасининг дамламаси ва қайнатмаси пешоб ҳайдовчи, иштахани қўзғатувчи, овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшиловчи, балғам қўчирувчи, яллигланишга қарши антисептик таъсир қилади.

Стоматологияяда арча қуббасининг дамламаси ва қайнатмасидан оғиз шиллик қавати касалликларида оғизни чайиш учун фойдаланилади.

Арча қуббасидан қайнатма тайёрлаш учун 1 ош қошиқ майдаланган мевасига 1 стакан совуқ сув солиб 1 соат туради. Сўнг 10 минут давомида қайнатилади. Советиб, оғиз чайишда ишлатилади.

Rp.: Fructi Iuniperi 50,0

D.S. қайнатма тайёрлаб, оғиз чайишга ишлатилади.

Rp.: Infusi baccari Iuniperi 200 ml

D.S. Оғиз чайиш учун.

**АЧЧИҚ ШУВОҚ, ЭРМОН (полынь горькая) — *Artemisia absinthium* L** — астралдошлар — Asteraceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 50-100 см.га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, юқори қисми шохланган. Илдизолди барглари узун бандли 2-3 марта патсимон ажралган. Ўсимликнинг гул ва баргларида туклар кўп бўлгани учун кумушранг кўринади. Гуллари майда, сарик саватчага тўпланган. Меваси — ўткир учли жигарранг писта. Эрмон Россиянинг ҳамма ерларида ва Марказий Осиёда кўп тарқалган. У аҳоли яшайдиган жойлар-

да, йўл ёқаларида, ўтлоқларда, ўрмон четлари, сув бўйлари ва экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади.

Табобатда илдизолди барглари ва гуллаганда гулли пояларининг учи қирқиб олиб ишлатилади. Таркибида аччиқ гликозидлар, смола, эфир мойлари, С витамини, фитонцид, ошловчи моддалар ва бошқа моддалар бор.

Эрмон шифобахш ўсимлик сифатида халқ табобатида қадимдан фойдаланиб келинади. Эрмон иштаҳани қўзғатади, овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилайди, меъда ширасини оширади, шишларни сўрилтиради, яллигланишни камайтиради, жароҳатларни битиради. Эрмон антисептик, тортишишга қарши ва енгил ухлатувчи таъсир қиласи.

Абу Али ибн Сино аччиқ шувоқ (эрмон) — афсантин ҳақида шундай ёзади: эрмон юзнинг рангини яхшилайди, кўз остида бўладиган гунафша рангли доғларни (изларни) йўқотади. Ўти кўйиб боғланса, қулоқ орқасидаги шишларга фойда қиласи.

Илмий тибиётда эрмоннинг препаратлари асосан меъда фаолиятини яхшиловчи, иштаҳани очувчи, баъзи манбаларга қараганда жигар касаллигиди, уйқусизликда, иситмага, яраларга ва яллигланишларга қарши таъсир қилувчи восита сифатида ишлатилади.

Стоматология амалиётида оғиз бўшлини шиллиқ қасалликларни даволашда антисептик сифатида фойдаланилади.

Rp.: Herbae Absinthii 100.0

D.S. 1 чой қошиқ майдаланган эрмон ўтини 2 стакан қайноқ суниди 20 минут усти берк идишда дамлаб қўйиб, сўнgra сузиб, оғиз чайишга ва вэнночка қилишга ишлатилади.

**БАРГИЗЎТ, КАТТА ЗУБТУРУМ (подорожник большой) — *Plantago major L*** — зубтурумдошлар — *Plantaginaceae* оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик, калта ва йўғон илдиз пояли ўт ўсимлик. Илдиз поясининг юқори томонидан жуда кўп майда илдизлар ўсиб чиққан бўлади. Барглари эллипссимон ёки тухумсимон, текис қиррали ва йирик бўлади. Гули майда кўримиз оддий бошоққа тўпланган. Меваси тухумсимон, кўп уруғли кўсакча.

Баргизўт Ўзбекистон Республикасининг ҳамма ерларида — йўл ёқаларида, далаларда, экинзорларда, ўтлоқларда, ўрмон четларида, ариқ бўйларида ҳамда бошқа нам ерларда ўсади.

Шифобахш қисми: барги, ер устки қисми ва шираси ҳисобланади. Таркибида полисахаридлар, гликозидлар (ринантин), каротин, аччиқ ва ошловчи моддалар, ферментлар, лимон, аскорбин кислоталари, К витамини, алкалоид, фитонцидлар, уруғи

Ғида эса шиллик моддалар, ёғ, углевод, сапонин ва бошқалар бор.

Халқ табобатида антисептик, яллигланишга қарши, бити-рувчи, қон тұхтатувчи ва оғриқни қолдирувчи өсіті сифатида ишлатылади.

Баргизүт қон кетишини тұхтатади. Қуритилган ҳолда эса ачиштиришлик хусусиятiniң ійқотади. Шу сабабли өсікі ва янги яраларнинг битишига фойда қилади. Илдизини чайналса ёки қайнатмаси билан оғиз чайилса тиши оғригини камайтиради. Баргларнинг суви (шираси) оғиз чақаланишини даволайды.

Илмий тиббетта балғам күчирувчи, иштаханы яхшиловчи (аччиқ модда сифатида) анацид ва гипоцид гастритларда, сурнекали колитларда, спазмолитик (ошқозон-ичак тизимининг силлиқ мушакларини бүшаштирувчи) ва яллигланишга қарши өсіті сифатида құлланилади.

Стоматологияда баргизүтнинг баргидан, ширасидан, дамламасидан оғиз шиллик қавати касаллукларини (стоматит, гингивит, пародонтитларни) даволашда, тиши оғригини камайтиришда, жароҳатларни ювіб даволашда ишлатылади.

#### Дамламаси:

1. Бир ош қошиқда қуритиб майдаланған баргизүтга 1 стакан қайнаб турған сувни солиб, усти берк идишда (чойнақда, термосда) дамлаб қўйилади. 2 соатдан сўнг докадан ўтказиб (сузиб), оғиз чайишда, жароҳатларни ювишда ишлатылади.

2. 2 ош қошиқ янги майдаланған баргини ёки қуритилган баргини 1,5 стакан қайнаб турған сувга солиб дамлаб қўйилади. 2 соатдан сўнг сузиб, оғиз чайишга, жароҳатларни ювишга ишлатылади.

3. Бир ош қошиқда қуритиб майдаланған баргига 1 стакан қайнаб турған сув солиб оғзи берк идишда ярим соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан ўтказиб оғиз чайилади.

Баргизүтнинг янги баргларидан сиқиб олинган ширасини докага ёки пахта пиликларга (болишчаларга) шимдириб, милкларга ярим соатдан бир ҳафта-үн кун давомида қўйилади. Муолажадан аввал юмшоқ тиши чўткаси билан милкларни ювиш тавсия этилади. Бундай муолажа гингивит, пародонтит ва стоматитларда қўлланилади.

Майда қилиб тұғралған баргизүтнинг янги баргларини докага ўраб милкларга қўйилса милк қонашини, ундаги яллигланиш ҳолатини ійқотади.

Дорихоналарда баргизүтнинг шираси куруқ экстракти — плантоглюцид (гранула шаклида) ва майдаланған барги (дамлама қилиш учун) сотилади.

Rp.: Inf. fol. Plantaginis 200 ml.

D.S. Оғиз бўшлиғидаги жароҳатни ювиш учун.

Rp.: Succi Plantaginis 250 ml

D.S. Дамлама тайёрлаш учун.

Rp.: Plantoglucidi 50,0

D.S. Чорак стакан (1/4) қайнаган сувда эритиб, оғиз бўшлиғидаги жароҳатларни ювиш учун.

**БЕХИ, ЧЎЗИНЧОҚ БЕХИ (айва продолговатая) — *Cydonia oblonga* Mill** — раъногулдошлар — Rosaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 12 м.гача етадиган, сершоҳ дараҳт. Барглари тукли, тухумсимон, банди калта бўлиб, шоҳларида кетма-кет жойлашган. Гуллари оч пушти, беш бўлакли, якка, йирик. Меваси тукли, сариқ, думалок ёки бир оз чўзиқ, ширин буриштирувчи таъмга эга, хушбўй ҳидли, данакли мева.

Ватани Греция, Эрон, Кавказ. Ўрмонларда ёввойи ҳолда ўсади. Марказий Осиё, Кавказ ва Украинада маданийлаштирилган навлари ўстирилади.

Шифобахш қисми меваси, уруғи ҳисобланади. Таркибида қанд, ошловчи моддалар, азот моддалари, олма, лимон кислоталари, минерал тузлар, мис, темир тузлари, С витамини, эфир мойлари, фитонцидлар, уруғида ёғ, шиллиқ ва бўёқ моддалар бор.

Бехи меваси ошловчи, сийдик ҳайдовчи, қон тўхтатувчи, антисептик, яллигланишга қарши таъсир қиласди.

Абу Али ибн Сино ёзади: бехи — сафарджал буриштирувчи, кучайтирувчи, уруғи юмшатувчи, гули билан ёғи буриштирувчи таъсирга эга. Бехи ёғи лаб совуқдан ёрилганда ва учукقا фойда қиласди.

Илмий тиббиётда бехи ва беҳидан тайёрланган гален препаратлари гижжаларга қарши, камқонликка, нафас ва ҳазм органлари касалликлари яллигланишига қарши антисептик восита сифатида, бехи уруғи қайнатмаси оғиз, томоқ оғрифида чайиш учун, конъюктивитда кўзга қуиши (томизиши) учун ва терини юмшатувчи восита сифатида ишлатилиши ҳақида маълумотлар бор.

Стоматология амалиётида бехи уруғи дамламасидан оғиз шиллиқ қавати касалликларида: стоматитлар, гингивит, пародонтит, глоссит (тил яллигланиши) да буриштирувчи, антисептик, битирувчи сифатида фойдаланилади.

Дамламасини тайёрлаш учун 2 чой қошиқ бехи уругининг ўстига 1 стакан қайноқ сув солиб, усти берк идишда 15 минут

дамлап күйилади, сүнгра сузаб олиб, чайиш ва ванночка қилиш учун ишлатилади. Шу дамламани дока ёки пахта пиликка шимдириб, аппликация қилинади (օғриган жойга қүйилади) ёки куритилган мевасидан 20:200 нисбатда шиллик қайнатма тайёрлаб фойдаланилади.

**БОДОМ (МИНДАЛЬ ОБЫКНОВЕННЫЙ) – *Amygdalus communis* L** – раъногулдошлар – Rosaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 2,5 м. дан 8 м. гача бўладиган дараҳт. Танаси қорамтири, барги лансетсимон ўткир учли, пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари оқ ёки оч пушти рангда. Меваси қыйшик ёки чўзиқ тухумсимон данакли. Бодомнинг икки тури, яъни аччиқ ва чучук тури бўлади.

Аччиқ бодом ёввойи ҳолда тоғ ёнбағирларида ва тоғли туманларда ўсади. Аччиқ ва чучук бодом Марказий Осиёда, Кавказ ва Кримда кўп ўстирилади.

Шифобахш қисми бодом мағзи. Ҳар иккала хилининг таркибида мой, В<sub>2</sub> витамины, оқсил моддалар, сахароза, эмульсин ферменти, аччиқ бодомда яна амигдалин глюкозиди учрайди.

Халқ табобатида бодом мағзи ва бодом мойи қадимдан ишлатиб келинади. Яллиғланишга қарши яра ва жароҳатларни тезроқ битирадиган, қувватга киргизадиган восита сифатида ишлатилган.

Абу Али ибн Сино бодом ҳақида қуйидагича ёзади: “Бодом – лавз, айниқса аччиқ бодом сепкил, нуқтали қонталаш, офтобдан қорайишга қарши кўлланилади. Юздаги доғларни кетказади, ажинларни ёзиб юборади. Юздаги сепкилларни кетказиша аччиқ бодом дараҳтининг илдизини қайнатиб суркалса, энг кучли дори ҳисобланади”.

Бодомни асал билан қўшиб югирувчи яралар ва учукқа суркалади.

Илмий тиббиётда бодом мойидан қабзиятни даволашда ҳамда яллиғланишга қарши восита сифатида фойдаланилади. Ширин бодом мағзидан тайёрланган эмульсия гиперацид гастрит, меъданинг яра касаллигига ишлатилади.

Стоматология амалиётида бодом мойидан антисептик ва яллиғланишга қарши восита сифатида стоматитларни даволашда, юздаги сепкил ва ҳуснбузарларни йўқотишида кўлланилади. Бодом мағзини майдалаб, янчиб, асал қўшиб малҳам ҳолида учукқа қўйилса, яхши фойда қиласи. Дорихоналарда бодом мойи шиша идишларда сотилади.

**БОДРИНГ — (огурец посевной) — *Cucumis sativus* L —** қовоқдошлар — Cucurbitaceae оиласига мансуб бўлиб, пояси ер бағирлаб ўсувчи бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Барглари бешбурчак — четлари нотекис қиррали тишсимон, юраксимон шаклда. Гуллари — бир жинсли, сариқ. Мевалари серсув, этдор бўлади.

Ватани Шимолий-Шарқий Хинди斯顿 бўлиб, бир неча минг йиллар аввал маданийлаштирилган. Ҳозир эса ҳамма ерда экилиди.

Шифобахш қисми — меваси, шираси, мева пўстлоғи, уруғи ва гули ҳисобланади. Таркибининг асосий қисми сув бўлиб, уларда оқсиллар, қанд, моддаси, клетчатка, крахмал, органик кислоталар, калий, кальций, натрий, магний, темир, алюминий, йод, марганец сингари микроэлементлар, В, С, Е, РР ва бошқа витаминалар бор.

Халқ табобатида бодринг ва унинг ширасидан йўталга қарши ва бошқа нафас органлари касалликларида, сил касаллигида, иштаҳа очувчи, сийдик ва ўт ҳайдовчи, ични юмшатувчи, жигар касали ва сариқ касалини даволашда ишлатилади.

Илмий тиббийётда меъда ширасини, ўт ажралишини кучайтириш, сийдик — тош касаллигини даволашда ишлатилади.

Стоматологияяда бодринг сувидан, пўсти ва уругидан тайёрланган эмульсия юз-жағ соҳасидаги қонталаш (гематома)-ни сўрилтиришда тавсия этилади. Юздаги хуснбузар, сепкил ва доғларни кетказишда ҳам ишлатилади.

Янги пўсти билан қирилган 4 ош қошиқ бодринг устига 2 стакан қайноқ сув солиб дамлаб, 4 соатдан сўнг сузиб олиб, юздаги доғларни кетказиш, юзни латифлаштириш учун ювилади, суркалади.

**БОЗУЛБАНГ, ГАНГИТУВЧИ БОЗУЛБАНГ (зайцегуб, лагохилус опьяняющий) — *Lagocheilus inebrrians* Bge —** ясноткадошлар- Lamiaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 20-60 см.га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси сершоҳ, асос қисми ёғочланган, қаттиқ безли туклар билан қопланган. Барги оддий, 3-5 бўлакли, қирқилган. Гуллари оч пушти рангда, икки лабли, ярим халқа шаклида ўрнашган. Меваси — тўртта ёнгоқча. Гангитувчи бозулбанг Ўзбекистон, Тоҷикистон, Туркманистоннинг ярим чўл ва шағалли қия тоғ бағирларида ўсади.

Шифобахш қисми — гули ва барги ҳисобланади. Таркибида лагохилин (тўрт атомли спирт) эфир мойлари, ошловчи моддалар, органик кислоталар, С витамини, каротин, флавоноидлар ва органик кислоталар бор.

Халқ табобатида бозулбанг ўтидан тайёрланган дамлама, қайнатма, суюқ ва қуюқ экстрактларидан қон оқишини тұхтатувчи восита сифатида құлланилади.

Илмий тиббиётта гангитувчи бозулбангнинг препаратларидан үпкадан, бачадондан қон кетишини, бурун қонаши ва бошқа касалликларда қон тұхтатувчи, қон ивиш жараёнини қайтирувчи, қон томир деворларидан қон сизиб чиқишини қайтирувчи восита сифатида фойдаланилади.

Стоматология амалиётида бозулбангнинг 10%ли тиндири масидан миқлар қонаганда, құп қон кетиши билан кечадиган жарроҳлик операцияларда, тиш олингандан сүнгти қон кетишини тұхтатышда ишлатилиши мүмкін.

Дамламани тайёрлаш учун 1 ош қошиқ майдаланган үсімлікнинг гули ва барғидан олиб, устига қайнаб турған сувдан 1 стакан солиб, усти берк идиша 1 соат давомида дамлаб құйилади. Сүнгра сузіб олиб, дока ёки пахта тампонларга шимдіриб қон кетаёттан жойға құйилади.

Вр. Гәле Laqochili 20 ml

D.S. Қон кетишини тұхтатыш учун. 25-30 томчидан овқатдан олдин ичиш үчүн.

**БҮЙМАДАРОН, ОДДИЙ БҮЙМАДАРОН (тысячелистник обыкновенный) — Achillea millefolium L** — астралдошлар — Asteraceae — оиласига мансуб бўлиб, бўйи 20-50 см.га етадиган кўп йиллик үт үсімлик. Барглари наштарсимон, тукли, гуллари оқ, баъзан оч пушти рангли, майда шохларининг учида, саватчасимон тўп гуллар ҳосил қиласи, ўзига хос ҳидли.

Меваси — чўзинчоқ шаклда бўлган кумушсимон — кулранг тусли, ясси писта. Бўймодарон Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида, Козогистонда ва Россиянинг деярлари барча ерларидан кенг тарқалған бўлиб, қир, ўтлоқлар, йўл ёқалари, боғлар, тоб ёнбағирилари, ўрмон четлари ва бошқа ерларда ўсади. Шифобахи қисми үсімликнинг ер устки қисми ҳисобланади. Таркибида каротин, алкалоидлар (ахилеин), С, К витами:лари, фитонцидлар, эфир мойлари, аччиқ моддалар, органик кислоталар ва бошқа моддалар бор.

Халқ табоботида меъда-ичак касалликларини даволашда, иштеге очувчи, қон тұхтатувчи, буриширувчи, ялигланишга қарши, яра битирувчи восита сифатида ишлатилади.

Абу Али ибн Сино ёзишича, бўймодарон — кайсум миқларга буриширувчи таъсир қиласи. Шиллиқ қаватдаги шишларни сўрилтиради. Унинг беҳи билан қайнатмаси қийин сўрилувчи шишларга фойда қиласи.

Илмий тиббиётда бўймодарон препаратлари дамламаси, суюқ экстракти ва қукуни меъда яраси, гастрит касаллигида, сийдик йўли касалликларида яллиғланишга қарши, аллергия, бактерияларга қарши ва қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади.

Стоматология амалиётида бўймодарон препаратларидан оғиз шиллиқ қавати касалликлари (стоматитлар, гингивит, пародонтит) ни даволашда, милклар қонаганда, аллергия туфайли оғиз шиллиқ қаватидаги пайдо бўладиган тошмаларни, тиш олгандан сўнгги қон кетишни тўхтатишда, альвеолит ва бошқа жароҳатларни даволашда ишлатилади.

Бўймадороннинг янги ўтидан эзиз олинган ширасини дока ёки пахта пиликка шимдириб, милклари а қўйиши, жароҳатларни ювиш ва қон тўтатиш учун ишлатилади.

Қайнатмани тайёрлаш учун 30 г. майдаланган ўт устига қайнаб турган 2 стакан сув қўйилиб, 10 минут қайнатилади, кейин совутиб, сузиб олинади ва яра-жароҳатларни ювиш учун ишлатилади.

Бўймадароннинг суюқ экстракти дорихоналарда сотилади.

Rp.: Inf. herbae Millefolii 200 ml

D.S. Оғизни чайиш учун.

Rp.: Extr. Millefolii fluidi 30 ml

D.S. 1 стакан сувга 10-15 томчи солиб, оғизни чайиш учун ишлатилади.

**ГАЗАНДА, ГАЗАҚҮТ, ЧАЁНҮТ – икки уйли газанда (красива двухдомная) – *Urtica dioica* L** – газандадошлар – Urticaceae оиласига мансуб бўлиб, икки уйли, кўп йиллик ўт ўсимлик. Бўйи 120 см.га борадиган, пояси тик ўсуви, баданга тегса қичишидиради. Барглари қарама қарши жойлашган, тухумсимон, ўткир учли, сертуқ, йирик, арасимон, қиррали. Гуллари барг кўлтиғидан чиқсан бошоқча тўпланган. Ўсимникнинг ҳамма қисми ачитувчи туклар билан қопланган. Мева-си – ёнгоқча.

Газанда Марказий Осиё, Россиянинг Оврупо қисми, Кавказ, Украина, Молдавия, Белоруссия, Болтик бўйи, Узоқ Шарқ ўлкаларида йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, нам ва салқин ўрмонларда, аҳоли яшайдиган жойларда, буталар орасида ўсади. Шифобаҳш қисми барги ҳисобланади. Таркибида С, К, РР<sub>2</sub> витаминалари, каротиноидлар, чумоли кислотаси, хлорофилл, гистамин, фенол, кислоталар, фитонцид ва ошловчи моддалар мавжуд. Халқ табобатида қон тўхтатувчи, жароҳатларни даволовчи, антисептик, тортишишга қарши, оғрикни қолди-

рувчи, қон таркибини “тозаловчи”, камқонлиқда яллиғланишга қарши восита сифатида ва бошқа күлгина касалликларни даволашда ишлатилади.

Абу Али ибн Сино ёзади: газак ўт — анжураны сирка билан күшиб боғланса чипқонни ёради. Қаттиқ шишларда фойда беради. Уругини малхам сифатида боғланса тиши олинишини енгиллаштиради, қулоқ орқасидаги шишларга сурилтиради. Сода билан күшиб оқ доф, сұғал ват тут шаклли сұғалларга қўйилади. Оғиздаги пиёз ва саримсок ҳидини кетказади. Сирка билан аралаштириб учукқа қўйилади.

Илмий тиббиётда газанда препаратларини гиповитаминоз, гепатит, холицистит, сурункали қабзият, атеросклероз, ревматизм ва бошқа күлгина касалликларга буюрилади.

Стоматология амалиётида газанданинг дамлама ва суюқ экстрактидан стоматитлар, гинивитлар, пародонтитларни даволашда ҳамда милклар қонағанда, қон тўхтатиша ишлатилади.

Дамламани тайёрлаш учун 1 ош қошиқ газанда барги устига 1 стакан қайнаб турган сув солиб, усти берк идишда 30 минут дамлаб қўйилади, сўнгра сузиб олиб, оғиз чайишида, ванночка қилишда ишлатилади. Янги сиқиб олинган ўсимлик сувини дока ёки пахта пиликка шимдириб, милк чўнтакларига қўйилади.

Дорихоналарда тайёр газанда экстракти сотилади.

Rp.: Extr. *Urticae dioicae* fluidi 30 ml

D.S. 25-30 томчидан 3 маҳал овқатдан олдин ичишга ва ярим стакан қайнатилган сувга кўшиб, оғиз чайишига ишлатилади.

**ГУЛСАПСАР (ириис, фиалковый корень) — *Iris sogdiana* Schrenk** — сапсаргулдошлар — Iridaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 30-50 см.га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизпоядан илдизолди барглар ўсиб чиқади. Пояси тик ўсуви, сиљлиқ, тускиз. Барги кенг чизиқсимон, яшил рангли, ўткир учли, параллел томирланган. Гулининг ранги оч сариқ, ҳаворанг ва қипқизил товлангани учун гулсапсарни — камалак (ириса — радуга) деб аталган. Ҳиди бадбўй.

Гулсапсар Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида кўп тарқалган. Асосан, ариқ бўйларида, ўтлоқларда, сунъий кўллар атрофида ўсади.

Шифобаҳш қисми барги ва илдизи ҳисобланади. Таркибида ошловчи моддалар бўлади.

Тиббиётда гулсапсар илдизпояси меъда-ичак касалликларида буриштирувчи дори сифатида ишлатилади.

Илдизининг қайнатмаси билан оғизни чайгандада, тиш оғриқларини камайтиради. Гулсапсар ва унинг илдизи юздаги қонталаш (гематома), хуснбузарлар ва сепкилларни кетказади. Илдизининг қайнатмаси қаттік шишиларни (юз-жағ соҳасидаги инфильтратларни) сүрилтиради, куйган ва чуқур яраларни тез тозалайди ва битказади.

**ДАЛАЧОЙ, ТЕШІК ДАЛАЧОЙ, ҚИЗИЛ ПОЙЧА, ЧОЙ ҮТ, САРИҚ ЧОЙ, ЧОЙ ЧҮП** (зверобой продырявленный) — *Hypericum perforatum L* — далачойдошлар — Hypericaceae оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 70-100 см.га етади. Пояси бир неча тик ўсуви, силлиқ туксиз. Барги қарама — қарши жойлашган. Гуллари тилла ранг, ўзи а хос хушбуй ҳидли. Меваси — уч хонали құсакча.

Далачой Марказий Осиё, Кавказ, Россиянинг Оврупо қисмида, Украина, Белоруссия, Молдавия ва Болтиқ бўйи давлатларида, йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, ўтлоқларда, бедазорларда, ўрмонларда, ўрмон четларида, буталар орасида ўсади.

Шифобахш бўлаги ер устки қисми ҳисобланади. Таркибида ошловчи моддалар, гиперцин бўёқ моддаси, эфир мойлари, каротин, флавоноидлар, С витамины, никотин кислотаси, кверцетин, рутин, антоцианлар, микроэлементлар ва бошқа моддалар бор.

Далачой буриштирувчи, қон тўхтатувчи, оғриқ қолдирувчи, антисептик, жароҳатларни битирувчи, асабларни тинчлантирувчи ва бошқа хусусиятларга эга.

Халқ табобатида далачой ревматизм, подагра, сил касаллиги, бавосир, жигар касаллиги, ҳар хил яллигланиш ҳолларида, қон кетишида, чипқонларни даволашда ишлатилиди.

Абу Али ибн Сино далачой — хивфариқун тўғрисида қўйидагиларни ёзган: тиқинларни очувчи, суюлтирувчи ва сўрилтирувчи таъсир қиласи. Барги ва унинг шираси оловдан куйганда фойда қиласи. Катта жароҳатларни битиради. Баргини майдалаб, илвираган, сасиган яраларга қўйилса фойда қиласи.

Илмий тиббиётда далачойнинг препаратлари буриштирувчи ва антисептик восита сифатида колитларни, абсцесс, флегмона, йирингли отит, гайморит ва куйган яраларни даволашда ишлатилиди.

Стоматология амалиётида далачойнинг доривор препаратлари оғиз шиллиқ қавати касалликлари: стоматитлар, гингивитлар, пародонтит, йирингли яллиглантан касалликларда жароҳатларни битирувчи, милклардан қон оқишини тўхтатувчи

восита сифатида, II — III даражали күйган жароҳатларни даволашда, оғиздан нохуш ҳидларни кетказишида ишлатилади.

Дамламасини тайёрлаш учун 2 ош қошиқ қуритиб майданган далачой үти устига 2 стакан қайнаб турган сув солиб, ярим соат дамлаб күйилади, сўнг сузиб олиб, жароҳатларни ювишга ишлатилади.

Далачойнинг 1:5 нисбатда 40%ли спиртда тайёрланган тиндири маси тўқ қизғиши тиниқ суюқлик бўлиб, стоматология амалиётида милклар касалланганда буриширувчи, қон тўхтатувчи ва яллигланишга қарши восита сифатида ишлатилади.

Далачойнинг тайёр препаратлари дорихоналарда сотилади.

Rp.: T-rae Hyperici 30 ml

D.S. Милкларга суркаш учун.

Rp.: T-rae Hyperici 25 ml

D.S 1/2 стакан сувга 30-40 томчи солиб, оиз чайиш учун.

Rp.: Herbae Hyperici 100.0

D.S. Дамлама тайёрлануун.

Rp.: Inf. Herbae Hyperici 200 ml

D.S. Оиз чайиш учун

**ДАРМАНА ШУВОҚ (Полынь цитварная) — *Artemisia cina Berg*** — астралдошлар — Astraceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 40-70 см га етадиган ярим бута шаклидаги ўсимлик. Илдиши 1,5-2 м. га боради. Пояси бир нечта қизғиши рангли, барги одий, икки марта ажралган, барг бўлаклари калта чизиксизмон, гуллари саватчага тўпланган. Саватчалар рўвакни ташкил этади. Меваси кулранг, тухумсимон писта.

Дармана шувоқ Марказий Осиё, жанубий Қозогистон ва Туркманистоннинг шимолий туманларида текис ва тоғли ерларида, чўлларда, дарё водийларида, сойликларда ва сув бўйларида ўсади. Шифобаҳи қисми — гулғунчаси ҳисобланиб, таркибида сантонин, эфир мойлари, аччиқ моддалар, олма ва сирка кислоталари учрайди.

Таркибида эфир мойи — дарминол бўлганлигидан стрептококклар, стафилококклар, гонококклар ва бошқа бактериялари ҳам қарши таъсир кўрсатади. Халқ табобати ва илмий тиббиётда асосан гижжа ҳайдовчи, миозитлар, невралгиялар, аллергик реакциялар даволашда, шунингдек, бронхиал астма, экзема касаллиги, ренген нурлари таъсирида пайдо бўладиган яраларни даволашда яра-жароҳатларни битирувчи сифагида, ишлатилади.

Абу Али ибн Сино ёзади: дармана — ших, унинг ёғи чипқон ва шишларни қайтаради.

Стоматологияда дармана маҳсулотидан олинган эфир мойи — дарминол уч тармоқли нерв невралгиясини даволашда, аллергик стоматитлар ва оғиздаги жароҳатларни битиришда, юзжаг соҳасида пайдо бўлаётган фурункул, карбункул (чиқон) каби шишларни қайтаришда ишлатилади.

**ДОРИВОР ГУЛХАЙРИ (Алтей лекарственный) — *Altaea officinalis* L** — гулхайридошлар — Malvaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 100-120 см. бўлган-илдиз пояси йўғон, калта, бир неча бошли кўл йиллик ўсимлик. Пояси битта тик ўсувици цилиндрсизмон, кам шоҳли, пастки қисми ёғочланган. Барги оддий уч ёки беш бўлакли бўлиб, банди ёрдамида поясида кетма-кет жойлашган. Гуллари оқ ёки пушти рангда, барғ қўлтифида, поя ва шоҳлари учида жойлашган. Меваси — ясси, юмалоқ кўп уруғли тўп писта.

Гулхайри Марказий Осиё, Россия, Крим, Кавказ ва бошқа ўлкаларда кўл, арик бўйлари, ўтлок, тўқай, буталар орасида ва бошқа нам ерларда ўсади. Шифобахш қисми илдизи, барги ва гули ҳисобланади. Таркибида шиљлиқ модұлалар, крахмал, қанд, аспарагин кислотаси, пектин, микроэлементлар ва бошқалар бор.

Халқ табобатида гулхайридан қадимдан шифобахш ўсимлик сифатида фойдаланиб келинган. У юмшатувчи, ялиғланышга қарши, оғриқни қолдирувчи, қон тўхтатувчи, балғам кўчирувчи доривор сифатида, нафас йўллари шамоллагандан, томоқ оғриганида, қон туфлаш, сил, бронхиал астмада, буйрак-сийдик йўллари шамоллагандан, меъда-ичак яраларини, чиқон, яра ва жароҳатларни даволашда фойдаланилади.

Абу Али ибн Сино гулхайри — хитми тўғрисида шундай ёзади: У шишларни юмшатади ва қайтаради. Қонли шишларни шимдиради, чиқонларни пиширади. Доғларни кетказиша уруғини сирка билан кўшиб сурилади ва офтобда ўтказиб қўйилади.

Илмий тиббиётда гулхайри илдизининг препаратлари (кукунни, дамламаси, қуруқ экстракти, шарбати) ва таркибига гулхайри ўтининг экстракти кирувчи мукалтин препарати балғам кўчирувчи, кўкракни юмшатувчи, ўраб оловчи ва ялиғланышга қарши восита сифатида нафас йўллари ҳамда меъда-ичак (гастрит, энтероколит) касалликларини даволашда ишлатилади.

Стоматология амалиётида ўраб оловчи, ялиғланышга қарши таъсир этувчи ва оғриқни қолдирувчи сифатида стоматитлар, гингивитлар, чиқонлар (фурункул, карбункуллар)ни, яра ва жароҳатларни даволашда қўлланилади.

Дамламасини тайёрлаш учун 2 ош қошиқ майдаланган гулхайри илдизи, барги ёки гули устига 2,5 стакан илиқ сувни солиб, усти берк идишда 2 соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра сузиг оғиз чайишга, ванночка қилишга ишлатилади.

Гулхайри илдизи, гули ва баргидан вазелин кўшиб тайёрланган малҳамни юз-жағ соҳасидаги қуруқ ва йирингли яралар ва чипқон чиққан жойга (фурункул, карбункулга) боғлаб қўйилса яхши фойда қилади.

Rp.: Inf rad. Althaea 6.0-180 ml

D.S. Оғиз чайиш уун.

Гулхайри илдизи, гули ёки баргини буғда тутиб туриб, юмшатиб, иссиқ ҳолида чипқон чиққан жойга боғланса, оғриқни қолдиради, сўрилтиради ёки “пиширади”.

**ДОРИВОР ЗАНГВИЗОРБА (кровохлёбка лекарственная)** – *Sanguisorba officinalis* L – ръяногулдошлар – Rosaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 20-100 см.га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизпояси йўғон, ер остида горизонтал жойлашган. Пояси тик ўсуви, қиррали, ичи ғовак, юқори қисми шохланган.

Илдизолди барглари узун банди, тоқ патли 4-13 жуфт баргчалардан иборат. Баргчаси туксиз чўзиқ, арасимон. Гуллари майда, бошоқсимон, тўнгулли, меваси писта.

Зангвизорба Тошкент, Сурхондарё вилоятларининг тоғли яйловиарида, ўтилоқларда ҳар хил ўтли ўсимликлар, буталар орасида, ботқоқликлар атрофида ўсади. Июнь – август ойларида туманиди.

Доривор сифатида ўсимликнинг гуллаган пайтида илдизи, илдизпояси ишлатилади. Таркибида ошловчи моддалар, сапонин, крахмал, бўёқ моддалари, С витамины, эфир мойлари ва фитонцидлар бор. Зангвизорбани қадимдан доривор ўсимлик сифатида қон оқишини тўхтатишида (ўпқадан, меъда-ичакдан, бачадондан қон оқишида ва бовасир касалида), қон томирларни торайтирувчи, тортишишни тўхтатувчи, шамоллашга қарши, буриштирувчи, оғриқни қолдирувчи ва антибактериал восита сифатида ишлатиб келинади.

Стоматология амалиётида зангвизорба илдизининг дамламаси, суюқ экстракти яллигланишини йўқотиш, оғриқни қолдириш, қон тўхтатиш (милклар қонағандা, тиш олингандан сўнг жароҳатдан қон кетганда), буриштирувчи ва антибактериал восита сифатида ишлатилади. Масалан, ҳар хил стоматитлар, афтозли сурункали стоматит, гингиит, пародонтит, глосситларни ва бошқа турли жароҳатларни дамолашада ишлатилади.

Қайнатмасини тайёрлаш учун 2 ош қошиқ майдаланган илдиз ва илдизпоясини 1,5 стакан сувда 30 минут секин қайнатиб, 2 соатдан сўнг, кунига 3—4 маҳалдан оғиз чайишга, оғизда бир оз ушлаб туришга (ванночка қилишга) ишлатилади.

Янги илдиз ва илдизпоя ширасини дока ёки пахта пиликка шимдириб милкларга, афталарга кўйилса, яхши натижа беради.

Rp.: Dec. rad. *Sanguisorbae* 200 ml

D.S. Оғиз чайиш учун.

Rp.: Extr. *Sanguisorbae fluidi* 30 ml

D.S. Дока ёки пахта тампонларга шимдириб, қонаган жойларга, жароҳатларга кўйилади.

### **ДОРИВОР ЛИМОНЎТ (мелисса лекарственная) —**

***Melissa officinalis L*** — ясноткадошлар — Lamiales оиласига мансуб бўлиб, ёқимли лимон ҳиди келиб турадиган, майнин туклар билан қопланган кўп ийлилк ўт ўсимлик. Илдизпояси шохлаб ўсиб, пояси тўрт қиррали, сершох, бўйи 120 см. гача боради. Барглари тухумсимон, қарама-қарши жойлашган, пастки томони туклар билан қопланган. Гуллари учки барг қўлтиқларидан чиқади, икки лабли оқ рангда. Меваси 4 та чўзинчоқ ёнгоқчадан иборат.

Лимонўт Марказий Осиё, Кавказ, Қрим, Россиянинг Оврупо қисмининг жанубида бутазорларда, дараҳтлар орасида, ташландик жойларда, ўрмон ёқаларида ўсади. Доривор ўсимлик сифатида экилади. Шифобахш қисми барглари ва новдаларининг учки бўлаклари ҳисобланади. Таркибида эфир мойлари (кучли лимон ҳиди келувчи), ошловчи моддалар, олеанол, урсол кислоталари, С витамини ва бошқалар бор.

Халқ табобатида лимонўт иштаҳа кўзғатувчи, меъда-ичак фаолиятини ва юрак ишини яхшиловчи, ел, сийдик ҳайдовчи, тортишиши йўқотувчи (талвасага қарши) восита сифатида, шунингдек, чипқонларни даволашда ишлатилади.

Абу Али ибн Сино лимонўт — бадбронджбўйа тўғрисида — оғиз ҳидланишини кетказади, оғизни хушбўй қиласи, — деб ёзади.

Илмий тиббиётда лимонўт тинчлантирувчи, юрак ишини яхшиловчи, оғриқсизлантирувчи, қон босимини туширувчи восита сифатида ишлатилади.

Стоматология амалиётида лимонўт дамламаси милклар касалланганда (қонашида), яъни гингивит, пародонтитларда, стоматитларда оғиз бўшлигини чайиш учун, ванночка қилиш учун

ишлатилади. Яңги узилган баргини майдалаб докага ўраб мил-кларга қўйилса, жуда яхши фойда беради.

Дамламани тайёрлаш учун майдаланган 8 ош қошиқ лимонёт устига 2 стакан қайнаб турган сувни солиб, усти берк идишда 1 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра сузиб, оғиз чайиша, ванночка қилишда ишлатилади. Юз-жағ соҳасида чипқон чик-қанида лимонёт баргини қайноқ сувга солиб, юмшатиб ёки докага ўраб боғланади.

**ДОРИВОР МАРМАРАК, МАВРАК (шалфей лекарственный) — *Salvia officinalis* L** — ясноткадошлар — Lamiaceae оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик, бўйи 20-50 см.га етадиган ярим бута. Пояси кўп сонли, шохланган, сербарт, настки қисми бироз ёғочланган. Барги оддий, ланцетсимон бандули, қарамакарши жойлашганди. Гули қийшик, гул косачаси икки лабли, бинафша рангда. Меваси 4 та ённокчадан ташкил топган. Ватани Ўрга ер денгизи буиндаги давлатлар, Молдавия, Украина, Краснодир улкаси ва Кримда ўтирилади. Марказий Осиёда тонарди и бугазорлар орасида, далалар, воҳалар, қирлар ва тошлиқ ерларда ўсади. Табобатда унинг барги, ўти, тўпгули қўлланилади. Таркибида эфир мойи, алкалоидлар, ошловчи моддалар, flavonoидлар, урсол, олеанол кислоталари ва бошқа бирикмалар бор.

Халқ табобатида мармарак ўгининг гуллари ва баргларидан тайёрланган дамламани стоматит, бронхит, пневмит, цистит (сийдик йўллари шамоллаши), гепатит, энтерит (ингичка ичак шамоллаши), гастроентерит ва меъда-яра касалликларини даволанади ишлатилади.

Димламасини тайёрлашда 2 чой қошиқда куритилган, майдаланган баргини 2 стакан қайнаб турган сувга солиб, оғзи берк идишда ярим соат дамланади. Сўнгра докадан ўтказиб, бир кунда 4-5 маҳал оғиз чайилади.

Дорихоналарда мармаракнинг баргидан тайёрланган 1% ли спиртли эритмаси — сальвин (*Salvinum*) 10 мл дан тўқ жигарранг шиша идишларда сотилади. Сальвин эритмаси буриштирувчи, маҳаллий равишда яллигланишга, микробларга қарши таъсир кўрсатади.

Стоматологияяда 0,1-0,25 % ли спиртли эритмаси ишлатилади. Уни тайёрлаш учун 1% ли сальвиннинг спиртли эритмасини дистилланган сувда ёки натрий хлоридининг изотоник эритмасида 4-10 марта суюлтирилади ва оғиз чайиша (ванночка қилишда) ишлатилади. Милкларни даволаш учун дока-

ни ёки пахта пиликни эритмага шимдириб, милкларга қўйилади.

Rp.: Inf. fol. *Salviae* 200 ml

D.S. Оғизни чайиш учун.

**ДОРИВОР ОТҚУЛОҚ (щавель конский) – *Rumex confertus* Wild** — торондошлар — Polygonaceae оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик ўт ўсимлик. Бўйи 60-150 см.га етади, пояси тик ўсади. Илдизпояси калта, йўғон, кўп бошли. Илдизолди тўпбарглари узун бандли, учбурчаксимон — тухумсимон. Гуллари майда кўримсиз рўвакка тўпланган. Меваси — тухумсимон уч киррали ёнгоқча.

Отқулоқ Ўзбекистон, Қозоғистон, Кавказ, Узоқ Шарқ, Украина, Молдавия, Белоруссия, Россиянинг Оврупо ва Сибирнин жанубий қисмларида, ариқ бўйларида, ўтлоқларда, ўрмон четларида, йўл ёқаларида бегона ўт сифатида ўсади.

Шифобаҳш қисми илдизи, ўти (пояси, барги, гули) хисобланади. Таркибида антрацен унумлари, ошловчи моддалар, органик кислоталар, С, К витамини, қанд, крахмал ва бошқалар бор.

Отқулоқ препаратлари буриштирувчи, қон тўхтатувчи антибактериал, яллиғланишга қарши, жароҳатларни битирувчи таъсир қиласиди.

Халқ табобатида ич кетишга, дизентерия, ичак яраларини, тери касалликларини, цингани даволашуда, гижжани ҳайдашда фойдаланилади.

Илмий тиббиётда отқулоқ илдизидан тайёрланган препаратлардан колит, энтероколит, ич кетиш, гипертония касаллигига, бачадондан қон кетганда, сийдик хайдовчи, тери касалликлари ва яра-чақаларни даволашда ишлатилади.

Стоматология амалиётида отқулоқнинг қайнатмасидан ва, айниқса, баргининг ширасидан оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари: стоматит, гингивит, пародонтит, альвеолитлар, цинга, ҳамда милклар қонашини, оғиздаги йирингли яраларни, жароҳатларни даволашда тавсия этилади.

Қайнатмасини тайёрлаш учун 1 ош қошиқ майдаланган отқулоқ илдизи устига 1,5 стакан сув солиб, усти берк идиша 15 минут қайнатилади ва 4 соатдан сўнг сузиб, оғиз чайиш ва жароҳатларни ювиш учун ишлатилади.

Янги сиқиб олинган отқулоқ баргининг ширасини дока ёки пахта пиликка шимдириб милкларга қўйилади.

**ДОРИВОР ТИРНОҚГУЛ (ноготки лекарственные) —**  
***Calendula officinalis* L** — астрадошлар — *Astraceae* оиласига мансуб бўлиб, бўйи 30-50 баъзан 60 см.га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси қаттиқ, барги оддий бандли, чўзиқ, тухумсимон. Гуллари саватчага тўпланганд. Меваси — писта. Тирноқгул манзараали ўсимлик сифатида Молдавия, Украина, Россиянинг Оврупо қисмининг жанубида, Кавказ, Краснодар ўлкаларида ва Ўзбекистонда ўстирилади.

Шифобаҳаш қисми тўғгуллари хисобланади. Таркибида каротиноидлар, эфир мойи, флановоидлар, сапонинлар, смолалар, шиллик, ошловчи моддалар, аччик модда календен ва оз микдорда салицил кислота бўлади.

Тирноқгул гуллари яллигланиши қайтариш, йирингли яраларни битириш, шишларни сўрилтирувчи, терлатувчи, ўт ва сийдик ажралишини тезлаштирувчи, буриштирувчи, микробларга қарши, қон таркибини тозаловчи ва оғриқни қолдирувчи таъсирга эгадир.

Халқ табобатида ундан меъда-ичак ярасини, гастрит, жигар, қораталоқ касаллиги ида, вена қон томирлари шамоллаганди ва сарик касалшини даволашда ишлатилади.

Илимий тифбиенда тирноқгул препаратларидан нерв тизимини тинчлантирувчи, қон босимини пасайтирувчи, юрак ишини яхшиловичи, жигар, талоқ, буйрак, меъда, ўт йўллари касалликлари, гипертония, атеросклероз, баъзи юрак касалликлари ва климаксни даволашда фойдаланилади. Тирноқгулдан олинаудиган колефлон препарат баъзи бир ўсма касаллигини даволашда ишлатиладиган препаратлар таркибига ҳам киради.

Стоматология амалиётида тирноқгул препаратларидан оғиз бўшлиғи шиллик қаватида учрайдиган йирингли жароҳатлар, ҳар хил яралар, афтали стоматитлар, оғиз бурчаклари ва лабёригларини, ярали гингивит, йирингли пародонтитларни даволашда, болаларда эса, айниқса, тил оқариши (молочница) ни даволашда ишлатилади.

Тирноқгул препаратлари дорихоналарду тиндирма ва суртма шаклларида сотилади.

Тирноқгул тиндирмасидан (настойка) 1 стакан қайнатилган сувга 30-40 томчи солиб, ҳар 1,5-2 соатда оғизни чайиб туриш тавсия этилади.

Пародонтит касаллигини уй шароитида даволаш учун эрталаб тишларни тиш пастаси билан ювандан сўнг, тирноқгул тиндирмаси билан чайиб, бармоқ билан милкларни массаж қилинади, кечқурун тишни тозалаш анддан сўнг, яна шу тиндирма билан оғиз чайилади.

Rp.: Inf. flor. Calendulae 100 ml

D.S. Оғиз чайиш учун.

Rp.: Tincturae Calendulae 40 ml.

D.S. 30-40 томчидан 1 стакан сувга солиб, оғиз чайлади.

**ЕРҚАЛАМПИР, ХРЕН (хрен обыкновенный) — *Armoracia rusticana*(Lam) Gaertn** — карамдошлар — Brassicaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 50-120 см.га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизи — ер остки қисми ривожланган, йўғон этли. Оқиш ва шоҳланган пояси битта ёки бир нечта тик ўсуви. Илдизолди барглари кенг, узун бандли, наштарсимон, арассимон қиррали, пояда кема-кет жойлашган. Гуллари майда оқ, тўрт бўлакли шингилда тўплланган. Меваси — икки хонали кўзоқ.

Ерқалампир ҳамма ерда ёввойи ҳолида ўсади. Полиэларда зиравор ўсимлик сифатида ўстирилади.

Шифобахш қисми илдизи ҳисобланади. Таркибида синеирин глюкозиди, мирозин ферменти, лизоцим, углеводлар, азои бирикмалари, С витамини, фитонцид, эфир мойи, крахмал ва бошқа моддалар бор. У ўтикли таъмли, ўзига хос ҳиди бор. Ерқалампирнинг илдизи иштаҳани қўзғатади, меъда — ичак фолиятини кучайтиради, овқат ҳазм қилишни, қон айланнишини яхшилайди. Ҳар хил оғриқларни босади ва микробларга қарши таъсир кўрсатади.

Халқ табобатида иштаҳа очувчи, овқат ҳазм қилишни яхшиловчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида ҳамда цинга камаллигини даволаш учун кўлланилади.

Илмий тиббиётда ерқалампирнинг илдизини қириб ёки кесиб, шамоллаш касаллигида оғриқ жойларга чалғитувчи восита сифатида ва шунингдек, барги ҳам шу мақсадда ишлатилади.

Стоматология амалиётида ерқалампирдан стоматит, гингивитлар, цинга ва турли шикастли жароҳатларни даволашда, тиш оғриқни камайтириш учун ишлатилади. Тиш оғриганида тиш кавагини овқат қолдиқларидан тозалаб, ерқалампир илдизини қириб, бўтқа ҳолида тиш кавагига қўйиб, пахта билан беркитилади.

Ерқалампирнинг сиқиб олинган ширасига сув қўшиб оғиз чайишда, жароҳатларни ювишда ишлатилади. Бунинг учун 10 марта суюлтирилган ерқалампир илдиз шираси ишлатилади.

**ЁНГОҚ (орех гречкий) — *Iulgans regia* L — ёнгоқдошлар — Juglandaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 30 м.дан ҳам оша-**

диган сершох баланд дарахт. Барглари йирик, тоқ патли, 5-7 баргли мураккаб, марказидагиси лансетли — тухумсимон. Гули майда, кўримсиз, меваси — ёнғоқ.

Ёнғоқ Марказий Осиё ва Кавказ тоғларида ёввойи ҳолда ўсади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ўстирилади. Дори сифатида барги, кўк мевасининг пўстлоғи ишлатилади.

Ёнғоқ баргидаги юглон, ошловчи моддалар, минерал тузлар, С витамини, каротин, эфир мойи, ёнғоқнинг кўк пўстлоғида ошловчи моддалар, бўёқ моддаси ва С витамини бўлади.

Ёнғоқ барги, мағзи ва мева пўстлоғи қадимдан шифобахш ўсимлик сифатида; халқ табобатида — кувватни оширувчи, модда алмашинувини яхшиловчи, тери касалликларида инфильтратларни сўрилтирувчи, йирингли яраларни битирувчи, яллиғланишни пасайтирувчи, гижжаларни ҳайдовчи сифатида қўлланилади. Баргининг майдаланганини жароҳат, яралари ақўйилса, гез битиради, қайнатмаси тери син касалини ини даволовчи ҳисобланади.

Стоматологияда баргининг дамламаси ва қайнатмаси ишлатилади. Оғиз бўшлиғи шиллик қаними касалликларида (стоматит, гингивит, пародонтит, милклар қонағанда), антибактеријал ва қон тўхтагувчи таъсир қилиди.

Дамламаси: 1 оши копик қуриғилган ва майдаланган баргини 1 стакан қайнок сунга солиб, устини беркитиб 2 соат давомида дамлаш қўйинади. Ҷокадан ўтказиб оғиз чайишда, ванночка (оги ўда бир озушлаб туриш) қилишда ишлатилади. Унинг баргидан, мечи пўстлоғидан олинган юглон препарати суртма, орнитма, суспензия ҳолида ҳам ишлатилади.

Гигок мази билан милк касалликлари даволанади, зеро мази милкнинг озиғидир. Кўм-кўк мева пўстини тишишарга суркалса, милкларини мустаҳкамлайди. Асал ёки узум шираси билан тайёрланган кўк пўсти қиёми тиш милкларидан қон оқишини ва тишининг қимирлаб қолишини камайтиради. Янги баргининг қайнатмаси билан лабнинг яллиғланиши (хейлит)-да, милк, оғиз, тил яра-чақаларида оғиз чайилади.

Ёнғоқ мева устидаги пўстининг бир бўлалини оғриётган тишига қўйилса ёки барги дамламасига оғиз чайилса, оғриқ пасаяди, баъзан қолади, милклар мустаҳкамланади.

**ЖАФ-ЖАФ, ОЧАМБИТИ, оддий жаф-жаф (пастушья сумка) — *Capsella bursa pastoris*.** Medic — каромдошлар — Brassicaceae оиласига мансуб бўлиб, 10-50 см.га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик; пояси битта, баъзан бир нечта тик ўсувлари, шохланган. Илдизолуди барглари бандли, чўзиқ на-

штарсимон, патсимон кесик, тишсимон қиррали. Поясидаги барглари бандсиз, майда, кетма-кет жойлашган. Гуллари оқ, майда, шингилга түпланган. Меваси ўзига хос, тескари учбұрчак құзокча.

Жағ-жағ кенг тарқалған бўлиб, барча үтлоқларда, йўл ёқала-рида, аҳоли яшайдиган ерларда ва бегона ўт сифатида экин-зорларда ўсади.

Шифобаҳш қисми бўлиб ер устки бўллаги (пояси, барги, гули) хисобланади. Таркибида гиссонин гликозиди, бурсо кислота, аскорбин кислота, К витамины, ошловчи моддалар, олма, лимон кислоталари, фитонциллар, эфир мойи, сапонин, холин, ацетилхолин, тирамин ва бошқалар бор.

Халқ табобатида жағ-жағ ўти қадимдан шифобаҳш ўсимлик сифатида ички қон кетишини тұхтатувчи, қон босимини пасайтирувчи восита сифатида, айниқса, дамламаси жигар, буйрак-тош касаллукларида фойдаланилади.

Илмий тиббиёттә жағ-жағ препаратлари (дамламаси, экстракти) ички қон кетишида, акушерлик — гинекология амалиётида бачадондан қон кетишида, ўпқадан, меъда-ичак, буйрак ва яралардан қон кетищда, яра ва жароҳатларни ювишда ишлатилади.

Стоматология амалиётида милклар қонағанида, тиши олин-гандан сүңг жароҳатдан қон окқанда ва юз-жағ соҳасидаги ҳар хил жароҳатлардан қон оқишини тұхтатышда ишлатиш мумкин.

Дамламасини тайёрлаш учун бир ош қошиқ құритилған ва майдаланған жағ-жағ ўти устига 1 стакан қайнаб турған сув қуйиб, усти берк идишда дамлаб қўйилади, 2 соатдан сүңг сузиб олиб, қон кетишини тұхтатиш учун 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Ўсимликнинг янги ер устки қисмини сиқиб, ширасини дока ёки пахта пиликка шимдириб милкларга ёки қонаётган жароҳатларга қўйилса, қон кетишини тұхтатади.

Дорихоналарда тайёр ҳолда дамлама ва экстракти сотилади.

Rp.: Extr. Bursae pastoris fluidi 25 ml

D.S. 20-30 томчикдан 3 маҳал қон тұхтатыш учун ичилади, дока тампон ёки пахта пиликка шимдириб, қонаётган жароҳатга қўйилади.

Rp.: Inf. herbae Bursae pastoris 200 ml

D.S. 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади ёки оғизда ванночка қилишда ишлатилади.

**ЖИЙДА, ТОР БАРГЛИ ЖИЙДА (лох узколистный) — Elaeagnus angustifolia L** — жийдадошлар — Elaeagnaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 3-4 м. га етадиган дараҳт. Танасининг

пўстлоғи жигарранг, барглари наштарсимон, ўткир учли, оқиш, кумушранг, қалин, қаттиқ киприксимон тангачалар билан қопланган. Гуллари кўримсиз, хушбўй ҳидли. Меваси — тилла рангли, чўзиқ, думалоқ данакли.

Жийда Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида ўсади. Крим, Кавказ, Сибир томонларда ёввойи ҳолда учрайди Уни декоратив ва мевали дараҳт сифатида ўстирилади. Шифобахш қисми меваси, барги, гули ҳисобланади. Мевасининг таркибида глюкоза, сахароза, фруктоза, органик кислоталар, ошловчи моддалар, ёғ, калий, фосфор тузлари, азот, шиллик ва бўёқ моддалари бор. Пўстлоғида алкалоид, ошловчи ва бўёқ моддалари, гулида эса хушбўй эфир мойи, баргидаги аскорбин кислотаси мавжуд.

Халқ табобатида гули, барги, мевасидан буриштирувчи, сийдик ҳайдовчи, гижага қарши, юрак ишини фаоллаштирувчи, оғрикни қолдирувчи, жароҳатларни тоғаловчи ва битирувчи сифатида вилемматизм, подагра, ичкеғаруди, юкори нафас йўллари шамоллагандаги ишлатилади.

Стоматология амалиётида жиидә унидан олинган лохпектин ва пшиатин препараторлари қулланилади.

Пшиатин — ошлоничи ва коллоид моддалар концентрати бўлганилиги учун оғиз шиллик қаватида учрайдиган касалликларда, яллияланганди, жароҳатларда ва қуйганда суртма сифатида ишлатилади (апплексия қилинади). Чакка, пастки жағ бўғими шамоллагандаги (артрит), жийда баргини буғлаб ёки димлаб докаги ураб, бўғимга қўйиб боғланса оғрикни пасайтиради.

Жиидә дамламасини тайёрлаш учун 2 чой қошиқ жийда гуллига 1 стакан қайнок сув солиб, усти ёпик идишда 1 соат дамланади, сўнгра сузиб олиб оғиз чайиш, ванночка қилинади ишлатилади.

Жийда қайнатмасини тайёрлаш учун 50 г. жийда мевасига 1,5 стакан сув солиб 10 минут қайнатиб, ярим соатдан сўнг сузиб олиб, оғиз чайлади ёки ванночка қилинади.

**ЖЎКА, АРГУВОН (липа серцевидная) — *Tilia cordata* Mill** — жўқадошлар — *Tiliaceae* оиласига мансуб бўлиб, бўйи 25 метргача етадиган дараҳт. Пўстлоғи силлиқ, тўқ жигарранг. Барглари ўткир учли, юраксимон, узун бандли, арасимон қиррали, шоҳларида кетма-кет жойлашган. Гуллари — сарғиш оқ рангли, хушбўй, ярим соябон гул тўпламига жойлашган. Меваси — тукли, беш қиррали, ёки шарсимон ёнғоқча. Жўка Россияning Оврупо қисмида, Кавказ, Крим ва Фарбий Сибирдаги

ўрмонларда, баъзан катта жўказорларни ташкил қилади. Манзарали дараҳт сифатида истироҳат боғларида, кўчалар ва боғларда ўстирилади. Шифобахш қисми гуллари ҳисобланади. Таркибида эфир мойи, флавоноидлар, сапонинлар, С витамины, каротин, ошловчи ва шиллик моддалар бор.

Халқ табобатида гули ва дамламаси терлатувчи сифатида шамоллаш касалликларида, томоқ ва оғиз бўшлиғи касалликларида, кон оқишини тұхтатувчи, йўтал, турли асаб касалликлари ва бош оғригини даволашда ишлатилади.

Илмий тиббиётда ва стоматология амалиётида жўка: гулининг дамламаси, гул брикети антибактериал таъсирига эга бўлиб, оғиз ва томоқ касалликларидан ишлатилади.

Дамламани тайёрлаш учун 2 чой қошиқ майдулланган жўка гули устига 2 стакан қайнаб турган сув солиб, усти ёниқ ишиндә ярим соат дамлаб қўйилади, сузуб олиб, 1 стаканга 1 чой қошиқда ичимлик содаси солиб оғиз чайилади.

**ЗИФИР (лён обыкновенный) — Linum usitatissimum L.** — зифирдошлар — Linaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 30-70 см.га етадиган бир иилик ўсимлик, пояси тик ўсуви, ингичка, цилиндрический, юкори қисми ишленингдан. Барги лансетсимон, ўтқир учли. Гуллари зангоре, ишкандарини учидаган ўрнашган. Меваси 10 та уруни қислик.

Зифир Марказий Осиёда, Кавказ, Украина, Россиянинг Оврупо қисмida ўстирилади. Табобатида уруғи ўти ўнудан олиниш мой ишлатилади.

Уруғ таркибида шиллик, оқсиг моддалар, ултеноиды, ферментлар, А витамины, органик кислоталар ва монинар бор.

Халқ табобатида зифир қайнатмасидан меъда ярасини, нафас йўлларининг яллиғланишини даволашда ва ични юмшатувчи, жароҳатларни битирувчи сифатида ишлатилади.

Абу Али ибн Сино ёзади: зифир уруғи пиширувчи, тозаловчى, буриштирувчи, оғриқни қолдирувчи таъсир қилади. Зифир уруғи кўл суви билан сиртдан ишлатилса, кулок орқасидаги шишлар (мастоидит)ни юмшатади. Зифир уруғининг кулини анжир билан кўшиб тайёрлаган малҳами юздаги сепкилни кетказади.

Стоматология амалиётида зифир мойи гингивит, пародонтит касалликларини даволашда ишлатилиши мумкин.

Зифир қайнатмасини тайёрлаш учун 1 ош қошиқ зифир уруғини 1,5 стакан сувда 5-10 минут қайнатиб, совигач, докадан ўтказиб оғиз шиллик қавати касалликларини, жароҳатларни, яраларни битиришда ишлатилади.

**ИГИР, ОДДИЙ ИГИР (аир обыкновенный) — *Acorus calamus* L** — кучаладошлар — Агасеае оиласига киради. Күп йиллик, бир паллалик ўсимлиқ. Барги чизиксімөн ёки қиличсімөн, қынли. Поясининг узунлиғи 60-120 см. бўлади. Сариқ гуллари сўтага тўплланган. Меваси — чўзинчоқ, кўп уруғли қизил хўл мева.

Игир Узоқ Шарқ, Кавказ, Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг Самарқанд, Хоразм вилоятларида учрайди. Дарё, кўл, ҳовуз бўйларида, кўлмакларда, ботқоқ атрофларида тўп-тўп бўлиб ўсади.

Табобатда илдизпояси ва барги ишлатилади. Таркибида крахмал, эфир мойи, аччиқ акорин глюкозиди, ошловчи моддалар, смола, С витамини, фитонцид ва бошқа моддалар бор.

Илдизпоясининг қайнатмаси иштаҳа очувчи, овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшиловчи, гинчлантирувчи, оғриқни қолдирувчи ва антисептик носитга сифатида таъсир қилади.

Абу Али ибн Сино ёзади: игир — жароҳат ва яралардаги тиқиниларни очади, ачиштиргасдан тозалайди, юзнинг рангини очади, тозалайди, баҳак ва барак касалида фойда қилади.

Стоматология амалиётида игир илдизпоясидан тайёрланган дамлама тиш оғригандар, оғиз шиллик қаваги касалликларида — стоматит, гингивит, пародонтит, глоссит, альвеолитларни даволашда антисептик, яллигланиш ҳолатини камайтирувчи дори сифатида ва оғиздай и нохуш ҳидни йўқотиша ишлатилади.

Игир дамламасини тайёрлаш учун 1 ош қошиқ илдизпоясини майданааб, устига 1 стакан қайнаб турган сув солиб, оғиз берк идинида дамлааб, 10-15 минутдан сўнг сузуб олиб, оғиз чайилкади ва ваниночка қилинади.

**ИЛОНСИМОН ТОРОН, ЕРҚҮНОҚ (змеевик) — *Polygonum bistorta* L** — торондошлар — Polygonaceae оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик илонсимон илдизпояли ўт ўсимлиқ. Пояси битта, баъзан бир нечта, бўғимли, тик ўсувлари, шохланмаган, туксиз, бўйи 30-100 см.га етади. Гуллари бошоқча тўплланган, пушти рангли. Меваси — уч қиррали, ялтироқ ёнгоқча.

Илонсимон торон Марказий Осиёнинг нам ўтлоқларида, ариқ бўйларида, буталар орасида ва бошқа ерларда ўсади.

Дори сифатида кузда кавлаб олингани илдизпоя қисми ишлатилади.

Таркибида ошловчи моддалар, галлат ва эллат кислоталар, катехин, С витамини, крахмал ва бошқа бирикмалар бўлади.

Илонсимон торон ўсимлигининг доривор препаратлари буриштирувчи ҳамда антисептик модда сифатида колит, энте-роколит (ичакларнинг яллигланиши)ни даволашда ишлатилади.

Стоматологияда оғиз шиллик пардаси яллигланганда (стоматит, гингивит), лаб бичилиши ва оғиздаги жароҳатларни даволашда оғизни чайиш учун ишлатилади.

Дамламасини тайёрлаш учун 1 ош қошиқ майдаланган илдизпояни 1 стакан қайнаб турган сувга солиб 30 минут дамланиди ва докадан сузиб оғиз чайилади.

Қайнатмаси: 1:20 нисбатда майдаланган илдизпояни сув билан 30 минут қайнатилиб, 10 минут совитилади ва сузиб ишлатилади.

Илонсимон тороннинг илдизпоя экстракти дорихоналарда сотилади.

**ИСИРИК, АДРАСПАН (гармала обыкновенная) —**  
*Peganum harmala L* — тұятовондошлар — Zygophyllaceae оила-сига мансуб бўлиб, кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 20-60 см.га етади. Пояси бир нечта сершох. Барглари оддий, навбатма-навбат жойлашган, патсимон қирқилган. Гуллари оч сариқ, шохларининг учида якка-якка жойлашган. Меваси шарсимон, уч чаноқли кўсакча.

Исириқ Марказий Осиё, Қозогистон, Кавказ, Украина ва Россиянинг жанубида иссиқ шароитда, аҳоли яшайдиган ерларда, чўл ва ярим чўлда, бегона ўт сифатида экинлар орасида ва төғ ёнбағирларида ўсади.

Шифобахш қисми ер устки бўллагидир (ўти ва уруғлари). Таркибида, гармин, гармалин, пеганин, гармолол ва бошқа алкалоидлар бор.

Халқ табобатида исириқни асрлар давомида ишлатиб келинади. Уни қайнатма, дамламасидан тинчлантирувчи, оғриқни қолдирувчи, сийдик ҳайдовчи, қон босимини пасайтирувчи сифатида, безгак (маллярия), неврастения, тутқаноқ (эпилепсия) ва бошқа кўпгина касалликларда фойдаланилади.

Абу Али ибн Сино исириқ — хармалдан оғриқни қолдирувчи восита сифатида унинг ер устки қисмини эзиб, бўғинлар оғриганида, нервлар шамоллагандан оғриган ерларга боялашни буюрган.

Илмий тиббиётда исириқ алкалоиди гармин эпидемик энцефалитдан қолган асоратларни даволашда, исириқнинг туруни юқумли касалликлар билан оғриган беморлар ётган хонани дезинфекциялашда қўлланилади (исириқни куриган ер устки қисмидан бир-икки қисм олиб чўғ устига қўйилади ва

хонада тутатилади). Исирикнинг дезоксипеганин препарати миастенияда ва полиневритеарда ишлатилади.

Стоматология амалиётида исириқ қайнатмасидан оғиз бўшлиғи шиллик қавати касаллклари (стоматитлар, гингивитлар), ҳар хил яра-чақалар, милклар қонаганда, тиш оғриганда (ўткир периодонтит, сурункали периодонтитнинг қайта зўрайиши), альвеолит, периостит ва бошқа йирингли жароҳатларни даволашда оғизни чайиш, ванночка қилиш тавсия этилади.

Қайнатмани тайёрлаш учун 1 чой қошиқда куритилган, майдаланган исириқ устига 1 стакан қайнок сув солиб, 10-15 минут қайнатилиди.

Дамламани тайёрлаш учун 1 чой қошиқ майдаланган исириқ устига 1 стакан қайнаб турган сув солиб, усти берк идишда 2 соат дамлаб кўйилади, сўнг сузиб олиб ишлатилади.

**ИТТИКАНАК**, уч бўлакли иттиканак (череда трёхраздельная) – *Bidens tripartita* L. астралоцлар – *Astraceae* оиласига мансуб бўлиб, бўйи 15-100 см га етадиган бир йиллик, тўқ яшил ранги ўзимлик. Пояси тик ўсувчи, туксиз, асос қисмида бошини кирказ-карни жойлашган. Барги оддий, уч бўлакли чулоғи куритилган, бўлаклари лансетсимон, арасимон, кирказли. Гўнлари саватчага тўпланган. Меваси – чушик, тоекари тажумсимон писта.

Иттиканак Россия, Украина, Белоруссия, Кавказ, Марказий Осиёда кенг тарқалган бўлиб, нам ўтлокларда, ботқокликларда, ариқ бўйларида, бегона ўт сифатида экинлар орасида ва бошқа жойларда ўсади.

Доривор маҳсулот сифатида ўсимликнинг ер устки қисми (пояси, барги, гули) ишлатилади. Таркибида каротин, С витамини, полисахаридлар, ошловчи, шиллик, аччик, бўёқ моддалар ва эфир мойи бор.

Иттиканак ҳалқ табобатида машҳур, оммабоп шифобаҳш доривор сифатида кенг кўлланилади. У иштаҳани очади, овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилайди, тери касаллклиарида, модда алмашиниви бузилганда уни барқарорлаштиришда кўлланилади. Шунингдек, сийдик ҳайдовчи, терлатувчи, қон тўхтатувчи, асаб тизимини тинчлантирувчи, яллигланишга қарши ва десенсибиялловчи таъсир кўрсатади. Жароҳатларни тез битиради. Юздаги тошмалар, ҳуснбузар, фурункулларни кетказади.

Ҳалқ табобатида чаён ва илон чаққанида заҳрини олиш учун, оғрикни қолдириш учун илдизининг қайнатмаси ва майдалан-

ган баргини боғлаш тавсия этилади. Ўсимликнинг эзилган барги, баргининг шираси жароҳатларни йиринг ва қон оқишидан тозалайди, уни тез битказади.

Стоматологияда иттиканак дамламаси оғиз шиллиқ парда-си касалликларида (стоматитлар, айниқса, аллергик ҳолатда-ги турлари, гингивит, пародонтит, глоссит), милклардан қон оқишида, гиповитаминонда, оғиз бўшлиғидаги ҳар хил жаро-ҳатларни битиришда фойдаланилади.

Дамламани тайёрлаш учун 0,5 литр қайнаб турган сувга 2 ош қошиқда майдаланган ўсимлик ўтидан солиб, 12 соат илиқ жойда ушланади. Сузиб оғиз чайишни, оғизда олиб туришни (ванночка қилиш), хатто ярим стакандан 3 маҳал ичишни тавсия этилади.

Қайнатма тайёрлаш учун 1 стакан сувга 3 ош қошиқ ўтидан солиб, 30 минут қайнатилади. 10 минутдан кейин совутиб, жароҳатларни ювишда ишлатилади.

Дорихоналарда иттиканакнинг қуритилган ўти брикет ҳолида сотилилади.

**КАЛАНХОЙ, ПАТСИМОН КАЛАНХОЙ (каланхөз перис-тое) – Kalanchoe pinnata (Zam.) Persoon** — семизакдошлар — Crassulaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 180 см.га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик ёки ярим бута бўлиб, поясининг пасти бир оз ёғочланган. Барги қалин, этли, эллипссимон, узинлиги 20 см.га етадиган, тоқ патли, 3-5 та баргчали, қирраси тишсимон, пояда қарама-қарши жойлашган. Гуллари сарик, оч пушти, руваксимон гул тўпламини ташкил этади.

Ватани — Африканинг тропик ўрмонлари, Мадагаскар. Бизда гулхоналарда, хонадонларда ўстирилади. Табобатда каланхой барги ва поясидан олинадиган шира ишлатилади. У кучсиз хидли, нордон, бироз буриштирувчи таъмга эга.

Таркибида flavonoидлар, ошловчи моддалар, С ва Р витаминлар, микроэлементлар, полисахаридлар, органик кислоталар ва ферментлар бор.

Илмий тиббиётда каланхой шираси ва малҳами бактериоцид, яллигланишга қарши, жароҳатларни тозаловчи, битирувчи, микробларга қарши восита сифатида ишлатилади.

Стоматология амалиётида гингивитларда (ўткир катарал, сурункали гипертрофик гингивитларда), пародонтит, афтбз ярали стоматитларда, хейлит, лаб бичилганда, оғиз бўшлиғидаги ҳар хил жароҳатларни битиришда ва альвеолитларни даволашда ишлатилади.

Каланхой ширасини дока ёки пахта пиликка шимдириб, бироз илитиб ( $37^{\circ}\text{C}$ ) милкларга қўйилади, оғиз шиллиқ қаватларига суркалади, аппликация қилинади.

Каланхойнинг тайёр препаратлари дорихоналарда сотилади.

Rp.: Succi Kalanchoes 100 ml

D.S. аппликация учун.

Rp.: Ung. Kalanchoes 100.0

D.S. жароҳатларга суртиш учун.

**КАПАЛАКГУЛ — УЧ РАНГЛИ БИНАФША (фиалка трёхцветная) — *Viola tricolor* L** — бинафшадошлар — Violaceae оиласига мансуб бўлиб, бир ёки икки йиллик, бўйи 10-40 см.га етадиган ўт ўсимлик. Пояси шохланган, тик ўсуви, шохлари битта гул билан тамомланади. Гули беш япроқли, турли рангда бўлади. Меваси пишганда очиладиган кўсакча.

Бу ўсимлик Украина, Белоруссия, Молдавия, Россиянинг Оврупо қисмида бегона ўт сифатидаги ұлаларда, экинзорларда учрайди.

Ўзбекистонда боғ на хиёбонларда, ҳовлиларда манзарали гул сифатидаги ўстирилади. Ўсимликнинг ер устки қисми шифобахш ҳисобланади.

Гаркибида рутин, салонинлар, шиллиқ моддалар, глюкомицдинар, эфир мойи, каротин, С витамины, салицил, урсол кислоталари ва бошқалар бўлади.

Халқ табобатида шифобахш ўсимлик сифатида нафас йўллари шамоллаганда юмшатувчи, балғам кўчирувчи сифатида ва кўк йўтал касаллигини даволашда ишлатилади.

Абу Али ибн Сино ёзади: бинафша — банафсаджнинг куюқ суртмаси арпа толқони билан бирликда яллиғланган шишларни босади. Япроги ҳам шундай таъсирга эга.

Илмий тиббиётда капалакгул препаратлари яллиғланнишга қарши ва антисептик сифатида ўткир, сурункали бронхитлар, бронхопневмониялар, кўййутал, нефрит, цистит, ўт-тош касаллиги, подагра, ревматизм касалликларини даволашда ишлатилади.

Стоматологияда бинафша шираси на дамламаси оғиз шиллиқ қавати касалликлари (стоматит, гингивит, пародонтит)ни даволашда ишлатилади.

Дамламасини тайёрлаш учун 1 ош қопик ўсимликнинг курилтилган ва майдаланган ўтини 1 стакан қайнаб турган сувга солиб дамлаб қўйилади, 2 соатдан сунг сузуб, оғиз чайища ишлатилади.

Rp.: Inf. herbae Violae tricoloris 200 ml  
D.S. оғиз чайища, ванночка қилишда ва  
аппликация қилишда ишлатилади.

**КАРАМ (капуста огородная) — *Brassica oleracea* L** — карамдошлар — Brassicaceae оиласига мансуб бўлиб, икки йиллик сабзавот ўсимлиқ.

Ўзбекистонда оддий карам, гул карам, хитой карами, көрейс карамлари экилади.

Оддий карам (капуста огородная) боши юмалоқ, ясси, тұхымсimon чүзинчоқ шаклли бўлади. Ўзбекистоннинг барча вилюятларида сабзавот ўсимлиқ сифатида етиширилади. Таркибида қанд, калий, фосфор тузлари, клетчатка, ёлгар, ферментлар, аминокислоталар, A, B, P, K, B<sub>6</sub> витаминлари ҳамда U витамины ва бошқалар бор.

Халқ табобатида карам қадимдан организмга куч бағишлиовчи, ҳар хил касалликларга чидамли қилувчи, уйқусизликни йўқотувчи ва бош оғригини қолдирувчи восита сифатида ишлатилади. Халқимиз карамни хом ҳолда, тузлангани, ачитилгани эса иштаҳани очувчи, меъда-ичак овқат ҳазм қилиш жараёни кучайтирувчи, цингага қарши шифо сифатида ишлатганлар.

Абу Али ибн Сино шундай ёзади: карам — курунбнинг ҳамма турлари чипқонларнинг (абсцесс, флегмоналарни) ёрилишига, ёмон яраларни битиришга ва тарқалиб кетмаслигига имкон беради.

Илмий тиббийётда карам суви (таркибида U витамины бор) меъда яра касаллиги, атеросклероз, жигар касалликлари, экзема, псориаз, нейродермит, қандли диабет, юрак, буйрак ва бошқа касалликларда буюрилади.

Стоматология амалиётида карам ширасидан стоматитларни, гингивит ва пародонтитларни даволаща фойдаланиш мумкин.

Үй шароитида карам баргидан эзиб олинган сувини оғиз чайища, ванночка қилишда ишлатилади. Янги карамни чайнаб, оғизда кўпроқ олиб турилса оғиз бўшлиғидаги яллигланиш ҳолатини ва оғриқни камайтиради.

**КАРАФС, ХУШБЎЙ КАРАФС (сельдерей пахучий) — *Apium graveolens* L** — селдердошлар — Apiaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 30-70 см.га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик, пояси тик ўсади, ичи кавак, марказий қисмидан шоҳлайди. Барглари чўзиқ — лансетсимон, патсимон, уч бўлакли. Гуллари майда, оқ рангли, мураккаб соябонга тўпланган. Мева-

си — юмалоқ, икки уруғли құшалоқ писта. Карафс Россиянинг Оврупо қисмида, Марказий Осиё ва Кавказда канал ва ариқ бүйларида, дарё ёқаларида, суғориладиган нам ерларда, төг этакларида үсади. Зирavor үсимлик сифатида кенг миқёсда үстирилади. Шифобахш қисми үти, мевалари ва илдизлариdir.

Таркибида эфир мойи, С, В, витаминлари, каротин, флавонойд, шавел кислотаси, калий, натрий түзлари ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида карафс қадимдан шифобахш үсимлик сифатида ишлатилади. У иштахани күзгөвчи, овқат ҳазм қилишни күчайтирувчи, асаб тизимини мустахкамловчи, қонни тозаловчи, жароҳатларни битирувчи, аллергияга қарши ва антисептик таъсир қылувчи үсимликдир. Организм умумий қувватини күтаратди, жисмоний ва ақлий қобилиятини күчайтиради.

Илмий тиббиётда гастрит, меъда-ичак яраси касаллигига ва сийдик хайдовчи восита сифатида ишлатилади.

Стоматология амалиётида карафс үти ва дамламасидан стоматитларни, гингивитларни ва бошқа яра-жароҳатларни ювиг — даволашда ишилтилиши мүмкін.

Дамламасини тайғрылған учун 2 та ош қошиқда майдалаб түргалған карафс инди тиң бағри үстига 1 стакан қайнаб турған сүб сопиб, усту берк тұғында дамлаб, 4 соат тиңдириләди. Сүнгра сүнгі оғиз чайиша, ванночка қилишда, яра ва жароҳатларни ювшы тавсия этилади.

Юз-жыл соҳасидаги йирингли яра ва жароҳатларни тез битириш учун карафс дамламаси билан ювилади. Янги майдаланған карафс үтига сариёф ёки үсимлик мойлари (пахта мойи, зиғир мойи, кунгабоқар мойи) дан малҳам тайёрлаб күйилади.

**КАШНИЧ, ЭКМА КАШНИЧ (кишнец — кориандр посевной) — *Coriandrum sativum* L — селдердошлар — Apiaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 30-70 см.га етадиган бир йиллик үт үсимлик, пояси цилиндрисимон, майды қиррхали, туксиз, ичи кавак. Бағри оддий, қынли, туксиз уч булақка қирқилган, қирраси тишсимон. Гуллари майда, мураккаб соябонга тўпланган. Меваси — юмалоқ, кўнғир құшалоқ доңча**

Ватани — Туркия, Россия, Украина, Кавказ ва Марказий Осиё республикалариридир.

Шифобахш қисми уруғи ва бағри булиш, у хушбўй ҳидга ва ёқимли мазага эга.

Таркибида эфир мойи, ёғ, оксил ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида кашнич менаси күкүн, дамлама, қайнатма ҳолида қўлланилади. Уни меъда-ичак иуулари ишини фаол-

лаштиришда (иштахани очиб, овқат ҳазмини яхшилайды), гижжа туширишда, камқонлик, гипертония, гепатит, стоматит ва бошқаларни даволашда ишлатилади.

Абу Али ибн Сино кашнич — кузбура түғрисида шундай ёзади: “үсимликнинг қуритилгани ва хўли (янги барги, ер устки қисми) ишлатилади. У буришитирувчи, оғриқни қолдирувчи таъсир қиласи. Сикиб олинган шираси сут билан кўшиб ишлатилса, ҳар қандай кучли, лўқилловчи оғриқни қолдиради”.

Илмий тиббиётда меъда — ичак касалликларини даволашда, антисептик ва битирувчи восита сифатида қўлланилади.

Стомагологияда оғиз шиллиқ қавати касалликларини (стоматит, гингивит, пародонтит) даволашда ва оғиздаги ёқимсиз ҳидларни йўқотишда қўллаш мумкин. Бунинг учун баргининг шираси ва мевасининг дамламаси ишлатилади.

Дамламани тайёрлаш учун 3 та чой қошиқ кашнич мевасини усти берк идишга солиб, 1 стакан қайнаб турган сув қўйилади ва 15 минут дамлаб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб, оғиз чайллади ва бир оз оғизда олиб турилади (ванночка қилинади) ёки 2 ош қошиқ кашнич мевалари устига 1 стакан қайноқ сув кўйиб, 15-20 минут дамлаб қўйилади, сузиб олиб оғиздаги ноҳуш ҳидларни йўқотиш учун кунига бир неча марта оғиз чайллади.

Баргининг ширасини дока ёки пахта пиликка шимдириб, милкларга қўйилади.

**КИЙИК ПАНЖА (астрагал шерстистоцветковый) —**  
***Astragalus dasyanthus* Pall** — дуккақдошлар — Fabaceae оиласига мансуб бўлиб, буйи 10-35 см. келадиган, малларанг туклар билан қопланган ўт үсимлик. Барглари навбатма-навбат жойлашган, оқ патсимон, 12-14 жуфт наштарсимон баргчалардан ташкил топган. Гуллари — тўп гулли сариқ рангда бошчасимон шингилга тўпланган. Меваси — уч қиррали — тухумсимон дуккак.

Кийик панжаси Марказий Осиё, Кавказ, Украина, Волга -Дон ҳавзаларида очиқ жойларда, даштларда, чўлларда, ўрмон четларида ва далаларда ўсади.

Шифобаҳи қисми ўти (пояси, барги, гули) таркибида три-терпен гликозидлари, флавоноидлар, ошловчи моддалар, аминокислоталар, витаминалар, кальций, кремний, алюминий, тёммир, кобальт, мис, марганец каби микроэлементлар бор.

Халқ табобатида кийик панжаси турли меъда ичак касалликларини даволашда, сийдик ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида ишлатилади.

тида, диабет касаллиги, фурункулөз, пиодермияни даволашда ишлатилади.

Илмий тиббиётда гипертония, стенокардия ва бошқа юрак-қон томир касаллигига, бүйрак-сийдик йўли касалликларида ишлатилади.

Стоматология амалиётида кичик панжа қайнатма ва дамламасидан стоматит, гингивит ва пародонтитларни даволашда ишлатилади.

Дамламани тайёрлаш учун 1 ош қошиқ қуритиб майдаланган кичик панжа ўти устига 1 стакан қайнаб турган сув солиб, бир соат дамлаб кўйилади. Сўнгра, сузиб олиб чайишга, ванночка қилишда ишлатилади.

**КИЧИК БЎРИГУЛ (барвинок малый) – *Vinca minor* L** – кендердошлар – Арасупасеа оиласига мансуб бўлиб, бўйи 60 см.гача бўлган доим яшил, кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси ётиб ўсуви, шохланган, гул ҳосил қилувчи новдалари тик ўсади. Барғи қалин, туксиз, эллипссимон тўқ яшил рангли, ўткир учли, яшироқ. Гуллари ҳаворанг, якка-якка, узун гул бандли. Мева-си 2ta цилиндсимон баргчадан ташкил топган.

Кичик бўригул Украина, Крим, Кавказ, Туркманистон, Тоҷикистоннинг ўрмонларида, буталар орасида, тоғ ёнбағирларида ўсади. Кўпинча боғларда қўпайтириллади, паркларда манзарали ўсимлик сифатида экилади.

Шифобахш қисми ўти (пояси, барғи, гули) ҳисобланади. Таркибида алкалоидлар (20 та яқин ҳар хил алкалоидлар: винин, винкамин, минорин ва бошқалар), урсол кислотаси, рутин бор. Ушбу тиёхини бошқа туридан (барвинок розовый – *Vinca rosea* L) олинадиган алкалоидлар (винblastин, винкристин) ханфии үсмаларни даволашда ишлатилади.

Халиқ табобатида буриштирувчи, қон тўхтатувчи, жароҳатларни битирувчи, қон босимини туширувчи восита сифатида қулланилади.

Илмий тиббиётда гипертония, юрак касалликларида, ҳар хил қон кетишини тўхтатишда ишлатилади.

Стоматология амалиётида кичик бўригул ўтидан тайёрланган қайнатма ва дамламасидан тиши олингандан сўнг қон кетишини тўхтатиш учун, оғиз шиллиқ қавати яллиғланганда – стоматит, гингивит ва пародонтитларни даволашда ишлатилади.

Дамламани тайёрлаш учун 1 ош қошиқ қуритиб, майдаланган кичик бўригул ўсимлиги устига 1 стакан қайнаб турган сувни солиб, 1,5 соат давомида дамлаб кўйилади, сўнгра сузиб олиб, оғиз чайишда, жароҳатларни ювишда, ванночка қилишда ишлатилади.

**КИЧИК ТИЛЛАБОШ (золототысячник малый) — *Centau-  
rium minus Moench***, газакүтдошлар — Gentianaceae оиласига  
мансуб бўлиб, бўйи 40 см.гача борадиган бир ёки икки йил-  
лик ўт ўсимлик. Пояси оддий, тўрт қиррали, яланғоч. Илди-  
золди тўп барглари тескари тухумсимон, пояда бандсиз қара-  
ма-қарши жойлашган. Гуллари беш бўлакли, қизил рангли, қал-  
қонсимон рўвакка тўпланган. Меваси — цилиндрсимон икки  
хонали кўсак.

Кичик тиллабош Марказий Осиё, Кавказ, Украина, Бело-  
руссия, Россиянинг Оврупо қисми, Олтой ўлкасида сугорила-  
диган ўтлоқларда, дарё ҳавзаларида, ботқоқликлар атрофи-  
да, ариқ бўйларида, буталар орасида, ўрмон четларида ва бўз  
ерларда ўсади.

Шифобаҳш қисми ер устки қисми (ўти) ҳисобланади. Тар-  
кибида аччиқ гликозидлар, фенолкарбон, олеанол, аскорбин  
кислоталар ва бошқа моддалар бўлади. Халқ табобатида бу  
ўсимлиқдан юракни қувватлайдиган дори, меъда-ичак йўли,  
жигар, буйрак касалликларида фойдаланилади.

Абу Али ибн Сино ёзган: тиллабош — кантурийун ўтининг  
янги шираси ва ундан тайёрланган суюқ экстракти эски жаро-  
ҳатларни битиради, янги жароҳатларни тозалайди, оқма яра-  
ларга даво бўлади, қон кетишини тўхтатади.

Илмий тиббиётда тиллабош препаратларидан гастритлар-  
ни даволашда, қабзият махалида, буйрак, жигар, ўт йўллари  
касалликларида ишлатилади.

Стоматологияда оғиз бўшлиғи, юз-жағ соҳасидаги жаро-  
ҳатларни, альвеолитларни даволашда, тиш олингандан кей-  
инги қон кетишини тўхтатиша тавсия этилади.

Қайнатмани тайёрлаш учун 1 ош қошиқ қуритилган ўти ус-  
тига 1 стакан сув солиб, 30 минут қайнатилади, совутгандан  
сўнг докадан ўтказиб, жароҳатларни ювишда ишлатилади.

Тиллабош тайёр препаратлари дорихоналарда сотилади.

Rp.: Herbae Centaurii 50.0

D.S. маҳсулотдан бир ош қошиқ олиб, 1 стакан сувда 30 минут қайната-  
тилади, совутгандан сўнг, докадан ўтказиб жароҳатларни ювишда ишлати-  
лади.

Rp.: Tincturae Centaurii 25 ml

D.S. 15-20 томчидан овқатдан ярим соат олдин ичилади.

**КЎКТИКАН (СИНЕГОЛОВНИК БИБЕРШТЕЙНА) — *Eryn-  
gium coeruleum M.B.*** — селдердошлар — Apiaceae оиласига  
мансуб бўлиб, бўйи 50-100 см. бўладиган кўп йиллик ўт ўсим-  
лик. Барги қалин, кенг тухумсимон, тиканли, патсимон кесик,

чети күнғирави, пастдагилари бандли, юқоридагилари бандсиз. Гуллари майда, күк рангли, беш бўлакли, тўп гули тиканли. Меваси — қўшалоқ писта.

Кўктикан Марказий Осиё, Кавказнинг тоғ этакларида, шағалли қияликларда, текисликларда, боғларда, экинзорларда, далаларда нам ерларда ўсади. Шифобаҳаш қисми пояси, барги, тўлгули ҳисобланади. Таркибида эфир мойлари, флавоноидлар, сапонинлар ва буриштирувчи моддалар бор.

Халқ табобатида оғриқни қолдирувчи, тортишиш — санчиқларни йўқотувчи, тер ва сийдик ажralишини тезлаштирувчи, ялиғинишга қарши ва заҳар кучини кесувчи сифатида ва ширинча (катарал-эксудатив диатез), турли шишлар, истисқо (асцит), буйрак ва сийдик йўллари касалликларини даволашда ишлатилиди.

Абу Али ибн Сино ёзади: кўктикан — шавкатал — йаҳудийани табиати сўрилтирувчи. Курак тишлари оғриғида қайнатмаси билан оғиз чайқалади.

Илмий тиббиётда кўктиканнинг қайнатмаси, кўктикандан ажратиб олинган сапонин ва камконлик, моддалари йиғиндиси буйрак, сийдик иуни, негизе касалликларida сийдик ҳайдовчи вомита сифатида таисиғотилади.

Стоматологијамалийтида тишлар оғриганида кўктиканнинг қайнатмаси билан оғиз чайилса, ванночка қилинса фойда қилаади. Қайнатмани ичишга ҳам тавсия этилади.

Қайнатмани тайёрлаш учун 10 г. кўктикан устига 1 стакан қайноқ сув солиб, 30 минут қайнатилади. Совиганидан сўнг, сузуб, ичишга (1 ош қошиқдан 3 маҳал) ва оғиз чайишга ишлатилади.

**ЛАВЛАГИ, (свекла обыкновенная) — *Beta vulgaris* L — шўрадошлар — Chenopodiaceae оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик. Илдизмеваси шолғомга ўхашаш қизил, оқ ёки сариқ рангда. Пояси тўғри ўсадиган, барглари навбатма-навбат жойлашган тухумсимон, узун бандли. Гуллари майда.**

Лавлаги Марказий Осиёда сабзавот сифатида экилади. Шифобаҳаш сифатида илдизмеваси, шираси, барги ишлатилади.

Таркибида протеин, қанд, клетчатка, органик кислоталар, бўёқ моддалар, минерал тузлар, ҳар хил витаминалар ( $E$ ,  $C$ ,  $B_1$ ,  $B_2$ ,  $B_3$ ), турли микроэлементлар — иод, марганец ва бошқалар бор.

Халқ табобатида камконлик, зотилжом, сил касаллиги, цингага қарши, ялиғинишга қарши ва оғриқсизлантирувчи сифатида ишлатилади.

Абу Али ибн Сино лавлаги — силк түғрисида шундай ёзади: совукдан лаб ёрилганда янги сиқиб олинган шираси яхши фойда қилади. Юздаги сепкилни кетказиш учун аввал содали сув билан ювиб, лавлагининг барги боғланса, сепкилни кетказди. Баргидан сиқиб олинган суви сўгалларни кўчиради.

Стоматология амалиётида лавлагини қириб ёки янги баргини майдалаб, докага ўраб стоматит ва гингивитларда яллиғанишга қарши қўлланилади. Тиши оғриганида лавлагининг бир бўлагини оғизда олиб турилса, оғриқ пасайиши хақида маълумотлар бор.

**ЛОВИЯ (фасоль обыкновенная)** — *Phaseolus vulgaris* L — дуккакдошлар — Fabaceae оиласига мансуб бўлиб, чирмашиб ўсадиган бир йиллик ўсимлик. Пояси қалга-қапа туклар билан қопланган, шоҳланган. Барглари навбатма-навбат жойлашган, тухумсимон шаклда. Гуллари бинафша ранг шингилилар ҳосил қилади. Меваси — тўғри ёки сал букилган дуккак. Уруғлари калта, кичик, буйраксимон бўлади.

Ловия Осиё, Африка, Америка китъаларида кенг тарқалган бўлиб, Марказий Осиёда кўп экилади. Шифобахш қисми — гуллари, дуккаги. Таркибида оксил, краҳмал, пектин ва макро, микро элементлар бор.

Халқ табобатига ловиядун ва гулларидан тайёрланган дамламани сийдик йўллари, юрак-қон томир тизими касалликлари, қандли диабет, ревматизм ва подагра касалликларини даволашда ишлатилиди. Ловия унидан янги куйган жароҳатларга селиб даволанади.

Илмий тиббиётда ловиядан парҳезбоп шифобахш таом тайёрланади ва қандли диабетда истеъмол қилиш тавсия этилади.

Стоматология амалиётида юз-жаф соҳасидаги қонталашни (гематомаларни) сўрилтиришда, чипқонлар (фурункул, карбункул) ва жароҳатларни даволашда ишлатилиши мумкин. Бунинг учун ловия унидан ўсимлик мойи ёки вазелин ёрдамида малҳам тайёрлаб боғланади.

**МАЙМУНЖОН, ОДДИЙ МАЙМУНЖОН (малина обыкновенная)** — *Rubus idaeus* L — раънггулдошлар — Rosaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 1-2 метрга етадиган, ёш новдалари эгилиб ўсуви, сертикан, ярим бута ўсимлик. Барглари йирик, нотекис, тишсимон, қиррали, уч бурчакли, меваси — қизил, қора рангли дұнакли, мураккаб хўл мева.

Ватани Россиянини Оврupo қисмида, Кавказ атрофлари ва Марказий Осиёда ариқ бўйларида, тўқайзорларда, ўрмон-

зорларда, жарларда, тогларда, буталар орасида ўсади. Мевали ўсимлик сифатида кенг маданийлаштирилган. Унинг ҳамма қисми (меваси, барги, гули, илдизи) шифобахш.

Таркибида органик кислоталар, олма, лимон, чумоли, салицил кислоталар, С витамины, каротин, қанд, ошловчи, пектин ва бошқа моддалар бор. Уруғида ёғ бор. Маймунжон қадим замонлардан бери шифобахш восита сифатида қўлланиб келинади.

Халқ табобатида ундан терлатувчи, иссиқни туширувчи, шамоллаганда, меъда-ичак тизими ишини фаоллаштирувчи, оғриқни қолдирувчи, қон тўхтатувчи, заҳарланишга қарши, жароҳатларни битирувчи сифатида ишлатилади.

Абу Али ибн Сино маймунжон — уллайк тўғрисида шундай ёзади: қуритувчи, буриштирувчи таъсир қиласи. Баргларини қўйиб боғланса учукнинг тарқалиб кетишини тўхтатади. Унинг барглари чайналса, милкни мустаҳкамлайди, оғиз чақаланишини тузатади. Пишган мевалари ҳам шундай таъсир кўрсатади. Мева ва баргларининг шираси иссиқдан бўлган оғиз оғриқни тузатади.

Илмий тиббиётда маймунжон мевалари меъда-ичак йўли ишини маромига келтириш учун, терлатадиган восита тариқасида, баргидан тайёрланган дамлама ва қайнатма ич кетиш ва ичдан қон оқишиларни даволаш, ангинада томоқни чайиш учун ишлатилиади.

Стоматология амалиётида маймунжоннинг меваси ва бартидан оғиз цилишиқ қавати касалликлари (стоматитлар, гингивитлар, пародонтит)да, цингани даволашда ва учук тошганда ишлатилиши мумкин.

Маймунжоннинг меваси ва янги узилган баргини милклар қонаганда, оғиз чақаланганда чайналса, милкларни мустаҳкамлайди, қонаши тўхтайди, яра-чақаларнинг тезроқ битишида фойда қиласи.

Стоматит ва гингивит касалликларида мева ва баргларининг янги сиқиб олинган ширасини дока ёки пахта пиликка шимдириб, милкга қўйилса, оғиз шиллик қавати артиб олинса тез тузатади.

Меваси ёки баргидан тайёрланган дамлама оғиз чайишда ва аппликация қилишда ишлатилади. Дамламани тайёрлаш учун 2 ош қошиқда қуритилган барги ёки мевасидан олиб, устига 1 стакан қайнаб турган сув солиб, усти берк идишда 20 минут дамлаб қўйилади. Сўнгра сузиб, оғиз чайиш ва ичиш учун ишлатилади.

Маймунжоннинг қуритилган меваси (*Fructus Rubi idaei*) до-рихона ва фитобарларда сотилади.

Қайнатмани тайёрлаш учун маймунжон баргидан 1 ош қошиқда оғзи берк идишга солинади ва устига 1 стакан қайнаб турган сув солиб, 15 минут қайнатилади. Совигандан сўнг, сузиб олиб, 1 ош қошиқдан 3-4 маҳал ичишга ва оғиз чайишга ишлатилади.

**МАККАЖҮХОРИ (кукуруза обыкновенная) — *Zea mays L*** — ғалладошлар (дондошлар) — Gramineae оиласига мансуб бўлиб, пояси тик ўсувчи, цилиндросимон, бўғинли бир йиллик дон ўсимлик. Бўйи 1-3 м.га етади. Барглари кенг наштарсимон — чизиксимон текис қиррали, қини ёрдамида поясида кетма-кет жойлашган. Гуллари бир уйли, бир жинсли, майда, кўримсиз бўлиб, оталик гули поясининг юқори қисмida рувакка тўпланган. Меваси донча.

Маккажўхори Ўзбекистоннинг барча вилоятларида дон ва ем-хашак манбаи сифатида ўстирилади; табобатда унинг ўсимлик меваси пишиб етилмасдан; оналик гулининг устунчаси — попуги йигиб олинади ва ишлатилади.

Таркибида синэстерол, эфир мойи, аччик гликозидлар, смола, сапонин, flavonoидлар, органик кислоталар, С ва К витаминлари, каротин, дони (меваси)нинг таркибида эса крахмал, ёғлар, пентозан, пировиноград кислота,  $B_1$ ,  $B_2$ ,  $B_6$ , С витаминлари, никотин кислота, биотин, каротин ва бошқалар бор.

Халқ табобатида маккажўхори попугидан тайёрланган қайнатма ва дамламалар, қовуриб асалга аралаштирилган сўтлари қон ивишини тезлаштирувчи, ўт, сийдик ҳайдовчи восита сифатида қадимдан ишлатилиб келинган.

Абу Али ибн Сино маккажўхори тўгрисида шундай ёзади: охор — крахмал — наша (маккажўхори крахмали) — ёпиштирувчи ва юмшатувчи таъсир қиласи. Уни пишириш учун 1/3 нисбатда (1 қисм крахмалга 3 қисм сув) олинади. Крахмалнинг заъфарон (шафран)и кўшиб суртилса, юздаги сепкилни кетказади. Крахмал яраларнинг битишини ва тузалишини яхшилади.

Илмий тиббиётда маккажўхори попукларидан тайёрланган дамлама, суюқ экстрактидан жигар, ўт пуфаги, ўт йўллари-нинг яллигланиши, ичдан қон кетганда қон тўхтатувчи, буйрак, қовуқ тошларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади. Маккажўхоридан витамин  $B_{12}$ , К витамины, глютамин кислоталар олинади.

Стоматология амалиётида маккажўхори попугидан тайёрланган дамлама ва унинг суюқ экстрактини стоматитлар ва гингивитларни даволашда оғиз чайиш учун ишлатиш мумкин.

Дамламасини тайёрлаш учун 15 г. майдаланган маккажүхори попуги устига 200 г. қайнаб турған сув солиб, усти берк идишда дамлаб қўйилади. Ярим соатдан сўнг сузиг олиб, оғиз чайиш учун ишлатилади.

Дорихоналарда маккажүхори попуги тайёр ҳолда пакетчаларда ва унинг суюқ экстракти сотилади.

Rp.: Extr. Stigmatis Maydis fluidi 25 ml.

D.S. 15-20 томчидан ярим стакан қайнаган сувга солиб, оғиз чайиш учун ишлатилади.

Rp.: Stigmatis Maydis 15.0

D.S. Маҳсулотнинг ҳаммаси устига 1 стакан қайнаб турған сув солиб, ярим соат давомида дамлаб қўйилади, сўнгра сузиг олиб, оғиз чайиш учун ишлатилади.

**МОЙЧЕЧАК, ДОРИВОР МОЙЧЕЧАК (ромашка лекарственная) — *Matricaria chamomilla* L.— астралошлар — Asteraceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 15-40 см.га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Барғлари патсимон қирқилган. Гуллари оқ, сарик саватча ҳосил қилади. Мөваси — кўнғир — яшил рангдаги писта.**

Мойчечак Марказий Осиёда, Россиянинг Оврупо қисмида, Кавказ, Крим, Украина, Фарбий Сибир, Узок Шарқда учрайдиган ўсимлик бўлиб, ўглоқларда, экинзорларда, йўл ёқаларида ўсади. Мойчечак маҳсулотига талаб кўп бўлганлигидан Украина, Белоруссия ва бошқа ерларда ўтирилади.

Шифобаҳш қисми гули ҳисобланади. Таркибида эфир мойи, оқсиллар, гликозидлар, флавоноидлар, кумаринлар, азулен, каротин, С витамини, шиллик, аччиқ ва бошқа моддалар учрайди.

Халқ табобатида мойчечак жуда кенг қўлланилади. У терлагувчи, ични юмшатувчи, ўт ҳайдовчи, буриштирувчи, оғриқни қолдирувчи, тинчлантирувчи, шамоллашга қарши восита сифатида, дезинфекцияловчи ва бошқа қўргина касалликларда ишлатилади.

Илмий тиббиётда мойчечак гулларидан тайёрланган дамламани гастрит, энтерит, энтероколит, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси касалликлари, жигар, ўт пуфаги касалликларида ва мойчечакдан ажратиб олинган хамазулен препарации аллергия, яллигланишга қарши ва оғриқни қолдирувчи восита сифатида қўлланилади.

Стоматология амалиётида оғиз шиллик қавати касалликлари (стоматит, гингивит, пародонтит)ни даволашда оғиздаги

Йирингли ва бошқа жароҳатларни ювишда ва даволашда ишлатилиди.

Дамламасини тайёрлаш учун 1 ош қошиқ куритилган мойчек гулининг устига 1 стакан қайнаб турган сувни солиб, ярим соат дамлаб қўйилади. Сўнгра сузиб олиб, оғиз чайиш учун ишлатилиди.

Rp.: Inf. flores Chamomillae 200.0 ml

D.S. Оғиз чайиш учун, яра-чақаларга ва милкларга қўйиш учун ишлатилиди (аппликация).

**МОМАҚАЙМОҚ, ҚОҚИ ЎТ (одуванчик лекарственный) —**  
**Taraxacum officinalis Web** — астралдошлар — Asteraceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 15-30 см. бўладиган сут-ширали, кўп йиллик, ўт ўсимлик. Илдизи кам шохланган ўқ илдиз. Баргининг ҳаммаси илдизолди тўлбаргидан ташкил топган. Барги оддий, ланцетсимон, патсимон, кесик. Гул ўқи туксиз, ичи ковак, цилиндрсимон. Гуллари саватчага тўпланган, гулларининг ҳаммаси тилсимон, тилла рангда. Меваси — учмали писта.

Момақаймоқ деярли ҳамма ерларда, ўрмон, чўл худудларида, ўтлоқларда, ҳовли, боф, экинзорларда, кўчаларда ва бошқа ерларда ўсади. Шифобахш қисми ўти, илдизи, барги, шираси ҳисобланади.

Таркибида тараксацин ва тараксацерин аччиқ гликозидлар, тритерпен бирикмалари, инулин, ёғ, калий, кальций тузлари, қанд, холин, шиллиқ моддалар ва бўёқ моддалари бор.

Халқ табобатида момақаймоқни қадимдан доривор ўсимлик сифатида иштаҳа очувчи, овқат ҳазм қилишни яхшиловчи, организмнинг куч-кувватини (тонусини) оширувчи, модда алмашинувини кучайтирувчи, тинчлантирувчи, шамоллашга қарши восита сифатида ва заҳарланишни даволашда, косметикада ишлатилиб келинган.

Абу Али ибн Сино момақаймоқ — хиракилус сутсимон ширасини сўтгал тошган, илон-чаён чаққан жойларга суришни буюрган.

Илмий тиббиётда момақаймоқнинг илдизи дамлама ва күн ҳолида иштаҳа очиш, ўт ҳайдаш, ични юмшатиш учун, дармонсизлик, кўкрак оғриғи ва атеросклерозда буюрилади.

Стоматология амалиётида юздаги ҳар хил доғлар, сепкил, тошмалар, хуснбузарларни кетказишида, чипқон (фурункул, карбункул)лар ва ҳар хил йирингли яраларни даволашда момақаймоқ сутли шираси ва қайнатмасидан фойдаланилади.

Қайнатмасини тайёрлаш учун майда тўғралган қоқи ўтдан уч ош қошиқ миқдорида олиб, устига 2 стакан қайноқ сув қўй-

иб, 20 минут қайнатилади. Сузиб олиб, совигандан сўнг жаротатларни ювишда, чипқонларга компресс қилишда ишлатилади.

Юздаги доғларни, тошмаларни кетказиш учун юзни тозалаб ювиб, қуритиб, янги сиқиб олинган момақаймоқнинг сутли ширасини суркаб, 20-30 минутдан сўнг ювиб ташланади. Бу муолажа кунда бир маҳалдан бир неча кун такрорланади.

Чипқонларни даволашда илдизи ва барги аралаш қиймалангандан момақаймоқни компресс қилинади.

### **НАВРЎЗГУЛ (первоцвет весенний) — *Primula officinalis***

**Jasq** — навруздошлар — Primulaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 15-20 см.га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Илдиз пояси шохланмасдан қийшиқ ҳолда ўсади. Илдиз узунлиги 6-8 см. бўлиб, оқиш тусли бир неча илдизлар чиқаради. Барглари илдиз бўғзидан чиқсан, буришган, тухумсимон. Гуллари майда, тилла ранг ворсинкасимон, соябонга йигилган. Меваси — тухумсимон, кўнғир рангли, кўп уруғли кўсак.

Наврўзгул Россиянинг Оврупо қисмида, Марказий Осиёда ўрмон четларида, ўтлоқларда, бутазорларда ва қирларда ўсади.

Шифобаҳш қисми илдизи, барги, гули. Таркибида сапонин, гликозид, С витамины, каротин, эфир мойи ва бошқалар бор.

Халқ табобатида наврўзгулнинг илдизи, барги ва гулидан тайёрланган дамлама ва қайнатмаларидан қон тўхтатувчи, ухлатувчи ва балғам кўчирувчи восита сифатида фойдаланилади.

Илмий тиббиётда наврўзгулнинг барги, гули ва илдизидан тайёрланган дамлама, қайнатма, ундан олинадиган “примулин”, “примулат” препаратларидан гиповитаминос (организмда витамин А, С лар етишмасликдан дармонсизланиш, ҳолсизланиш рўй берганда), кўк йўтал, бронхитларда йўталга қарши балғам кўчирувчи восита сифатида ишлатилади.

Стоматология амалиётида оғиз шиллиқ қавати касалликларида наврўзгулнинг дамлама ва қайнатмаларидан оғиз чайиш учун фойдаланилади.

Қайнатмасини тайёрлаш учун 1 ош қошиқ майдалангандан наврўзгулнинг маҳсулоти устига 1 стакан қайнаб турган сув қўйиб, 30 минут дамлаб қўйилади. Сўнгра советиб, докадан ўтказиб, оғиз чайлади ва ванночка қилинади.

### **НАЎМАТАК ТУРЛАРИ (виды шиповника) — *Rosa species***

наъматак раънгулдошлар — Rosaceae оиласига мансуб бўлиб, МДҲ худудида 60 дан ортиқ тури мавжуд. Ўзбекистонда эса 13 хили ўсади. Тиббиётда қўйидаги наъматак турлари кўпроқ қўлланилади.

1. Май наъматаги, долчинсимон наъматак (шиповник коричный)- *Rosa cinnamomea* L;
2. Итбурун наъматак (шиповник собачий)- *Rosa canina* L;
3. Тиканли наъматак (шиповник иглистый)-*Rosa acicularis* Lind;
4. Дауря наъматаги (шиповник даурский) — *Rosa Daurica* Pall.

Марказий Осиё ва Ўзбекистон худудида кўп учрайдиган хиллари Бегер, Федченко, итбурун ва Кўқон наъматаклариидир.

Наъматак турлари ўрмонларда, ариқ бўйларида, буталар орасида, тоғларнинг куруқ тошлок ёнбағирларида ўсади.

Наъматак турлари асосан бўйи 2,5 м.гача борадиган бута ўсимлик бўлиб, тиканли кулранг шохли. Гуллари йирик, оқ ёки пушти рангда. Мевалари майда думалоқ ёки тухумсимон, тўқ кизил, баъзан деярли қизил бўлади. Шифобахш қисми-мевалариидир.

Таркибида С витамины, каротин, В<sub>2</sub>, K<sub>1</sub>, Р, витаминлари, канд, лимон кислота, минерал тузлар, ошловчи моддалар, эфир мойлари, пектин ва бошқалар бор. Уруғларида витамин Е, то-коферол, каротиноидлар мавжуд.

Халқ табобатида наъматакдан буриштирувчи, қон тўхтатувчи, тинчлантирувчи, талвасага қарши восита сифатида, витамин етишмаслигида, жигар, ўт йўллари, қовуқ касалликларида, томоқ оғриғи, юрак хасталиклари ва бошқа касалликларда фойдаланилади.

Илмий тиббиётда наъматак ва унинг препаратлари асосан С витамини манбаи ҳисобланиб, нефрит, гепатит, холецистит, энтерит, бавосир, меъда яраси, нафас органларининг яллиғланиши ва жароҳатларини битирувчи восита сифатида ишлатилади.

Стоматология амалийётида наъматакнинг мева дамламаси, қайнатмаси, шарбати, уруғидан олинган мой (наъматак мойи — масло шиповника), мевасидан олинган каротолин оғиз шиллиқ қавати касалликларида, жароҳатларни, ҳар хал битмайдиган яра-чақаларни битказишни тезлатувчи модда сифатида ишлатилади.

Гингивит, пародонтит ва яра-чақаларни даволашда наъматак мойи ёки каротолинга дока ёки пахта пиликка шимдириб, 20-30 минутдан кўйилади.

Қайнатмасини тайёрлаш учун 1 ош қошиқ мевасига 2 стакан сув солиб, оғзи ёпиқ идишда 10 минут қайнатилади. Бир суткадан кейин мевасини сикиб, сузуб олиб, ярим стакандан 2-3 маҳал (юқорида ёзилган касалликларни даволашда қўшимча сифатида) овқатдан олдин ичилади.

Илмий табобатда тайёр ҳолатда наъматакнинг:

1. Шарбати — Sirupus fructi Rosae vitaminisatus 200-250 мл дан шиша идишларда сотилади. Катталарга 1 чой қошиқдан 1 кунда 1 марта, болалар учун 1/2 чой қошиқдан 1 кунда 1 марта ичиш тавсия этилади.

2. Наъматак мойи — Oleum Rosae 100 мл.дан шиша идишларда чиқарилади.

3. Каротолин — Carotolinum 100 мл.дан шиша идишларда чиқарилади.

**НЎХАТ (горох посевной) — *Pisum sativum* L** — дуккақдошлар — Fabaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 80 см.гача борадиган бир йиллик ўсимлик, пояси бақувват, сершоҳ бўлиб ўсади. Барглари тоқ, патсимон, гуллари оқ ёки пушти. Меваси дуккак. Дони — думалок, кирралы.

Нўхат Марказий Осиёнинг барча ерларида экилади. Шифобахш қисми дони ва ўти (пояси, барги, гули) хисобланади.

Таркибида оқсил, крахмал, ёғ, В гурӯҳ витаминлари, С витамини, каротин, витамин Е, макро ва микроэлементлар — калий, кальций, кремний, магний, олтингугурт, фосфор, темир ва бошқалар бор.

Халқ табобатида нўхатдан буйрак — тош касаллигини даволашда, йўталга қарши, бавосилни даволашда ишлатилади.

Илмий тиббиётда нўхат ўти ва донининг қайнатмасидан буйракда тош үйилганида, кучли сайдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилиши тўғрисида маълумот бор. Нўхат унини қиздириб, қаттиқ шишларни, фурункул, карбункулларни сўрилтиришда фойдаланиш мумкин.

Абу Али ибн Сино ёзишича, нўхат ивтилган сут тиш оғрифига, милклар шишганда ва кулоқ остидаги шишларга фойда қиласиди.

Стоматология амалийётида юз-жағ соҳасидаги шамоллашдан бўлган шишларни, фурункул, карбункулларни сўрилтиришда нўхат унидан фойдаланишни тавсия этилади.

**ОДДИЙ ЗИРК, ҚОРА ЗИРК (барбарис обыкновенный) — *Berberis vulgaris* L** — зиркдошлар — Berberidaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 1,5-3 м.га ётадиган тиканли бута. Шохлари сарғиши — кулранг, уч бўлакли тиканлар билан қопланган. Барглари узунчоқ, тескари тухумсимон, ўткир арасимон қиррали, навбатма-навбат жойлашган. Гуллари оч сарик рангда, майда, хушбўй тўпгулли. Меваси қизил ёки қора узунчоқ — эллипссимон, жуда нордон, кам сувли ҳўл мева.

Оддий зирк Молдовия, Украина, Белоруссия, Россиянинг Оврупо қисмида, Марказий Осиёнинг барча жумхуриятларида ўрмон-чўл, чўл худудлари, тоғлардаги тошли қояларда, дарё хавзаларида, куруқ бутазорларда учрайди. Кўпинча боғларда, паркларда манзарали дараҳт сифатида экилади.

Шифобахш қисми меваси, барги, илдизи ва пўсти хисобланади. Мевасининг таркибида қанд, органик кислоталар, минерал тузлар ва витаминлар, пишмаган меваси, барги, илдизи ва пўстида алкалоидлар: берберин, оксиакантин, леонтидин, бербамин ва витамин Е, эфир мойи бор.

Халқ табобатида оддий зирк чанқоқни қолдирувчи, иштахани қўзгатувчи, тинчлантирувчи, юрак мушакларини бақувват қилувчи, иситма туширувчи, ўт хайдовчи, буриштирувчи, яллиғланишга қарши шифобахш доривор сифатида фойдаланилади.

Илмий тиббиётда қора зиркнинг ҳар хил препаратлари мевасидан тайёрланадиган қайнатма, бсрғидан олинадиган настойка (тиндирма) ва берберин бисулюфат таблеткалари сурункали гепатит, гепатохолецистит, ўт-тош касалликларини даволашда, акушерлик – гинекология амалиётида бачадсондан кон кетишида қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади.

Стоматология амалиётида қора зирк қайнатмасидан буриштирувчи, қон тўхтатувчи восита сифатида, оғиз шиллиқ қавати яллиғланиши касалликларида оназ чайиш ва ванночка қилиш учун ишлатилади.

Қайнатмани тайёрлаши учун 2 ош юнике қора зирк меваси устига 200 г. қайноқ сув солиб 20-30 миндуга қўйилатиб даминаб қўйилади. Совигандан сўнг, сузуб олиб ишлатилини. Дорихоналарда қора зирк тиндирмаси сотилади.

Rp.: T-rae Berberis 25 ml

D.S. 30 томчидан ичиш учун ёки пахта болишчаларига (пиликка) шимдириб, милкларга қўйилади.

**ОДДИЙ СИГИРҚҮЙРУК (коровяк обыкновенный) – *Verbascum thapsoides* L** – сигирқүйруқдошлар – Scrophulariaceae оиласига мансуб бўлиб, икки ийллик, сертук, ўт ўсимлик. Бўйи 60-150 см., танаси ва меваси қалин тук билан қопланган бўлиб, гуллари сариқ, шингилсизмон, меваси кўсакча.

Оддий сигирқүйруқ Россиянинг Оврупо қисми жанубида, Кавказда, Марказий Осиёнинг кумли ерларида, ўрмон четларида ва аҳоли яшайдиган жойларда ўсади.

Халқ табобатида ўсимликнинг ҳамма қисми (барги, гули, илдизи, пояси) ишлатилади.

Таркибида сапонинлар, шиллик моддалар, қанд, каротин, С витамины, эфир мойи, кверцетин ва бошқа моддалар бор.

У яллиғланишга қарши, оғриқсизлантирувчи, жароҳатларни битирувчи таъсир қиласы.

Халқ табобатида яра ва жароҳатларни тезроқ битиришда, гулларидан тайёрланган дамлама билан ўпка касалликларини даволашда ишлатилади.

Абу Али ибн Сино ёзади: сигиркүйрүк — бусир япрогининг қайнатмаси шишларда фойда қиласы.

Илмий тиббиётда гуллардан тайёрланган дамламасини кўк йўтал, бронхиал астма, хансирашда, буриштирувчи восита сифатида, неврозлар, психозлар, меъда-ичак, жигар, талоқ касалликларида, ангинада томоқ чайиш учун ишлатиш мумкин. Гуллари яллиғланишга қарши, ўраб олувчи, оғриқ қолдирувчи, қон тўхтатувчи сифатида кўлланилади. Буғга кўйиб олинган барглари ва гулларини касал бўғимларга ва лат еган жойларга компресс қилинади.

Стоматология амалиётида тиш оғриганида сигиркүйрүкнинг қайнатмаси билан оғиз чайиш ва оғиз шиллик қавати касалликларида унинг дамламаси ва қайнатмаси билан оғиз чайиш, оғизда олиб туриш (ванночка қилиш) тавсия этилади.

Дамламасини тайёрлаш учун 1 чой қошиқ қуритилган сигиркүйрүк устига 1 стакан қайнаб турган сув солиб, усти берк идишда ёки термосда 10-15 минут дамлаб кўйилади. Сўнг доқдан ўтказиб оғиз чайлади.

**ОДДИЙ ТОҒЖАМБУЛ (тимьян обыкновенный) — *Thymus vulgaris* L** — ясноткадошлар — Lamiaceae оиласига мансуб булиб, бўйи 50 см.га етадиган кўп йиллик ярим бута ўсимлик. Пояси тик ўсуви, пастки қисми ёғочланган, шоҳлари сертук ва тўрт қиррали. Барглари майда наштарсимон, бандлари калта, қарама-карши жойлашган. Гуллари майда, икки лабли бинафша — қизил рангда барг кўлтиқларидан чиқади. Меваси — коса барглари билан бирлашган 4 та ёнғокча.

Тоғжамбул Крим, Украина, Молдавия ва Краснодар ўлкаларида ўсади. Шифобахш қисми ўти (ўсимликнинг ер устки қисми) ҳисобланади.

Таркибида эфир мойи, сапонин (тритерпен)лар, урсол, олеанол, хлороген кислоталар, флавоноид ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида бу ўсимликдан бронхит касаллигига балғам кўчирувчи, гастрит, энтероколит касалликларида эса оғриқларни қолдирувчи, ел ҳайдовчи, эмизиқли аёлларда сутни кўпайтирувчи восита сифатида фойдаланишга тавсия этилади.

Абу Али ибн Сино ёзади: тоғжамбул — хаша сүгальларни сүрілтиради. Шиллик қаватдаги шишларни йүқотиша сиркага құшиб ишлатилади.

Илмий табобатда антисептик, яллигланишга қарши восита сифатида тери касалликларида, гепатит, холецистит, мейда-ичак касалликлари, бронхитлар, күйіттал, ларингит, трахеитларни даволашда ишлатилади.

Тоғжамбулдан олинадиган препараттар эфир мойи ва гален препаратлари стоматология амалиётида, стоматитларни даволашда дезинфекцияловчи дори сифатида ишлатилади. Эфир мойи тиіс оғриқиң қолдирувчи Гартман суюқлиги таркибига киради. Тоғ жамбулнинг таркибидаги эфир мойидан тимол олинади. Тимол стоматология амалиётида оғиз шиллиқ қаватини дезинфекция қылувчи ва оғриқ қолдирувчи сифатида ишлатилади.

**ОДДИЙ ТОГРАЙХОН (душица обыкновенная) — *Origanum vulgare L*** — ясноткадошлар — Laminaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 30-60 см.га етадиган кўп йиллик хушбўй ўт ўсимлик. Пояси тўрт қиррали, юқори қисми шохланган, барги тухумсимон, қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда, тўп гули. Меваси тухумсимон шаклда 4 та ёнгоқча.

Тоғрайхон Россиянинг Узоқ Шарқида, Марказий Осиёнинг тоғли ноҳияларида тепаликлар, қиялар, тошлоклар ва бутазорларда ўсади.

Ўзбекистонда майда гулли тоғрайхон (душица мелкоцветная) — *Origanum tyffthanthum Gosth* кўп тарқалган.

Табобатда ўсимликнинг ер устки қисми ишлатилади. Таркибида эфир мойи (тимол, карвакол), ошловчи моддалар, аскорбин кислота, фенол, карбон кислоталар, флавоноидлар ва бошқалар бор.

Халқ табобатида тоғрайхон дамламасини йұтал, нафас қисиши ва ўпка силида йұтални енгиллаштирувчи, балғам қўчирувчи восита сифатида ҳамда мейда-ичак касалликларини даволашда кўлланилади.

Абу Али ибн Сино тоғрайхон — марв — мармахур тўғрисида шундай ёзади: қуруғини асал билан құшиб қонталаш ва кўкарған жойга (гематомаларга), айниқса, қўз тагиларига суртилади.

Илмий тиббиётда тоғрайхон үтидан йұтал қолдирувчи, спазмларни (санчик) бартараф этишда, тинчлантирувчи, овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшиловчи, антисептик, яллигланишга қарши ва жароҳатларни битирувчи сифатида ишлатилади.

Стоматология амалиётида тоғрайхон препаратларидан оғиз шиллиқ қавати касалликларини даволашда, милклар қонаган-

да, жароҳатлардан қон кетиши тұхтатишда фойдаланылади. Дамламасини тайёрлаш үчүн 2 чой қошиқ майдаланған тоғрайхон устига 1 стакан қайнаб турған сув солиб, 15-20 минут дамлаб қўйилади. Сўнгра сузиб олиб, ярим стакандан 3-4 маҳал оғиз чайишга, ванночка қилишга ишлатилади.

Rp.: Inf. herbae Origani 200 ml

D.S. 1 ош қошиқдан 3 маҳал овқатдан 15 минут олдин ичилади, оғиз чайишга, ванночка қилишга ва жароҳатларга қўйиш үчүн ишлатилади.

Ундан ташқари оддий тоғрайхон таркибидаги эфир мойидан тимол моддаси олинади. Стоматология амалиётида тимол оғиз шиллик қаватини дезинфекция қилиш ва тиш оғригини қолдиришда ишлатилади.

Тимол тиш оғригини қолдирувчи Гартмон суюқлиги таркибига киради.

Rp.: Thymoli 1.25

Spiritus vini 96% — 1 ml

Aetheris sulfurici 2 ml

M.D.S. Гартман суюқлиги аппликацияси анестезия үчүн ишлатилади.

Тимолдан чукур кариесни даволашда доимий пломба остига оғриқсизлантирувчи, дезинфекцияловчи қатлам сифатида паста тайёрлаб қўйилади. Пульпит касаллигига оғриқни қолдириб, тиш нервини “ўлдириш”да маргимушга қўшиб қўйилади. Тиш каналларини пломба қилишда тимолдан паста тайёрланади.

**ОЛЧА (вишня обыкновенная) — Cerasus vulgaris L** — ръногулдошлар — Rosaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 3-7 м.га борадиган мевали дарахт. Барглари навбатма-навбат жойлашган, тескари тухумсимон, четлари тишли. Меваси — шарсимон, пушти, тўқ қизил рангда, думалоқ, сувли, нордон — чучук мазали.

Олча дарахти Украина, Волга бўйи, Шимолий Кавказ, Крим, Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда экилади. Бундан ташқари Россия, Ироқ, Афғонистон, Хитой, Япония, Англия ва жуда кўп мамлакаларда ўсади.

Шифобахш қисми меваси, шохлари, барги, илдизлари, гулбандлари ва елими ҳисобланади. Таркибида глюкоза, фруктоза, органик кислоталар (олма, лимон кислотаси), ошловчи моддалар, витамин А, С, PP, Р, Е ва В группа витаминлари, макро- микроэлементлар ва бошқи моддалар бор. Халқ табобатида олча жуда кенг миқёсда қўлланилади. Иштаҳани, овқат ҳазм

қилишни яхшиловчи, чанқовни қолдирувчи, ични юмшатувчи, балғам күчирувчи, антисептик, оғриқ қолдирувчи сифатида ва унинг дамламасини руҳий қасалликларда, эпилепсия (тутқаноқ)да қўлланилади.

Илмий тиббиётда ва стоматология амалиётида олча гулларидан дамланган чойи, шоҳларидан тайёрланган қайнатмаси ва баргларининг дамламаси оғиз шиллиқ қавати ва милклар яллиғланганида (стоматит, гингивит) ва оғиз қуйганида оғизни чайиш учун ишлатилади. Олча мевасининг эти ва ширасини эса стоматит, гингивит, жароҳатларни даволашда оғизни чайиш, ванночка қилиш ва олча шарбати ва дамламасини ичишни тавсия этиш мумкин.

**ОШЛОВЧИ СКУМПИЯ (скумпия кожевенная) — *Cotinus coggygria Scop*** — пистадошлар — *Anacardiaceae* оиласига мансуб бўлиб, бўйи 2-3 метрга етадиган дараҳт. Барги оддий тухумсимон ёки эллипссимон, устки томони туксиз, тўқ яшил, пастки томони тукли, кулранг — яшил рангга бўялган. Барги пояда банди билан кетма-кет жойлашган. Гуллари кўримсиз майда, яшил-оқ рангли бўлиб, рўвакка жойлашган. Меваси тескари тухумсимон, данакли мева.

Скумпия Кавказ, Крим ва Українанинг бошқа ҳудудларида қуруқ тошлоқ, кўпинча бўрли ва оҳакли тоғ қояларида, бугалар орасида, баъзан ўрмонларда ўсади. Россиянинг жанубий ҳудудларида ўстирилади.

Шифобахш қисми барги ва пўстлоғи ҳисобланади. Таркибида ошловчи моддалар, галлат кислота, флавоноидлар, эфир мойи ва бошқалар борлиги учун ошловчи, антисептик, яллиғланишга қарши, жароҳатларни битирувчи, оғриқни қолдирувчи таъсир кўрсатади. Тиббиётда скумпия баргининг қайнатмаси ич кетганида, иситма, безгакда, малҳам ҳолида қуйган жароҳатларни даволашда, йирингли яраларни ювишда ишлатилади.

Стоматология амалиётида скумпия препаратларидан стоматитлар, гингивитлар, оғиз қуйганида ва бошқа ҳар хил жароҳатларни даволашда ишлатилади.

Дориҳоналарда скумпиядан олинадиган препаратлар: танин ва Новикова суюклиги сотилади.

Rp.: Liq. Novicovi 200 ml

D.S. Оғизни чайиш, жароҳатларни ювиш учун.

Rp.: Sol. Tannini 1% — 500 ml

D.S. Оғизни чайиш ва жароҳатларни ювиш учун.

**ОҚ ҚАЛДИРМОҚ, КҮКА (мать и мачеха) -- *Tussilago farfara* L** — астрадошлар — Asteraceae оиласига мансуб бўлиб, узун судралиб ўсувчи, шохланган илдизпояли кўп йиллик ўт ўсимлик. Эрта баҳорда илдиз поядан гул ҳосил қилювчи бир нечта шохланган поя ўсиб чиқади. Поя лансетсимон ўткир учли, тангачасимон баргчалар билан қопланиб, учида гул тўплами саватчага жойлашган.

Ватани — Украина, Молдавия, Белоруссия, Болтиқ бўйи, Россиянинг Оврупо қисми, Кавказ, Сибирь, Марказий Осиё-нинг тоғлик ерларида, дарё ҳамда ариқ бўйларида, ўрмонларда, жарликларда ва горларда ўсади.

Шифобахш сифатида барги ишлатилади. Баргининг таркибида аччик гликозид, сапонин, галат, олма ва вино кислоталири, полисахаридлар, шиллик, ошловчи моддалар, С витамини, эфир мойи ва бошқа моддалар мавжуд. Гул саватчасида стеринлар, фарациол, флавоноидлар, рутин, С вигамини, эфир мойи, ошловчи модда ва бўёқ моддаси бор.

Халқ табобатида қадимдан шифобахш ўсимлик сифатида, ўйтални қолдирувчи, балғам кўчирунгич шишиланишга қарши, дезинфекция қилювчи, ингаҳони ғумингунчи, меъда-ичак қасалликларида, нафас ошин қилинчигандা, нафас қисганида ишлатилиди.

Абӯ Ани ғын Сино сийдиги «кука» — сувала барглари йирингли шишиларини сришишига (“пишишига”) имкон беради. Янги пайдо ғулланган шишиларни сўрилтиради.

Инний тиббиётда баргининг қайнатмасидан балғам кўчирувчи сифатида ишлатилади. Стоматологияда оғиз бўшлиғи шиллик қавати қасалликларида (стоматитлар, гингивит, пародонтитлар), унинг дамламаси, қайнатмаси ишлатилади. Янги барги ва гулининг майдалангани ёки шираси бу қасалликларда жуда яхши шифо бўлади.

**ПАХМОҚ ҚАРИҚИЗ (лопух (репей) войлочный, лопух большой) — *Arctium tomentosum* Mill** — астрадошлар — Asteraceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 60-100 см.гача борадиган икки йиллик ўт ўсимлик. Барглари катта тухумсимон, тукли, тишсимон қиррали бўлиб, пояси тик ўсади, юқори қисми шохланган. Гуллари бинафша ранг — қирмизи тусда, шарсимон саватчага йигилган, илмоқсимон, ўткир тирноклар билан қопланган. Меваси — тескари тухумсимон, учмали писта.

Пахмоқ қариқиз Россиянинг Оврупо қисмida, Кавказ, Фарбий Сибирь ва Марказий Осиёнинг боғларида, уйлар атрофи-

да, ўтлоқларда, нам ерларда, дарё ёқаларида, жарларда ва полизларда ўсади.

Шифобаҳш қисми барги ва илдизи ҳисобланади. Таркиби: илдизида инулин, протеин, гликозид, аччик ва ошловчи моддалар, эфир мойи, қанд, кумарин; баргидаги рутгин, органик кислоталар (вино, олма, лимон ва оксалат кислоталар) бор.

Халқ табобатида қариқиз илдизи ва барги сийдик ҳайдовчи, сутни күпайтирувчи (эмизикили аёлларда), конни "тозаловчи", яллиғланишга қарши таъсир күрсатувчи восита сифатида, меъда яраси, сурункали гастрит, қон кетганида, буйрактош касалликларида, ревматизм, подагра, йирингли яралар ва ўスマларни даволашда ишлатилади.

Илмий тиббиётда қариқиз илдизидан тайёрланган препаратлар ўт-сийдик ҳайдовчи, илдиз мойи эса соч тўкилишига қарши дори сифатида ишлатилади.

Стоматология амалийтида қариқиз илдизи ва баргининг дамлами ва қайнатмасини оғиз шиллиқ қавати касалликларида, яллиғланишга қарши восита сифатида ишлатилиши мумкин.

Дамламасини тайёрлаш учун майдалангандаги қариқиз барглари ёки илдизидан 1 ош қошиқда олиб, устига 1 стакан қайнаб турган сув солиб, усти берк идишда ярим соат дамлаб қўйилади. Сўнгра сузиб, кунда 4-5 маҳал оғиз чайилали ва ванночка қилинади, ёки куритиб майдалангандаги қариқиз баргидан усти берк идишга 1 ош қошиқда ва устига 2 стакан қайнаб турган сув солиб, 2-3 соат дамлаб қўйилади, сўнгра сузиб олиб ишлатилади.

**ПЕТРУШКА, ОДДИЙ ПЕТРУШКА (петрушка обыкновенная) — *Petroselinum crispum* (Mill) Nym** — селдердошлар — Apiaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 30-100 см. бўладиган бир ёки икки йиллик ўт ўсимлик. Илдизи дуксимон, баъзан йўғонлашган. Пояси тик ўсади, юкори қисми шохланган. Барглари патсимон қирқилган, пояси билан шохларида кетма-кет жойлашган. Гуллари сарғиш-яциш тусда, майдага мураккаб соябонга жойлашган. Меваси — кўшалоқ писта. Петрушка Марказий Осиёning ҳамма жойларида ош кўки сифатида экилади.

Шифобаҳш қисми меваси ва илдизи, камроқ барглари ҳисобланади. Таркиби: мевасида эфир мойи, ёғлар, флавоноидлар; баргларида эфир мойи, флавоноидлар, С витамины; илдизида ҳам флавоноидлар бор.

Абу Али ибн Сино петрушка — карафснинг ёввойисини сўгаллар ва совуқдан бўладиган ёрилишларига ишлатилади, — деб ёзади.

Халқ габобатида петрушка сийдик ҳайдовчи восита сифатида буйрак, буйрактош касалликларида ишлатилади. Бөгөн үсадиган тури оғизнинг ҳидини яхшилайды.

Илмий тиббиётда петрушка мевалари тиндирма (тинктура) күренишида ёки йиғма доривор таркибида буйрак ва юрак касалликларидаги шишларни кетказишида кучли сийдик ҳайдовчи восита тариқасида ишлатилади. Үндән ташқари цистит, овқат ҳазмининг бузилиши (гипоаңыз ғасиритларда) ва бачадондан қон кетишида ишлатилади.

Стоматология амалиеғида петрушканың янги олинган суви пахта пиликларга шимдиріб, гингивит касаллигини даволашда, юз-жар соҳасидан сүгаллар, сепкил ва дөғларни кетказыпда ишлатилиши мүмкін.

**ПИЁЗ, ОШПИЁЗ (лук репчатый) — Allium cepa L** — лоладошлар — Liliaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 1 м.гача етадиган пиёзбошчали кўп йиллик ўт үсимлик. Пояси йўғон, ичи ғовак, барги узун, учдор. Гуллари оддий соябонга тўпланган. Меваси кўсакча бўлиб, уруғи қора рангли, уч қиррали, буришган.

Пиёзнинг ватани жанубий-ғарбий Осиё бўлиб, у ҳамма ерда кўп микдорда ўстирилади. Шифобаҳш қисми пиёзбоши ҳисобланади. Таркибида сув, қанд, эфир мойи, фитонцидлар, азот модидалари, кальций, фосфор тузлари, лимон, олма кислотаси, А, В, В<sub>2</sub>, С, РР витаминлари, фитин, йод, органик кислоталар ва бошқалар бор.

Халқ табобатида пиёз қадимдан ҳозирги кунгача кенг ишлатилади. У терлатадиган, сийдик ҳайдайдиган восита сифатида, янги олинган пиёз суви (шираси) грипп, ангини, ичбуруғ, сурункали колит, бронхиал астмани даволашда, юздаги сепкил, ҳуснбузарларни йўқотиш учун ишлатилади.

Абу Али ибн Сино пиёз тўғрисида шундай ёзади: ошпиёз — расол уруғи дөғни кетказади. Уруғини туз билан кўшиб ишлатилса сўгалларни кўпоради.

Илмий тиббиётда пиёздан атеросклероз, гипертония, гиповитаминоzlар, айниқса С витамины етишмаганда, юқори нафас йўллари шамоллашида, меъда-ичак йўли ишининг бузилишида, сийдик ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади.

Грипп эпидемияси вақтида касалликнинг олдини олиш мақсадида ишлатилади.

Янги қирилган пиёзбошдан ажралган фитонцид моддалар бўғма (дифтерия) ва сил (туберкулёз) микробларини беш минутда ўлдиради. Пиёзни майдалаб, бўтқа ҳолида докага ўраб,

жароҳатларга қўйилса, оқаётган йирингни тўхтатиб, тозалаб, тезроқ битиради.

Стоматология амалиётида пиёзнинг бош пиёз ёки кўк пиёздан тайёрланган 2:10 нисбатдаги спиртли настойкаси (тиндирмаси) — Аллилчеп — Allilcerum ва 1:1 нисбатда тайёрланган глицеринли экстракти — Аллилглицер — Allilglycerum стоматит, гингивит, пародонтитларда ва бошқа жароҳатларни даволашда, яллигланишга қарши, бактериоцид ва тўқималар битишини тезлаштирувчи восита сифатида ишлатилади.

Rp.: Allilglyceri 100 ml

D.S. оғиз шиллик қавати касалланганда суркаш учун.

Rp.: Allilceri 50 ml

D.S. оғиз шиллик қавати касалланганда суркаш учун.

Пиёзбошини кўрда (ёки духофкада) пишириб, фурункул, карбункул (чиқонларга), яллигланишга инфильтратларга қўйиб боғланса, тез пиширади.

**ПИСТА (фисташка настоящая) — Pistacia vera L** — пистадошлар — Anacardiaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 5-7, баъзан 10 м.га етадиган дараҳт ёки бута. Барглари навбатмавнат жойлашган, юмалоқ-тухумсимон, текис қиррали, оч яшил рангли. Баргларида ўзига хос ўсимталар — бузгунчалар (галлалар) ҳосил бўлади. Гуллари майда, кўримсиз, гул кўрғони оддий. Меваси — тухумсимон, тўқ қизил рангли, курук данакли.

Писта Марказий Осиёнинг тоғли туманларидаи тошлоқ жойларда, ўрмон қияликларида, тоғ этаклари ва адирларда катта-катта пистазорлар ҳосил қилиб ўсади. Крим, Каиназ ва Марказий Осиёнинг тоғли туманларида ўстирилади.

Шифобахш қисми меваси, барги, бузгунчаси ва смоласи. Бузгунча таркибида ошловчи моддалар, С витамини, органик кислоталар ва ургуда ёғ бор.

Халқ табобатида пистадан меъда-ичак касалликлари (энтерит, колит ва ич кетар)ни даволашда, жигар касалликлари, ҳар хил қон кетишлар ва кувватсизликда фойдаланилади.

Писта баргининг бузгунчасидан танин моддаси олинади. Танин буриштирувчи, антисептик ва яллигланишга қарши таъсирга эга.

Илмий тиббиётда ва стоматология амалиётида 1-2% ли танин эритмаси оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларида, бурун, томоқ яллигланишида чайиш учун ишлатилади. Таниннинг 5-10% ли эритмаси, ёки глицерин ва йодли аралашмаси

оғиз шиллиқ қаватларига суртиш учун яра ва жароҳатларни даволашда ишлатилади.

Писта баргидан қайнатма тайёрлаш учун майдаланган писта баргидан 10 г. микдорда олиб, устига бир стакан (200 мл.) қайноқ сув солиб, 15 минут қайнатилади, совитиб докадан ўтказиб, оғиз чайища, ванночка қилишда ишлатилади.

Писта мағизини чайналса, тишларни мустаҳкаммайди ва оғизни хушбүй қилади.

**РОВОЧ, ТАНГУТ РОВОЧИ (ревенъ тангутский) — *Rheum palmatum L. Var. tanguticum Maxim*** — торондошлар — Polygonaceae оиласынан мансуб бўлиб, бўйи 1,5-2 м.гача етадиган кўп ииллик ут ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, йўғон, бўғинли ва кам шохли. Илдизпояси калта, йўғон 4-6 см. Ундан пас-шаш қарғаб йўғон, серсув илдизлар тарқалади. Баҳорда сершира илдизолди барглар ўсиб чиқади. Баргларининг диаметри 75 см., кенг, тухумсимон, туклар билан қопланган. Ровочнинг 20 дан ортиқ турлари бор бўлиб, гиббиёётда тангут ровочи ишлатилади.

Тангут ровочининг нағани. Еарбий Хитой ва Тибет тоғларидаги ўрмониғафурир Марказий Осиёдаги тоғларда ҳам ўсади. Ровоч ишлари ботаника боғларида ҳам ўстирилар эди. Ҳозир бу ўсимлик шантияцияларда экилади. Шифобаҳш қисми илдиз шохси ва илдизи ҳисобланади. Таркибида антрагликоизидлар, таноғликоизидлар, органик ва хризофан кислоталар, витаминалар, қанд, крахмал, смола, пектин ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида ровоч илдизи ва мевасидан тайёрланган қайнатма билан меъда-ичак, юрак касалликларини даволашда, ичдан қон кетишини тўхтатишда ишлатилади. Пояси, барг банди иштаҳа ва кўнгил очадиган маҳсулот сифатида истеъмол қилинади.

Абу Али ибн Сино ёзади: ровоч — риванд буриштирувчи хусусиятга эга. Сирка билан кўшиб суркалса, сепкил ва теридағи доғларга фойда қилади. Сирка кўшиб тайёрланган малҳам темираткига фойда қилиши мумкин.

Илмий тиббиётда ровоч препаратлари буриштирувчи ва сурғи таъсир кўрсатади. Ровочнинг гален препаратлари ўт ажралишини кучайтириб, яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади.

Стоматология амалиётида ровоч илдизидан тайёрланган қайнатма стоматитлар, гингивитлар, пародонтит касалликларида, милклар қонаганида буриштирувчи, бактериоцид ва қон тўхтатувчи сифатида ишлатилади.

Ровоч илдизпоясини чайналса ёки ширасини пахта пилик-ларга шимдириб милкларга қўйилса, милкларни мустаҳкамлайди, қон оқишини тўхтатади.

Қайнатмасини тайёрлаш учун 20 г. майдага килиб тўғралган янги ровоч илдизлари устига 200 мл қайноқ сув қўйиб, 15-20 минут қайнатилади. Совигунча дамлаб қўйилади, сўнгра сузуб олинади. 1-2 ош қошиқдан 3-4 маҳал ичилади. Оғиз чайиш ва ванночка қилиш учун ҳам ишлатилади.

Дорихоналарда ровоч препаратлари таблетка, порошок ва куруқ экстракт ҳолидা сотилади.

**САРИМСОҚ ПИЁЗ (чеснок посевной) — *Allium sativum L* — лолагулдошлар — Liliaceae оиласига мансуб бўлган, кўп йиллик ўсимлик.**

Ватани жанубий Осиё бўлиб, саримсоқ пиёз барча ўлкаларда кўплаб ўстирилади. Пиёзбошиси кўп бўлакли, тухумсимон ёки ясси-шарсимион, оқ ёки қизғиш-бинафша рангли пўст билан қопланган. Пояси тик ўсувчи, цилиндрсимион, барглари чизиқсимион, ўткир учли. Гуллари майдага, оч-яшил рангда соябонга тўпланган. Меваси кўп уруғли кўсак. Шифобахш қисми пиёзбошисидир.

Таркибида аллиин бирикмаси, эфир мойи, С, Д витамини, фитонцидлар, фитостеринлар, ёғ, оз миқдорда йод, калий, кальций, натрий, магний ва бошқа моддалар бўлади.

Халқ табобатида саримсоқ пиёз қадимдан жуда кўп касалликларда: безгак, вабо, ўлат эпидемиясида профилактика мақсадида, дизентерия, қорин тифи, тери касаликлиарида, подагра ва бошқаларда кенг фойдаланилган.

Абу Али ибн Сино саримсоқ — сум ҳақида шундай ёзади: таъсири юмшатувчи, сўрилтирувчи ва чипқонларни ёради. Қайнатмаси ёки қовурилгани тиш оғригини босади. Қайнатмаси билан оғиз чайиш, айниқса бухур билан аралашмаси ҳам тиш оғриғида фойда қиласди. Агар унинг кулини асал билан қўшиб суртилса, юздаги дөғни ва кўз остидаги қонталлаш (гематома)ни кетказишил фойда қиласди.

Илмий тиббиётда саримсоқ настойкаси атеросклероз, гипертония, ўпка сили, колит, йирингли яраларни даволашда, гинекология амалиётида, гижжаларни (острицаларни) туширувчи восита сифа ишлаб фойдаланилади.

Саримсоқ пиёз бактериоид хоссасига эга, қайнатмаси иштакча очувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи, сийдик ҳайдовчи, антисептик таъсирга эга.

Стоматология амалиётида тиш оғриганда ишлатилиши мүмкін.

Баъзи манбаларга қараганда “тиш күчли оғриганда тиш қавагини овқат қолдикларидан тозалаб, чеснокни майдалаб эзіб бүтқа ҳолига келтириб, бир оз туз құшиб тиш қавагига құйиб пахта билан беркитилса бироз вақт үтганидан сүнгі оғриқ пасаяды”.

Тозалаб құрга күмиб ёки дугофқада пиширилған саримсоқ пиёзни юз-жәф соҳаси терисидәгі чипқон (фурункул ёки карбун-кулларни) оғригини қолдирин ёки етилишини (“пишишини”) тезлатыш учун ёки сүрилтириш үчүн унга құйиб боғланади.

**СЕДАНА (чернушка посевная) — *Nigella sativa* L** — айкитоңондонар — Ranunculaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 40 см-га борадиган бир йиллик ўсимлик. Поялари тўғри ўсади, барглари патсимон қирқилган. Гуллари анча йирик, оч мовий рангда. Меваси понасимон шакидаги қоп-қора қиррали уруғ.

Седана Россиянинг Овруно қисмининг жанубида, Марказий Осиёнинг балык жойларида ёввойи ҳолда ўсади ва экилади.

Шифобихи қисми уруғи ҳисобланади. Таркибида ёғлар, хүшүй хиджэ эфир мойи, С витамини, флавоноидлар, гликоцидлар, минерал моддалар ва бошқа бирикмалар бор.

Халқ табобатида седана уруғларидан тайёрланган дамламани тиш оғриғида, меъда, юрак оғриқларида, сийдик, гижжа ҳайдовчи, шамоллаш, томоқ оғриғига, эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтирадиган восита сифатида, бавосир касаллигини даволашда ишлатилади.

Абу Али ибн Сино ёзишича, седана — шунизий кечкурун сиркага ивитиб, эрталаб уни янчиб бурунга қўйилса ёки ҳидланса, ғалвир суюги шамоллаганды тиқинларни очади. Юз нерви фалажида фойда қиласи. Сиркага қўшилган қайнатмаси билан оғиз чайлеси, тиш оғригини босади. Седана осилиб турувчи сўгалларни, хол ва пес доғларини даволашда ёрдам беради.

Илмий тиббиётда седана ўтидан тайёрлнган дамламанинг юрак ишини яхшилаши ва сийдик-тош касаллигига фойда бериши аниқланган.

Стоматологияда седана дамламасининг тиш оғриганида фойда бериши тўгрисида маълумотлар бор.

Дамламани тайёрлаш учун 1 чой қошиқ седана устига 1 стакан қайнаб турган сув солиб, 1 соат давомида дамлаб қўйила-

ди, сүнгра докадан ўтказиб оғиз чайилади, ванночка қилинди. Юздаги сүгал ва доғларни кетказиш учун майда янчилган седана уругини 1:10 нисбатда вазелин ёки мол ёғида аралаштириб, малҳам қилиб суркалади.

**ТИЗМАГУЛ (вербена лакарственная) — *Verbena officinalis* L.** — тизмагулдошлар — Verbenaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 30-70 см.га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, шохланган. Барглари тухумсимон ёки чизиқ наштарсимон, четлари патсимон қирқилган, бандсиз, қарама-қарши ўрнашган.

Гуллари — майда, оқиш, беш бўлакли. Меваси 4 та ёнгоқقا ажраладиган қуруқ мева.

Тизмагул Марказий Осиёning барча жумҳуриятларида, тоғ этаклари, тоғларда, соя-салқин жойларда, ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, боғларда ва экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Шифобахш қисми ўти (ер устки қисми) хисобланади.

Таркибида гликозидлар, сапонинлар, алкалоидлар, камфора ҳидли эфир мойи ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида тизмагул бош оғрифи, камқувватлик, жигар касалликлари, чигқон, фурункулёзларни даволашда қўлланлади.

Илмий тиббиётда лат еган жойларни даволаш, жароҳатларни ювиш ва даволашда ишлатилади.

Стоматология амалиётида юз-жаг соҳасидаги фурункул, карбункул, яра ва жароҳатларни ювиб даволашда тавсия этилади.

Фурункул, карбункулни ва лат еган жойларни даволаш учун тизмагул баргларини сувда қайнатиб олиниб, иссиқ ҳолда қўйиб боғланади ёки майда қилиб янчилган баргларини тухум оқи ва арпа уни қўшиб, малҳам қилиб қўйилади.

**ТЕМИРТИКАН (якорцы стелющиеся) — *Tribulus terrestris* L.** — тутовондошлар — Zygophyllaceae оиласига мансуб бўлиб, ётиб ўсувчи, бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, узунлиги 10-100 см, баъзан 300 см.га етади. Барглари жуфт патсимон қирқилган, қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда сарик рангли, беш бўлакли, якка-якка барг қўлтиғида жойлашган. Меваси — учбурчак, 2-4 тиканли қаттиқ ёнгоқча.

Темиртикан Марказий Осиё, Кавказ, Қозогистон, Россия-нинг жанубида дашгиларда, ярим чўл тепаликларда, сойларда, дарёларнинг балканиң қирғоқларида, темир йўл ёқаларида ўсади.

Шифобахш қисми ўти ҳисобланади. Таркибида сапонин, алкалоид, С витамины, бүёқ, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида атеросклерозни даволашда, буйрак ва қовук тошларни майдалашда, гипоацид гастрит (мөйда шираси камайганда) ларни даволашда ишлатилади.

Абу Али ибн Сино ғемиртикаан — хасак тиш милкларининг ҳилланған яралариға яхшидир — деб ёзган.

Илмий тиббиётда ғемиртикаан ўтидан олинадиган грибуспонин препарати атеросклероз, юракнинг инемия касалиги ва гипертонияни даволашда ишлатилиди.

Стоматология амалиётида ғемиртикаан ўтидан олинган ширасини асал билан қўниш, ярални некрозни ҳидланган стоматит ва гингивитларни даволашда ишлатиш мумкин. Бунинг учун тени миқдоруда ширасини асал билан аралаштириб, дока ёки пахта пиликларга сурказ, милкларга қўйилади, оғиз артилади.

**ТОК, УЗУМ (виноград культурный) — *Vitis vinifera* L —** узумдошлар — Vitaceae оиласига мансуб бўйниб, бўйи 30-40 м.га етадиган жингалаклари ёрдамида дараҳларга осилиб ўсувчи, кўп йиллик ўсимлик. Ток заненини пўстлоғи жигарранг тусда, новдалари бўйим бўлиб ўсади. Барглари уч ёки беш бўлакли, бандли. Гуллари майда, кўримсиз тўғугул ҳосил қиласди. Мевасининг гузилиши рангли, мазаси турлича бўлган сершира ҳўл мева.

Ток Марказий Осиёнинг ҳамма жумхуриятларида, жанубий Козогистон, Болгария, Венгрия, Украина ва Кавказ ўлкаларида кенг миқёсда ўстирилади. Шифобахш қисми мевалари, барглари. Таркибида қанд, сахароза, органик кислоталар, В ва С витамины, флавоноидлар, ошловчи моддалар, баргларида қанд, С витамины, каротин, олма кислотаси, ошловчи моддалар, кверцетин, холин ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида узум буйрак, қовук, жигар, юрак, мөйдаичак касалликларни даволашда, қон тўхтатишида, томоқ оғришида ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади.

Манбаларга қараганда илмий тиббиётда узум қувватсизликда, камқонликда, модда алмашинуви бузилганда, сурункали бронхит, сил касаллигига ишлатилади. Узум барглари антисептик, шамоллашга қарши, қон тўхтатувчи ва жароҳатларни битирувчи таъсир қилгани учун унинг дамламасидан ангинада томоқни чайиш учун, жароҳатларни ювиш ва қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади.

Стоматология амалиётида узум баргининг қайнатмаси, узум ғўрасининг сувидан стоматит, гингивитларни даволашда, жароҳатларни ювишда ишлатилиши ҳақида маълумотлар бор.

Кузда ток кесилганды, ундан оқадиган сувдан (яни токнинг “күз ёши”) юздаги сүгалларни ва қонталашни (гематома-ни) кетказышда фойдаланилади.

**ТОЛ ТУРЛАРИ (виды ивы) — *Salix species*** — толдошлар — Salicaceae оиласига мансуб үсүмликтар түркүмінде киради. Унинг 300 дан ортик тури маълум. Шулардан 22 та хили Марказий Осиёда үсади. Толнинг новдалари майин, эгилувчан, барглари лансетсимон, учли. Тол турли вактда, баъзилари барги ёзилгунча, бошқалари барги ёзилиб бўлгандан сўнг ёки барг ёзилиши билан бир вактда гуллайди. Меваси қўсакча.

Толлар водийларда, дарё, кўллар атрофида, ўрмон ёқала-рида, аралаш ўрмонларда үсади. Ўзбекистоннинг ҳамма ви-лоятларида манзарали даражат сифатида экилади.

Шифобахш қисми пўстлоги ва барги ҳисобланади. Тарки-бида ошловчи моддалар, салицин гликозиди, С витамины ва флавоноидлар бор.

Халқ табобатида тол пўстлогининг шираси, дамламаси ва қайнатмасидан беззакка қарши, иситма туширувчи, терлатувчи, гижжага қарши, буриширувчи, қон тўхтатувчи, антисеп-тик, жароҳатларни битирувчи ва тинчлантирувчи восита си-фатида фойдаланиб келинган. Масалан, Марказий Осиёда тол баргларини офтоб урганда ишлатишган (беморнинг офтоб ур-ган ерларига баргларни ёпиб даволашган).

Немис халқ табобатида тол барги ва ширасидан (пўстлоги-ни) ревматизм, подагра, юздаги нерв оғриқларига қарши (не-врит, невраплегия) ишлатилган. Жароҳатиардан қон кетганида пўстлогининг (куригиб майдаланган куқунини) порошогини се-ниб қон тўхтатицида ишлатилган.

Абу Али ибн Сино ёзади: тол — гарабни гули ва баргидан сиқиб олинганды суви ачиштирамасдан, қуритувчи воситалар қато-рига киради. Тол кулини сирка билан кўшиб суртилса, сўгалларни кўчиради ва учукларни кетказади. Тол пўстлоги ва бар-гини қуритиб, майдалаб кесилган, тилинган ва янги жароҳат-ларга сепилса фойда килади.

Оғриқларни қолидириш учун тол пўстлоқ куқунидан 1 г.дан кунда 3 маҳал ичиши тавсия этилади, жароҳатлардан қон оқканда, қон тўхтатиши учун сегилади. Чукур яраларни даволашда толнинг пўстлоқ шираси ва баргини қуритиб боғланади.

Тол пўстлоғидан тиббиётда ишлатиладиган салицин оли-нади.

Стоматология амалиётидә тол пўстлоғи қайнатмасидан оғиз шиллиқ қавати касалниклари (стоматитлар, гингивитлар) ни

новдалар чиқаради. Меваси — қора рангли думалоқ уруғлари бўладиган кўзок.

Турп Ўзбекистоннинг дёярли ҳамма ерларида экилади. Шифобахш қисми илдиз мевалари. Таркибида уй левод, гликозидлар, азотли экстратив моддалар, ёғлар, фитонцидлар, С, В ва А витамини, минерал тузлар, олгини угурт, хлор, йод, лизоцим ва рафанаł кристали мөдуси бор.

Халқ табобатида турп мевда ширасини оширувчи, иштахани кўзнатувчи, мевда-ичак фаолиятини фаоллаштирувчи, буйракдаги қум ва тошларни эритиб, оғриқни пасайтирувчи ва анти-септик, сийдик ва ўт хайдовчи восита сифатида ишлатилади.

Шунингдек бронхитлар, кўйкўтап, упқи сили, қон туфлаш ва қандли диабетда буюриллади.

Абу Али ибн Сино турп фуджл тўнрисида шундай ёзади: турпни маслак (ути) уни ва асан билан кўшиб малҳам сифатида кўйинса, кузостилини конталаш (гематома), уруғи эса жароҳи (травма) налижасида кўкарган қонталашларни, сепкил на таънига додларни кетказиша фойда қиласди.

Илмий тиббиётда ўт-тош касаллигининг олдини олишда, гепатит, жигар циррози, холецистит касаллilikларида истеъмол қилиш тавсия этилади.

Стоматология амалиётида турп сувини ва майдага қирқилган этини юз-жағ соҳасидаги йирингли жароҳатларни даволаш учун ишлатилади. Уч тармоқли нервнинг неврит ва невралгиясида турп сувини суркалса ва компресс қилинса фойда қилиши мумкин.

**ХАНТАЛ, САРЕПТ ХАНТАЛИ (горчица, горчица сарептская) — *Brassica juncea* L** — карамдошлар — Brassicaceae оиласига мансуб бўлиб, бир йиллик, бўйи 40-50 см.га етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, шохланган, туксиз, пояси ва шохларидаги барглари кетма-кет жойлашган. Гуллари сарик, пояси билан шохлари учидаги шингилга тўпланган. Меваси цилиндрисимон, устки томони ғадир-будир, кўп уруғли, пишганда очиладиган кўзок.

Ханталнинг айрим турлари Волга бўйи туманларида, шимолий Кавказ, Белоруссияда ўстирилади. Сарепт хантали Марказий Осиёнинг айрим районларида, Қирғизистонда ўстирилади ва улар бегона ўт сифатида экинзорларда, йўл ёқаларида ва аҳоли яшайдиган ерларда ўсади.

Шифобахш қисми уруғи ҳисобланади. Таркибида ёғ, синегрин гликозиди, мирозин ферменти, оқсил моддалар ва бошқалар бор.

Халқ табобатида хантал уруғи иштаха очувчи восита сифатида, хантал барглари эса одам заҳарланганида ишлатилади.

Меъда-ичак касалликлари, меъда раки, нафас органлари касалликларида хантал баргларидан тайёрланган қайнатма ва дамламалар буюрилади.

Абу Али ибн Сино хантал — хардал тўғрисида шундай ёзади: таъсири шилликни суғуриб (сўриб) олувчи, тозаловчи, сўрилтирувчи (рутубатлардан тозалайди). Юздаги қонталаш, кўкарған (гематома) ларни кетказади. Унинг сувини тиш оғриғида томизилади.

Илмий тибиётда хантал кукунидан қон айланиш, нафас олишни яхшиловчи, балғам кўчирувчи ва терлатувчи шифобаҳш ванна сифатида фойдаланилади.

Хантал меъда шираси ишини кучайтириб, иштаҳани очади, яллиғланишга қарши антисептик таъсир кўрсатади.

Ички органлар (ўпқа, бронхлар) тури касалликларида ханталдан тайёрланадиган горчичниклар ва хантал эфир мойининг спиртли эритмаси кўп ишлатилади. Бу препаратлар кўйилган жойга рефлектор йўл билан таъсир қилиб, касал органларнинг қон билан таъминланишини ва нерв тизимининг трофиқ функциясини яхшилади, оғрикни камайтиради. Хантал спирти радикулит, ревматизм, неврит, невралгия, миозит ва шамоллаш касалликларида қўлланилади.

Стоматология амалиётида хантал микробларга қарши, оғрикни қолдирувчи таъсир кўрсатани учун, тиш оғриғида, учтармоқли нервнинг неврит ва невралгия касалликларида, чакка-пастки жағ бўғими шамоллаш (артрит)ни даволашда тавсия этилади.

Тиш оғриганда, тиш қавагидан овқат қолдиғларини олиб ташлаб, хантал суви томизилади ёки паҳтага шимдириб қўйилади.

Компресс қилиш учун 1 чой қошиқ хантал кукуни 1 стакан илиқ сувга қориширилади ва унга дока ҳўллаб, касал жойга 5-10 минут кўйиб қўйилади.

Хантал қофозлари ва 2%ли хантал эфир мойининг спиртли эритмаси дорихоналарда сотилади.

**ХИНА (хна) — *Lawsonia inermis* L** — литрумдошлар — Lythraceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 2,5 м.гача борадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси 4 қобирғали, кучли шохланган. Барглари бироз учли, тухумсимон, четлари текис, ялтироқ бўлиб, поядга бандсиз қарама-қарши жойлашган. Гулларнинг диаметри 1 см атрофида бўлиб, гултупни ташкил қиласи. Меваси — 4 хонали чаноқ.

Хинанинг бир йиллик түри ҳам бор.

Хинанинг ватани Мадагаскар ороли, Африканинг шарқий соҳиллари ва Австралиянинг шимолий районлариридир. Ҳозир-

ги вақтда хина Хиндистон, Эрон ва Озарбайжонда маданий ҳолда етиширилади.

Хинанинг асосан баргидан фойдаланилади. Таркибида лав-зон бўёқ моддаси бор.

Халқ табобатида ундан қабзиятга қарши, ўт йўлини тозаловчи омил сифатида фойдаланилади.

Абу Али ибн Сино ёзди: хина — хинна қайнатмаси шиллик қаватда бўладиган шиншилга фойда қилади. Оғиз чақаланишида ва яраларди фойда қилади. Илдизи билан узум сиркасини аралаштириб юзга суртилса, теридаги доғ ва сенкилпайдан холос бўлишга ёрдам беради.

Илмий тиббиётда хинанинг баргидан соч тўкилишанда, экзема ва тери касалликларида фойдаланилади. Гули эса асаб бузилганида ишлатилади. Тортишин касалликларида кўйила-диган малҳамлар таркибига кирди.

Стоматология амалиятларда хинанинг дамламасидан стоматитларни давонанидиги (оғиз яраларида, чақаланишда) фойда бериниш мумкин.

Дамлакамини таънерлаш учун 2 чой қошиқ қуритилган хинанини ғарги устига 1 стакан қайнаб турган сув солиб, 1 соат липомидга дамлаб қўйилади, сўнгра докадан ўтказиб, оғиз чайинида.

**ЧАКАНДА, ЖУМРУТСИМОН ЧАКАНДА (облепиха, обле-  
пиха крушиновидная) — *Nyssophea rhamnoides* L** — жийда-  
дошлар — Elaeagnaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 4-6 м.гача  
бўлган бута, пояси сершох, тиканли бўлиб, пустлоги қўнғир  
яшил рангда. Барглари оддий чизиқсимон, калта банд билан  
кетма-кет жойлашган. Гуллари кўримсиз. Меваси — думалоқ  
кизғиши-сарик, серсув, данакли.

Чаканда Россиянинг Оврупо қисми, Кавказ, Қозогистоннинг жанубий томонлари, Марказий Осиёнинг барча жумҳуриятларида дарё, кўл, денгизларнинг шағалли, кумли қирғоқларида, текислик ва тоғлардаги тўқайзорларда ўсади.

Апрел-май ойларида гуллайди ва август-сентябрь ойларида меваси пишади. Шифобаҳш қисми сифатида меваси ва ундан олинадиган мойи ҳисобланади.

Таркибида C, B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, E витамини, каротин ва каротиноид, органик кислоталар, глицеридлар, олеин, линол, пальметин, стеарин кислоталари, ошловчи ва хлорофилл моддалар бор. Чаканда витаминлар манбаи ҳисобланади.

Халқ табобатида чаканда мевалари яра-жароҳатларни битиралидиган, оғриқ қолдирадиган, цингани даволашда ишлатилиб келинадиган восита ҳисобланади.

Илмий тиббиётда чаканда шираси, дамлама, қайнатма, настокаси ва мойиavitaminoz, гиповитаминоз, цинга касаллигиде, кизилұнгач, меъда, ўн икки бармоқли ичак яраларида, тери ва гинекология касаллукларида, тузалиши-битиши қийин бўлган яраларни даволашда ишлатилади.

Стоматология амалийётида оғиз шиллиқ қавати касаллуклари: стоматитлар, гингивитлар, пародонтитлар, ҳар хил ярачақалар, ёриқлар, эрозиялар, тошмалар ва бошқа жароҳатларни даволашда ишлатилади. Чаканда мойи дока ёки пахта болишчаларига (пиликка) шимдириб милкларга кунда ярим соатдан 10-15 кун қўйилади.

Rp.: Olei Hippophaeae 100 ml

D.S. Оғиз шиллиқ қаватига кунда 3-4 маҳал суркаш ёки апликация қилиш учун.

**ЧОЙ, ХИТОЙ ЧОЙИ (чай китайский) — *Thea sinensis* L —** чойдошлар — *Theaceae* оиласига киради. Чой бўйи 10 м.га етадиган доим яшил бута ёки дараҳт. Барги оддий, қалин, ялтироқ, эллипссимон, нотекис тишсимон қиррали, пояда кетмакет ва гуллари якка-якка 1-3 тадан барг қўлтиғига жойлашган.

Меваси уч чанокли, учта уруғли, пишганда очиладиган кўсак.

Ватани — Хитой, Ҳинди Хитой, Африканинг баъзи туманларида, жанубий Америка ва бошқа тропик ва субтропик мамлакатларда ўстирилади. Шунингдек чой плантациялари Грузия, Озарбайжон, Украинанинг жанубида (Крим вилояти) ва Краснодар ўлкаларида ташкил этилган.

Шифобаҳш қисми барги ва шохлари ҳисобланади. Таркибида кофеин, теофиллин, теобромин алкалоидлари, ошловчи моддалар, флавоноидлар, фосфорли органик бирикмалар, темир ва марганецли нуклеопротеидлар ҳамда витамин Р, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, K<sub>1</sub>, никотин ва пантотен кислоталар, эфир мойи ва фтор моддаси бор.

Ўзбек халқ табобатида чойдан ич кетиш, бош ва тиш оғрикли, шамоллаш, қон босими, юрак хасталиги, буйрак ва жигар касаллуклари, овқат ҳазм қилиш органларининг издан чиқиши сингариларини даволашда ҳамда иштаҳани қўзғатувчи восита сифатида қўлланилган.

Чой кишининг ақлий ва жисмоний иш қобилиятини ошириб, юрак ишини кучайтиради. Бош мия, юрак, жигар ва буйрак қон томирларини кенгайтиради. Нафас олиш органларига ижобий таъсир этади, ақлни пешлайди, қонни тозалайди. Баргидан шишларга қўйиб боғланса бўлади. Совуқ чой билан фасодли яра-чақа, шапоғлашган кўзлар ювилса фойда қиласди.

Стоматологияда оғиздан келадиган күланса ҳидларни йўқотишида ишлатилади. Иссик чойга туз кўшиб оғиз чайилса, милклар шамоллаганда (гингивит) фойда қиласди. Совутилган чой билан йирингли яра-чақаларни ювиш мумкин. Баргидан юздаги шишларга қўйиб боғланса, шишларни қайтаради.

Чой кўпроқ истеъмол қилинганда тишларни сарғайтиради, лекин таркибида фтор мөддаси борлиги туфайли тишни кариесдан (тишини “қурғ ейиншан”) асраш тўғрисида маълумотлар бор.

Чойни гайёрлаш учун ярим литр ҳажмдаги чойнакни қайнаб турган сувда чайиб ташлаб, 1 чой қошиқда кўк ёки қора чой солиб дамланади ва устини сочиқ билан ёниб қўйилади, 3-6 дақиқадан сўнг ичилади. Оғиз чайишта, яра-чақаларни ювишда шу чойни совутиб ишлатилади.

**ШИРЧОЙ (гравилат городской) — *Geum urbanum* L —** раънгогулдошлилар — Водосея оиласига мансуб бўлиб, бўйи 30-60 см га таъдиган кўп ииллик ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, юқори қисми шохлинига, эвренол ҳиди келади. Илдизолди тўлбаргларит у тун ғанини, тухумсимон, ромбосимон, тишсимон қиррали, поясидан барғлари майдароқ, уч бўлакли, бандсиз кетма-кет ўришсан. Гуллари оч сарик, оқ ёки қизғиши рангли, беш бўлакли, якка-якка жойлашган. Меваси — мураккаб писта.

Ширчой Россиянинг Оврупо қисмидаги, Кавказ ва Марказий Осиёнинг тоғли районларида, тоғ ёнбағирларида, тоғ ўрмонларида, бутазорларда ва боғларда ўсади.

Шифобахш қисми — ўсимликнинг ҳамма қисми, шу жумладан илдиз, илдизпояси ҳисобланади. Таркибида гликозидлар, ошловчи моддалар, аччик моддалар, смола, эфир мойи, органик кислоталар, витаминалар ва бошқалар бор.

Халқ табобатида ширчой балғам қўчирувчи, қусишга қарши, тинчлантирувчи, қон тўхтатувчи, оғриқсизлантирувчи, яллигланишга қарши, жароҳатларни битирувчи восита сифатида ишлатилади.

Илмий тиббиётда ер устки қисмидан тайёрланган дамлама, илдизпояси ва илдизидан тайёрланган қайнатма меъда-ичак, жигар, ширинча, цинга, иситма, ангина ва қон оқишини тўхтатиш учун ишлатилади.

Стоматология амалиётида оғиз шиллиқ қавати касалликларини, яраги — неврозли гингивостоматитларни даволашда, милклар қонағанда қон тўхтатиш воситаси сифатида ишлатилади.

Дамламасини тайёрлаш учун 1 чой қошиқ янги майдаланган ўсимлик ёки илдизи-поясининг устига 1 стакан қайнаб турган сув солиб, усти берк идишда дамлаб, 2 соатдан сўнг сузиз олиб, оғиз чайишда ишлатилади.

**ШОВУЛ (щавель кислый) — *Rumex acetosa* L** — торондошлар — Polygonaceae оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик ўт ўсимлик.

Шовул Марказий Осиёда, Россия худудларида ўтлоқларда, ўрмонларда, боғларда, полизларда ўсади ва ўстирилади.

Шифобахш қисми барги ва илдизи ҳисобланади. Таркибида шовул кислота, оксалат кальций тузи, жуда кўп микдорда С витамини, оқсил ва темир моддаси бор.

Халқ табобатида шовулдан ҳар хил қон оқишини тўхтатувчи, оғриқни қолдирувчи, буриширувчи, заҳарга қарши, антисептик, жароҳатларни битирувчи ва цинга касаллигига қарши дори сифатида ишлатилади.

Абу Али ибн Сино ёзади: шовул — хуммад икки хил бўлади, боғ шовули ва ёввойиси. Ёввойиси кучлироқ. Баргини илдизи билан боғланса, юздаги шишларни ва ҳуснбузарларни сўрилтиради. Янги сиқиб олинган шираси ва шовулнинг қайнатмаси билан оғиз чайилса, тиш оғриганда ёрдам беради.

Стоматология амалийётида шовул шираси ва қайнатмасидан оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларини даволашда, милклар қонағандан ва яра-чақаларни битирувчи восита сифатида фойдаланилади.

Қайнатмасини тайёрлаш учун: 1 ош қошиқда янги майдалangan шовул барги устига 2 стакан сув солиб, 15 минут қайнатилади, 2 соатдан сўнг сузиб, оғиз чайиш учун ишлатилади. Ёки янги майдалangan шовул илдизидан 1 ош қошиқда олиб, 1,5 стакан сувда 15 минут қайнатилади, 2 соатдан сўнг сузиб, оғиз чайиш учун ишлатилади. Янги сиқиб олинган шовул баргининг ширасини дока ёки пахта пиликка шимдириб милкларга кўйилади.

**ШОТУТ (тут чёрный) — *Morus nigra* L** — тутдошлар — Moraceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 15 м.гача етадиган даражат. Пояси қизгиш кўнғир пўстлок билан қопланган. Барглари юраксимон, йирик тишли, банди ёрдамида шохчаларда кетма-кет жойлашган. Меваси қора ёки қора-бинафша, сершира тўп мева.

Шотут бизнинг жумхуриятимизда кўплаб экилади. Шифобахш қисми меваси ва барги ҳисобланади. Таркиби: мевасида қанд, органик кислоталар, оқсил, пектин, С витамини, бўёқ моддалар; баргига флавоноидлар, гликозидлар, эфир мойлари, углеводлар, органик кислоталар, ошловчи, бўёқ ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида шотут мевасидан камқонлик касаллигыда, С витамины етишмовчилегида, қон босимини туширишда ишлатиласы.

Абу Али ибн Сино ёзади: тут дарахти — тус буриштирувчи ва совитувчи таъсир қиласы. Нордон тут оғиздәги шишиларни қайтаради. Қуюқ пиширилгандык шираси оғиздәи и чақаларга фойда қиласы. Илдизининг қайнатмаси тишини қимирлағади (құғратади). Баргининг суви билан оғиз чайқаса, тиши оғриғига фойда қиласы.

Илмий тибиёттә янги баргининг шираси ангинани даволашуда, меваси бүгін, қызилча, иситма, сийдик ҳайдовчи, жигарылғанда үт көпін касаллукларни даволашда ишлатиласы.

Стоматология амалиёттә шотутнинг янни бағыт шираси ва мевасининг дамламаси билан оғиз шишил құннаты яллиғланғанда, милклар қонағанда оғизни чайини, ваниночка қилиш тавсия этилады.

**ЭВКАЛИПТ ТУРЛАРИ** (виды эвкалипта) — *Eucalyptus species* миртадоңдар Myrtaceae оиласига мансуб бўлиб, буин 150 м гача баландликдаги доим яшил дарахт. Барглари яшінегимен, қидни йуллари барг қўлтиғига жойлашган.

Эвкалипт Австралия, Кавказ, Украина, Краснодар ва бошта + оларда үсади. Эвкалипт тез ўсуви, кўп сув талаб қилувчи дарахт бўлганидан, боткоқликларни куритиш ва безгакни ишқотиш мақсадида экиласы.

Шифобаҳш қисми барги ҳисобланади. Таркибида эфир мойи, ошловчи моддалар, смола, органик кислоталар ва бошқалар бор. Эфир мойи таркибининг 80 % ини цинеол ташкил қиласы.

Халқ табобатида қайнатмаси ва настойкасидан безгакни, ўткир меъда-ичак касаллуклари, шамоллаш, грипп касаллукларида балғам кўчирувчи ва антисептик, оғриқсизлантирувчи восита сифатида фойдаланилади.

Илмий тибиёттә дамламасидан ва эфир мойидан нафас олиш йўллари ва ўпка шамоллаганда ингаляция қилишда, йирингли яраларни юваб даволашда ва ҳоказоларда ишлатиласы.

Стоматология амалиёттә антисептик, яллиғланишга карши, қон тўхтатувчи, яра ва жароҳатларни битказувчи сифатида эвкалипт барги дамламаси, қайнатмаси, настойкаси ва эфир мойлари стоматитларни, гингвит, пародонтит касаллуклари ва бошқа жароҳатларни даволашда ишлатиласы.

Дамламасини тайёрлаш учун эвкалиптынг 10 г. майдалангандык баргини 1 стакан қайнаб турган сувга солиб, ёпиқ идишда 2 соат дамланади, сўнг оғиз чайишда ишлатиласы.

Қайнатмаси қўйидагича тайёрланади: 30 г. эвкалипт баргини 1 стакан сувда аралаштириб туриб, 30 минут паст олов-

да қайнатилади, сүнг 1 литр қайнатилған илик сув солиб ара-лаштириб, оғиз чайишда, жароҳатларни ювишда ишлатилади ёки 2 чой қошиқда эвкалипт баргини олиб 1 стакан сув солиб, қайнагандан сүнг 1-2 минут яна құшимча равишида қайнатила-ди, совутиб оғиз чайишда ишлатилади.

Rp.: Inf. folii. Eucalypti 200 ml.

D.S. Оғиз чайиш учун. 1 стакан сувга 1 чой қошиқда құшилади.

Дорихоналарда эвкалипт барги 100 граммдан қадокланған ёки брикет ҳолида сотилади. Шунингдек, эвкалипт препаратла-ри: эвкалипт мойи (25 мл.дан шиша идишда), пектусин (таблет-ка), эвкатол (томчи), эфкамон (малхам) сифатида ишлатилади.

### **ЭКМА САБЗИ (морковь посевная) — *Daucus sativus***

**Roehl** — астрадошлар — Asteraceae оиласига мансуб иккى йил-лик сарық-тұқ сарық илдиз мевали үсімлік. Пояси тик үсуви, тукли, чизиқли, ичи кавак, юқори қисми шохланған. Барги од-дий, күп марта патсимон ажраған. Гүллари мураккаб соябон-га түпланған. Меваси құшалоқ писта.

Сабзи Марказий Осиёнинг ҳамма жойларида әкілади. Ши-фобахш сифатида илдиз меваси, пояси ва уруғи ишлатилади.

Таркиби: илдиз мевасида каротин, қанд, витаминалар (В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, PP, С, К ва бошқалар), ферментлар, эфир мойи, ёғ, флаво-ноидлар, шунингдек кальций, фосфор ва темир тузлари мав-жуд. Уруғида эса эфир мойи ва ёғлар бор.

Халқ табобатида сабзини қадимдан шифобахш дори сифа-тида ишлатилади.

Абу Али ибн Сино сабзи — джазар уруғи ва баргларининг яраларни тезроқ битиришда ишлатиши тавсия этган.

Сабзини илмий тиббиёттә анемия, гиповитаминозларда, ов-қат ҳазм қилиш ҳолатини яхшилашда, әмизиқли аёллар сутини күпайтиришда, буйрак-тош қасаллигига, құвватға киргизувчи, ични юмшатувчи ва сийдик ҳайдовчи сифатида ишлатилади.

Сабзи таркибидаги моддалар тұқымалардаги оксидланиш-тикланиш жараёнини фаоллаشتыради. Углевод алмашинуви-ни созлайды, антисептик, яллиғланишга қарши ва жароҳат-ларни битирудук таъсир күрсатади.

Сиртдан күйған ва совуқ олған жароҳатларни, йириングли, эски яраларни даволашда кенг құлланилади.

Стоматологияда янги қирилған сабзи ва унинг ширасидан стоматитларни, тил оқариши(молочница)ни, юз-жағ соҳасидаги жароҳатларни ювиш, оғизни чайиш, ванночка қилиш тавсия этилади. Юз терисига хұснбузар тошганда сабзи ширасини тенг миқдорда тухум сарифи ёки асал билан аралаштириб сур-

калса, яхши фойда қилади. Гиповитаминоз сабабли пайдо бўлган (келиб чиқсан) стоматит ва гингвитларни даволашда маҳаллий муолажадан ташқари, янги сабзи сувидан (ширасидан) кунда ярим стакан ичиб туриш тавсия этилади.

**ЭМАН, ОДДИЙ ЭМАН (дуб обыкновенный) — *Quercus robur L*** — қорақайиндошлар — Fagaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 40-50 м.га етадиган, узоқ умр кўрадиган дараҳт. Дараҳт танаси ёрилган қўнғир-кулранг тусли пўстлоқ билан қопланган. Барги тескари тухумсимон, патсимон бўлакли, қисқа бандули, шохлирида кетма-кет жойлашган.

Гуллари майди, кўримсиз. Меваси — узун бандули, чўзиқ ёнтоқча.

Оддий эман Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқ бўйи давлатлари ва Россиянинг Оврупо қисмида и ўрмонларда, дарё бўйида ўсади. Эман дараҳти боғларда ва кучаларда манзарали дараҳт сифатида ўстирилади.

Шифобаҳиш қисми, лесоси, пустюни ва барги, ёнғоклари хисобланни. Гаркиби пустюнида ошловчи моддалар, органик кислоталари (ланта, олияга кислоталари), қанд, крахмал, оғ на бошче, моддаси бор бўлиб, у буриштирувчи, яллигланишга ғарииб, антисентик ва қон тўхтатувчи хусусиятларга эга.

Хиле, табобатида эман ёнғокларидан сурункали ич кетиш касиригинча касаллигини даволашда ишлатилган.

Лю Али ибн Сино эман — баллут тўғрисида шундай ёзган: сенонини кўдириб ишлатилса, оғиз оғрибининг ва югурук яраларнинг ёйилишини тўхтатади. Япрогини янчид жароҳатларга қўйилса, уларни ёпиширади.

Илмий тиббиётда унинг қайнатмаси ич кетганда, дизентерия, меъда-ичаклардан қон кетганда, кўйган, совук олган ва йирингли жароҳатларни даволашда ишлатилади.

Стоматология амалиётида эман препаратларидан, янги баргларидан оғиз шиллик қавати касалликларини, йирингли ва бошқа жароҳатларни даволашда, оғиздаги нохуш ҳидларни кетказиша ишлатилади.

Янги майдаланган эман баргини докага ўраб янги кесилган ва йирингли жароҳатларга қўйилса тез битиради.

Гингивит, стоматит ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида учрайдиган бошқа яллигланиш касалликлари ва жароҳатларни ювиб даволаш учун эман пўстлоги 1:10 нисбатдаги қайнатмаси ишлатилади.

Дорихоналарда тайёр маҳсулоти сотилади.

Rp.: Dec. *Corticis Querci* 200 ml

D.S. Оғизни чайиш учун.

Rp.: Corticis Querci 50.0

D.S. 1 ош қошик пүстлөк устига 1 стакан қайноқ сув солиб, 10 минут қайнатиб, сузиге оғизни чайиш учун ишлатилади.

**ҮРИК, ОДДИЙ ҮРИК (абрикос обыкновенный) — *Armeniaca vulgaris* L** — раънгудлошлар — Rosaceae оиласига мансуб бўлиб, баландлиги 5-10 м.гача етадиган дараҳт. Барглари йирик бўлиб, узунлиги 6-9 см, шакли турлича тухумсимон, чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, арасимон, қиррали, шохларида кетма-кет жойлашган. Гуллари оқ ёки пушти рангли, якка-якка, беш бўлакли. Меваси — сариқ, зарғалдок, қизғиш рангли турли шаклда, сершира, ёқимли хидли, данакли хўл мева.

Үрик Марказий Осиё жумҳуриятларида, Украина, Кавказ, Кримнинг тоғли жойларида ёввойи холда ўсади. Маданий ўсимлик сифатида Марказий Осиё, Кавказ, жанубдаги бошқа ерларда ўстирилади ва ўрикзорлар ташкил қилинади.

Шифобахш қисми мевалари, данагининг мағзи, барги, елими. Таркиби: мевасида қанд, краҳмал, олма, лимон кислотаси, минерал тузлар, каротин, С витамины, РР, ошловчи моддалар, микроэлементлар, темир ва калий тузлари ва аччиқ данаклигига амидалин гликозиди бор.

Халқ табобатида ўриқдан организмда қон камайганида, қон босимини туширувчи, сийдик ҳайдовчи ва ични юриштирувчи сифатида ишлатилади.

Илмий тиббиётда витамин А, С, В<sub>15</sub> етишмаганда, сийдик ҳайдовчи сифатида ва юрак касаллигига тавсия этилади.

Стоматология амалиётида милк оғриганида, тишлар қамашганида, стоматит, гингивит, пародонтитларни даволашда ўрик баргининг дамламаси ишлатилади.

**ҚАЙИН, ОҚ ҚАЙИН (берёза повислая) — *Betula pendula* Roth** — қайндошлар — Betulaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 10-20 м.гача етадиган дараҳт. Оқ пўстлого, барглари учбурчак-ромбасимон, ўткир учли банди ёрдамида поя за шохларида кетма-кет жойлашган. Шохлари ва барглари хушбўй сўгалчалар билан қопланган. Гуллари майда, кўримсиз. Меваси ёнгоқча.

Қайнин дараҳти Россия Оврупо қисмининг ўрмон зонасида, Сибирдаги аралаш ўрмонларда, Марказий Осиёда тоғ ёнбағирларида ва водийларда ўсиб, баъзан қайнинзорларни ташкил қиласи. Манзарали дараҳт сифатида кўчаларда, боғларда ва паркларда ўстирилади.

Шифобахш қисми куртаги, ёш барглари ва шираси хисобланади. Куртагини март-апрель ойларида шишиб, бўртган вақт-

да, баргларини әрталаб териш (йифиш), ширасини эса баҳорда олиш керак.

Таркибида смола, эфир мойи, сапонин, ошловчи моддалар, С витамини, фитонцидлар ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида қайнининг барги, куртаги ва ширасидан қадимдан шифобахш сифатида фойдаланиб келинади.

Дамлама ва қайнатмаси ўт, сийлик ҳайдовчи, терлатувчи, қонни “тозаловчи”, оғриқ қолдирувчи, яллиғланишига қарши ва жароҳатларни битирувчи сифатида ишлатилади.

Илмий тиббиётда қайнин куртаги, куртагининг настойкаси (тиндирмаси), қайнатмаси, баргининг дамламаси, қайнин шираси сиидик ва ўт ҳайдовчи, бронхит, трахеитларда дезинфекцияловчи ва балғам кўчирувчи восита сифатида, миозит ва артритларда оғриқни қолдирувчи ва яра жароҳатларини даволашда ишлатилади.

Ёғочини қуруқ ҳайдаш йўли билан олинадиган дёготь (қора мой) суртма сифатида тери қасаликлиарида ишлатилади (Вишневский малҳами таркибига кирлади).

Стоматология шамилиятидаги қайнин куртаги ва баргининг дамламаси ва қайнатмаси оғиз шилилиқ қавати яллиғланишига қарши ва жароҳатларни битирувчи сифатида ишлатилади.

Дамламасини тайёрлаш учун 2 чой қошиқ қайнин куртаги устига бир стакан қайнаб турган сув солиб, усти берк идишда бир солт дамлаб кўйилади. Сўнгра сузуб олиб, оғиз чайиша, шиничка қилишда ишлатилади.

Қайнатмасини тайёрлаш учун 10г. қайнин куртаги устига 200 мл сув солиб 15 минут қайнатилади. Советилгандан сўнг, сузуб олиб ишлатилади.

**ҚАЛАМПИРМУНЧОК (гвоздика)** — эвгенол қалампирмунчоқ дараҳти (*Eugenia caryophyllata* Thund). Фунчасидан эфир мойи олинади. Эфир мойи таркибида эса 80-95% эвгенол бор. Бу дараҳт тропик мамлакатлардагина ўсади. Бизда эвгенол, асосан, эвгенолли район — *Ocimum gratissimum* L ва эвгенолли камелия — *Camellia sasanqua* Thunb ўсимликларининг эфир мойидан олинади. Эвгенолли район бўйи 70-100 см.га етадиган сершоҳ ярим бута ўсимлик. Пояси кам тукли, барги оддий тухумсимон, тишсимон, қиррали бўлиб, поядা банди билан қарама-қарши жойлашган. Гули сарғиш, лабгулдошлар оиласига хос тузилган. Меваси — 4 та ёнғоқчадан иборат.

Эвгенолли район ватани жанубий Африка, Мадагаскар ва унга яқин ороллардир.

Ўзбекистон шароитида бир йиллик ўсимлик сифатида ўстирилади.

Шифобахш қисми — ўсимликнинг ер устки қисмидир. Таркибида эфир мойи бўлади. Эфир мойида эса 50-80% эвгенол, камфора ва бошқалар бор. Эфир мойидан эвгенол олинади.

Абу Али ибн Сино шундай ёзади: қалампирмунчоқ — қаранфул меъда ва жигарни қучайтиради, қусиш ва кўнгил айнашга фойда қиласди. Оғиз хидини ёқимли қиласди.

Стоматология амалиётида эвгенол тиш касалликларини даволашда антисептик ва оғриқ қолдирувчи модда сифатида кўлланилади.

Rp.: Olei Eugenoli 10 ml

D.S. Вақтинчали пломбанинг асоси учун ишлатилади

Rp.: Eugenoli 1.0

Zinci oxydi q.s.

M.f. pasta

D.S. Чуқур кариесни даволашда пломба остига, қатlam сифатида кўйилади.

Rp.: Eugenoli 50.0

D.S. Маргимуш билан милклар кўйганида ёки маргимушли периодонтит да нейтраллаш мақсадида ишлатиш (антидот сифатида) учун қўлланилади.

Rp.: Zinci oxydi 5.0

Eugenoli q. s. ut f. pasta

DS: Тиш илдизи каналларини пломба қилиш учун.

**ҚАЛАМПИР ЯЛПИЗ (мята перечная) — *Mentha piperita L*** — ясноткадошлар — Lamiales оиласига мансуб бўлиб, бўйи 30-100 см.га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсади, барглари чўзиқ, тухумсимон, ўткир учли, четлари тишли, ўзига хос ўткир ҳидли. Гуллари пушти ёки бинафша рангли, майдабийда тўпгуллар ҳосил қиласди. Мевалари — тўрт кўшалоқ ёнгоқча.

Ялпиз Марказий Осиёнинг ҳамма республикаларида кенг тарқалган бўлиб, ариқ бўйларида, зовур ёқаларида ўсади. Баҳорда ош кўки сифатида ишлатилади.

Украина, Белоруссия, Молдавия, Краснодар ўлкаси ҳамда Воронеж вилоятларида ўстирилади. Шифобахш қисми барги ва ер устки қисми, таркибида эфир мойи бўлиб, асосий қисмини ментол ташкил қиласди. Ундан ташқари, дипептон, каротин, С витамины, ошловчи моддалар ва бошқалар бор.

Халқ табобатида ялпиз иштаҳани очувчи, овқат ҳазм қилинишини яхшиловчи, меъда ширасини оширувчи, тинчлантирувчи, шамоллашга қарши ва оғриқни қолдирувчи восита сифатида ишлатилади.

Абу Али ибн Сино ёзишича, ялпиз — наъна иситувчи, буриштирувчи ва қон оқишини тұхтатувчи таъсир қилади. Ялпизни хусусан, унинг янгисини шаробда қайнатиб боғланса, ярадан қолган доғларни, күз остидаги қонталаш (гематома)ни кетказади. Ялпизни арпа уни билан аралаштириб тилга суркалса, тил дағаллигини (ғадир-будирини) кетказади.

Илмий тиббиётта ялпиз препаратлари мейда-ичак оғриклирида, қорин дам бұлғанида, күнгил айнаганда, холецистит, ўт-тош касаллиги, гепатитларда, юрак хасталиги, юқори нафас йұллари касаллукларидә құлланилади.

Қалампир ялпизи Барғи ўрнига Ўзбекистонда үсадиган Осиё ялпизи (*Miasiatica Boris*)нинг ўтими ишлаташ бўлади.

Қалампир ялпиздан куйидаги доривор препаратлар олинади: ғарғидан дамлама, эфир мойидан ялпиз суви (*Aqua Menthae piperitae*), ялпиз мойи (*Oleum Menthae piperitae*), настойка (*Tincturae Menthae piperitae*), тиш томчиси (зубные капли — *Guttae adontolgiam* ), ментол эса меновазин (*Menovasinum*) таркибига киради.

Стоматология амалиётида ялпиз ғарғи дамламаси ва ялпиз сувидан оғиз шимлиқ, қанати касаллуклари (стоматитлар, гингивит, пародонтитлар)да ҳар хил яра-чақалар ва жароҳатларни көнинади, оғиз ҳидланғандыда оғизни чайиш учун ишлатиш мумкин.

Тиш томчисинин таркиби:

Ментол ва тимол 0,06 г.дан, фенил салицилат 0,75 г., глиперин 2,5 г., спирт — 25 г.гача бўлиб, тиш оғригандан тиш қанати овқат қолдикларидан тозалаб, тиш томчисидан пахтага шимдириб қўйилади.

Меновазиндан уч тармоқли нервнинг неврит ва невралгиясида сиртдан маҳаллий оғриқсизлантирувчи восита сифатида ишлатилади. Бу препаратлар дорихоналарда сотилади. Ялпиз мойидан тиш порошоги ва тиш пасталарига қўшилади. Оғиз чайиш учун ҳам сувга қўшиб ишлатилади, айниқса, оғиз ҳидланғандан, нохуш ҳидларни йўқотади.

Rp.: Olei. Mentholi 1% — 10 ml

D.S. 1 стакан сувга 5-10 томчи солиб, оғиз чайилади.

Rp: Inf. fol. *Menthae piperitae* 200 ml

D.S. оғизни чайиш учун.

**КАЛИН БАРГЛИ БЕРГЕНИЯ (бадан толстолистный) — *Bergenia crassifolia* L** — қорақатдошлар — *Saxifraceae* оиласынан мансуб бўлиб, бўйи 50 см.га етадиган, кўп үйиллик ўт ўсимлик. Илдиз пояси йўғон, горизонтал ҳолда шохланган, илдинзолди тўпбарвлари кенг эллипссимон, қалин туксиз, пастки

томони нүктасимон безли, узунлиги 35 см.га етади. Барги қор тагида қышлайды. Гуллари пушти рангли, гул ўқида рўваксимон тўпгул ҳосил қиласди. Меваси — кўп уруғли, пишганда очиладиган кўсакча.

Бергения Марказий Осиё, Фарбий ва Шарқий Сибирнинг тоғли ерларида ўсади.

Шифобаҳш қисми илдиз, илдиз пояси ва барги ҳисобланади. Таркибида ошловчи моддалар, гликозидлар, полифеноллар, галат кислотаси ва бошқалар бор.

Халқ табобатида бергения илдиз ва илдизпоясидан меъда-ичак касалликлари, томоқ оғрифи, оғиз шиллиқ қавати яллигланиши, бош оғрифида, кукунини жароҳатларга сепиб, битшини тезлаштиришда ва яллигланишга қарши восита сифатида ишлатилади.

Илмий тиббиётда колит, энтероколитларни даволашда ва гинекология амалиётида ишлатилади.

Стоматология амалиётида бергения препаратлари (суюқ экстракти) оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларида ишлатилади.

Дорихоналарда тайёр экстракти сотилади.

Rp.: Extr. Bergeniae fluidi 10 ml

Aqua destillatae 90 ml

MDS. Оғиз шиллиқ қавати ва милкларга суркаш учун.

**ҚАНДАФОЧ — кулранг ольха (ольха серая ) — *Alnus incana Moench*** — қайндошлар — Betulaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 20 м.га етадиган силлиқ, кулранг пўстлоқли дарахт. Барги тухумсимон, ўтқир учли, кўшалоқ, арасимон, қиррали, кулранг — яшил тусли бўлиб, поядга банди билан кетмат-кет жойлашган. Ёш барглари жуда ёпишқоқ. Меваси ясси, бир уруғли ёнгоқча.

Ватани — Қозогистон, Урал, Фарбий Сибирь, Россиянинг Оврупо қисми, асосан, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқ бўйи давлатларининг нам ўтлоқларида, Орол бўйларида, кияларда, ўрмонларда, ботқоқликларда ўсади. Доришуносликда фудда меваси, пўстлоғи ва барглари ишлатилади.

Таркиби: фуддасида ошловчи моддалар (танин), галла кислотаси, баргиде флавоноид, гликозид, органик кислоталар, пўстлоғида эса ошловчи моддалар, тритерпеноидлар бор.

Халқ табобатида қондафочдан кенг фойдаланилади. Унинг фуддаси ва пўстлоғининг шираси буриштирувчи, қон тўхтатувчи, терлатувчи, яллигланишга қарши ва оғриқ қолдирувчи таъсир кўрсатади.

Халқ табобатида қирқбүгимни қадимдан шифобаҳаш ўсимлик сифатида ишлатиб келинади. У пешоб ажралишини кўпайтириб, унинг таркибидағи оқсил мoddани камайтиради. Организмда умумий модда алмашинувини яхшилайди, яллигланиш жараёнини тўхтатади, жароҳатларни битиради, қон оқишини тўхтагиб, буришириувчи, антисептик таъсир кўрсатади.

Абу Али ибн Сино ёзади: қирқбўгим — Занаб Ал-хайз қон кетишида жуда фойдалидир. Жароҳатларни ва яраларни ажаблантирас даражада яхши битиради.

Илмий тиббиётда қирқбўгимнинг дамлами ва қайнатмасини пешоб ҳайдовчи восита сифатида, нафас олиш йўллари, ўпка хасталигида, қовуқ ва ўт нуғушидаги тошларни туширишда, ички қон кетишида, бензак, қуимич нерви шамоллаганда, подагра, ревматитим қасалликларини даволашда, битиши қийин йирингни яраларни, чипқон ва бошқа тери қасалликларини даволашда ишлатиласди.

Стоматология амалиётида қирқбўгимни дамлама, қайнатма ва энги олинган ширасидан оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватиди учраидиган яллигланиш процесс (гингивит, пародонтит) йирни даволашда, лаб бичилганда, ёрилганда, юз-жағ соҳасидаги чипқонлар (фурункул, карбункуллар)ни ва битиши қийин бўлган йирингли яраларни юваб даволашда ишлатиласди.

Қайнатмасини тайёрлаш учун 1:10 нисбатда янги майдаланган ўтини ўй ҳароратида сув қўйилади ва секин, 30 минут паст оловда қайнатиласди. Совигач сузиб, аввалги ҳажмга келгунча сув кўшиб, оғиз чайилади, ванночка қилинади, ёки: 50 г. миқдордаги қирқбўгим устига 3 стакан совук сув қўйиб, бир кеча кундуз қўйиб қўйилади, кейин сузиб олиб, яллигланишга қарши восита сифатида оғизни чайиш, ванночка қилиш учун ишлатиласди.

Дамламасини тайёрлаш учун майдаланган қирқбўгимдан 4 чой қошиқда олиб, устига 2 стакан қайнаб турган сув солиб, усти берк идишда дамлаб қўйилади, сўнгра сузиб олиб, оғиз чайишда, ванночка ва компресс қилишда ишлатиласди.

Қирқбўгимнинг тайёр препаратлари брикет ҳолида дори-хоналарда сотиласди.

Rp.: Herbae Equiseti 50.0

D.S. 2 чой қошиқда олиб, устига 1 стакан қайнаб турган сув солинади ва кун бўйи туради. Сўнгра сузиб олиб ишлатиласди.

**ҚОВОҚ, САПЧА ҚОВОҚ, ОДДИЙ ҚОВОҚ — Cucurbita maxima L** (тыква крупноплодная), — Cucurbita pero L (тыква мелкоплодная) — қовоқдошлар — Cucurbitaceae оиласига мансуб бўлиб, бир йиллик ўсимлик. Пояснинг узунлиги 5-6 м.га

етади, пояси ер бағирлаб ўсади. Барги жуда ҳам йирик. Гули сариқ рангли, ёқимли ҳидли. Меваси йирик, күп уруғли, сергүшт, ширави.

Ватани Мексика. Россиянинг барча ерларида экилади. Ўзбекистонда қовоқнинг күп хиллари ўстирилади.

Шифобахш қисми уруғи, қовоқ эти (юмшоқ қисми) бўлиб, унинг таркибида қанд, С витамини, В<sub>1</sub>, никотин кислота, микроэлементлар (калий, кальций, магний, фосфор, темир ва бошқалар) бор. Уруғида ёғ, ўсимлик оқсили, қанд, витамин ва каротиноидлар бор.

Халқ табобатида қовоқ уруғидан сийдик-таносил органлари, буйрак-қовуқ касалликларини даволашда, гижжа ҳайдашда фойдаланилади. Камқонлик, сил касали, буйрак ва бошқа органлар касалликларида асал солингган сувга солиб қайнатилган қовоқ истеъмол қилиш тавсия этилади.

Абу Али ибн Сино қовоқ—кар тўғрисида шундай ёзади: қаттиқ тиш оғриғига қарши қовоқдан олинган ширани бурунга томизилади.

Илмий тиббиётда қовоқ уруғи лентасимон гижжаларни ҳайдашда ишлатилади. Қовоқ меваси (этси) ичаклар ишини яхшиловчи, сийдик ҳайдовчи, енгил ич юмшатувчи ва яллигланишга қарши таъсир қиласи. Тери касалликларида, куйган, совуқ олган ва экземани даволашда ишлатилади.

Стоматология амалиётида стоматитлар, гингивит, пародонтит касалликларини даволашда қовоқ шираси билан артиш, оғизда олиб туриш (ванночка қилиш), пахта пиликларга шимдириб, милкларга кўйиш йўли билан яллиғланиш ҳолатларини камайтириш мумкин.

**ҚОВУЛ, ТИКАНЛИ КАВАР (каперцы колючие) — *Capparis spinosa* L** — кавардошлар — Capparidaceae оиласига мансуб бўлиб, күп йиллик ярим бутасимон, бўйи 2,5 м.гача етадиган күп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тиканли, судралиб юрувчи, шохланган. Барги калта бандли, пояда кетма-кет жойлашган. Оқ гуллари барг қўлтиғига жойлашган. Меваси күп уруғли, данаксиз хўл мевага ўхшаш мева баргдан ташкил топган.

Қовул Марказий Осиёнинг барча ҳудудларида, Крим, Кавказ ўлкаларида йўл ёқаларида, тоғ ёнбағирларида, ботқоқликларда, чўлларда, девор тагларида, ариқ бўйларида ўсади. Шифобахш қисми — пўстлоғи, куртаги ва меваси.

Таркибида С витамини, рутин, кверцетин, бўёқ моддалари, қанд ва бошқа моддалар бор. Ўсимликнинг янги ер устки қисми ошловчи, сийдик ҳайдовчи, антисептик ва оғриқни қолдирувчи таъсир қиласи.

Халқ табобатида илдиз пўстлоғининг қайнатмасини тутқа-ноқ, паралич (шол), қораталоқ касаллиги, шамоллаш ва ревматизм касалликларини даволашда ишлатилади. Қовул ши-расидан яраларни даволашда қўлланилади.

Абу Али ибн Сино ёзади: қовул — қабарнинг энг фойдали қисми унинг илдиз пўстлоғидир. Майдаланган янги илдиз пўстлоғи чириган йирингли яраларни тозалайди, битиради.

Стоматологияда илдизининг қайнатмаси оғиз шиллиқ қавати касалликларида (стоматит, гингивит, пародонтит), ҳар хил яраларни даволашда ишлатиш мумкинлиги ҳакида маълумотлар бор.

Қайнатмаси: 2 чой қошиқ қуритишган илдизини 1 стакан сувга солиб, 15 минут қайнатилиди ва ярим соатдан сўнг, до-кадан ўтказиб оғиз чайинидаи, оғиздә олиб турилади (ванноч-ка қилинади)

1ши оғригинида қонулининг илдиз пўстлоғини чайналса, оғрикни қамагитириди, милкларни мустаҳкамлади. Қовул со-либ қайнатилишан сирка ёки шароб билан оғиз чайқалса, оғиз цимшиқ қаватидаги ва милклардаги яллигланиш ҳолатини йўқо-лиди, яраларни тозалайди ва тез битиради. Илдизи ва барги қаттиқ шишлиарни сўрилтиради.

**ҚОВУН (дыня обыкновенная) — *Cucumis melko* L** — қовоқ-дошлар — Cucurbitaceae оиласига мансуб бўлиб, пояси суд-ралиб ўсадиган бир йиллик ўсимлик. Барглари йирик, юрак-симон, барг бандлари узун, гуллари оч сариқ. Меваси — ду-мaloқ ёки узунчоқ, қалин этли, хушбўй ҳидли, кўп уруғли мева.

Қовун Марказий Осиё, Кавказ орти, Украина, Молдавия ва бошқа ерларда экилади. Шифобахш қисми меваси ва уруғла-ридир. Таркибида қанд, клетчатка, крахмал, пектин моддалар, органик кислоталар, С витамины, Е, B<sub>6</sub>, B<sub>15</sub>, B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, макро ва микроэлементлар (магний, фосфор, олтингугурт, хлор, мар-ганец, темир, мис, фтор ва бошқалар) бор.

Халқ табобатида чанқоқ қолдирувчи, асаб тизимини тинч-лантирувчи, ревматизм, подаграни даволашда, сийдик ҳай-довчи, ични юмшатувчи восита сифатида ишлатилади. Қадим-дан цинга касаллигига кенг фойдаланилган.

Абу Али ибн Сино қовун — битти тўғрисида шундай ёзади: қовун этини унга аралаштириб юзга суртиб, офтобда қури-тилса, юздаги сепкиллар ва бошқа доғларни кетказишида фойда қиласди.

Илмий тиббиётда қовундан беморларни кувватга киргазиши-да, сийдик ҳайдовчи, қабзиятда, гепатит, атеросклероз касал-ликларида истеъмол қилиш тавсия этилади.

Стоматология амалиётида қовундан милклар касалланганда, қонаганда, қовун ширасини (сувини) ичиш, мевасининг қайнатмасини ва қовун этини юздаги хуснбузар, сепкил ва доғларни кетказишида ишлатиш тавсия этилади.

**ҚОНЧҮП, КАТТА ҚОНЧҮП (чистотел большой) — Chelidonium majus L** — кўкнордошлар — Papaveraceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 30-100 см.гача етадиган кўп йиллик ўсимлик, пояси тик ўсади, юқори қисми шохланган. Илдизолди ва поясининг пастки қисмидаги барглари юпқа 3-5 бўлакка бўлинган, пояди кема-кет жойлашган. Гуллари оч сарик рангда, поя ва шохларининг учиди оддий соябонга жойлашган, хамма қисмларида сутга ўхшаган шираси бор. Меваси кўп уруғли, чўзиқ кўзоқсимон кўсакча.

Россиянинг Оврупо қисмида, Крим, Кавказ ва Марказий Осиёнинг салқин ерларида, бутазорларда, ўрмон четларида, жар бўйларида, аҳоли яшайдиган жойлардаги боғ ва полизларда кенг тарқалган.

Шифобаҳаш қисми бўлиб ўти (пояси, барги, гули) ҳисобланади. Таркибида алкалоидлар, эфир мойи, С витамины, каротин, органик кислоталар (хелидон, олма, лимон), flavonoидлар, сапонин ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида қончўп қадимдан хавфли ўсмаларни ўсишдан тўхтатувчи, оғриқ қолдирувчи, жароҳатларни битирувчи, сўгал ва қадоқларни туширувчи, тортишишга қарши, ўт-сийдик ҳайдовчи, микробларга қарши восита сифатида фойдаланиб келинган.

Тиш қаттиқ оғриганда янги қончўп ўтини чайнаш тавсия этилади.

Юздаги сўгалларни тушириш учун янги олинган сутли шираси ишлатилади.

Абу Али ибн Сино “Қончўп — урук ас — саббачин ўти кукунини шаробга солиб дамлаб, тиш оғриғига, учукقا даво сифатида ишлатган, кучли тиш оғриганда қончўп ўтини чайналса, тиш оғригини қолдиради”, — деб ёзади.

Илмий тиббиётда қончўп препаратлари жигар касалликларида, холециститда, ич юмшатувчи, ўт ва сийдик ҳайдовчи, оғриқ қолдирувчи, тери касалликларида, сўгал ва қадоқни йўқотишида ишлатилади.

Стоматология амалиётида қончуп ўтидан тайёрланган қайнатмани стоматит ва гингивитларни даволашда оғизни чайиш учун, оғизни ванночка қалиш учун ва жароҳатларни, битмайдиган яраларни ювиш учун ишлатиш мумкин.

мансуб бўлиб, бўйи 15-50 см.га етадиган ўт ўсимлик. Илдизпояси йўғон, калта ва кўп бошли, ер устида горизонтал жойлашган. Пояси тик ўсуви, шохланган, илдизолди барги узун бандли, 2 ёки 5 пластинкали, кўлинча ўсимлик гуллаган пайтда қуриб қолади. Поядаги барглари 3 пластинкали, иирик кўшимча барги бўлиб, поядаги кетма-кет бандсиз жойлашган. Баргаси лансетсимон тиши. Гуллари якка ҳолда, узун бандли. Меваси — кўп уруғли мураккаб мена.

Тик ўсуви фозпанжа Россиянине Оврую қисмида, Кавказ, жанубий-гарбий Сибирда нам ўтиларда, ариқ бўйларида, буталар орасида, никнапарни ўрмонларда, ўрмон четларида ва торф ботқоқликларида усади.

Шифобаҳи қисми илдизпояси ҳисобланади.

Таркибида ошловчи моддалар, сапониллар, флавоноидлар, силим, смола, крахмал, гликозид, воск, флавофен моддаси бор.

Ҳалиқ табобатида тик ўсуви фозпанжа илдизпоясининг қайнатмаси ошловчи, балғам кўчируви, яллигланишга қарши, антибактериал, қон тўхтатувчи, оғриқни қолдирувчи, жароҳатларни битирувчи восита сифатида ишлатилади.

Абу Али ибн Сино маълумотларига қараганда, фозпанжа — нитафилун яраларга, сиркада қайнатилгани эса учукга қарши ишлатилади. Илдизининг қайнатмаси билан оғиз чайқалса, оғриган тишига ва оғиз чақаларига фойда қиласи.

Илмий тиббиётда тик ўсуви фозпанжанинг доривор препараторлари меъда-ичак касалликлари (энтерит, энтероколит)ни, куйган ерларни, экзема ва бошқа тери касалликларини даволашда ишлатилади.

Стоматология амалиётида ўсимликнинг доривор препараторларини буриширувчи, антисептик восита сифатида оғиз шиллик қавати касалликларини даволашда ва бошқа жароҳатларда оғиз чайиш учун ишлатиш тавсия этилади.

Қайнатмасини тайёрлаш учун 3 ош қошиқ майдаланган илдизпояси устига 0,5 литр сув солиб, 30 минут қайнатилади, 4 соат тиндириб, сўнгра сузиб, оғиз чайишга, жароҳатларни ювишда ишлатилади.

Дорихоналарда брикет ҳолида сотилади. 2 та майдаланган брикет устига 1 стакан қайнаб турган сув солиб, 30 минут қайнатилади, совигандан сўнг сузиб, оғиз чайиш ва жароҳатларни ювишда ишлатилади.

**2. КУМУШСИМОН ФОЗПАНЖА (лапчатка серебристая) — *Potentilla argentea* L — раъногулдошлар — Rosaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 15-40 см.га етадиган ўт ўсимлик. Барглари панжасимон бешга бўлинган. Ўсимликнинг по-**

яси, баргининг пастки томони ва гул косачаси оппоқ наматсимон туклар билан қопланган. Гуллари сариқ рангли, сийрак қалқонсимон рӯвакка тўпланган. Меваси — куруқ, кўп уруғли, мураккаб мева.

Кумушсимон ғозпанжа Россиянинг Оврупо қисмида, шарқий Сибирдаги ялангликларда, куруқ ўтлоқларда, қияликларда, бутазорларда, далаларда ва йўл бўйларида ўсади.

Шифобаҳш қисми ўсимликтининг ер устки қисми (пояси, банди, барги, гули) хисобланади. Таркиби яхши ўрганилмаган бўлиб, кўп микрорда ошловчи моддалар, С витамини борлиги аниқланган.

Табобатда кумушсимон ғозпанжа буриштирувчи, микробларга қарши, қон тўхтатувчи, яллиғланишга қарши ва жароҳатларни битирувчи восита сифатида ишлатилади.

Стоматология амалиётида кумушсимон ғозпанжанинг дамламасини, қайнатмаси оғиз шиллиқ қавати яллиғланганида (стоматитларда), милклар қонаганда, тил ва оғиз бўшлиғида яралар пайдо бўлганда ва бошқа жароҳатларда оғизни чайиш, ванночка қилиш учун ишлатиш мумкин. Майдаланган баргини докага ўраб, йирингли яра ва жароҳатларга қўйилса, йирингдан тозалаб, тез битишига ёрдам беради.

Қайнатмасини тайёрлаш учун 3 чой қошиқ майдаланган кумушсимон ғозпанжа ўсимлиги устига 1 стакан сув қуйиб, 2 соат тиндирилади, сўнг паст оловда қайнагунча ушлаб турилади. Совигач, сузуб, оғиз чайишга, ванночка қилишга ва жароҳатларни ювишга ишлатилади.

**3. СУДРАЛИБ ЎСУВЧИ ҒОЗПАНЖА, БЕШБАРГ (лапчатка ползучая) — *Potentilla reptans* L — раъногулдошлар — Rosaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 30-100 см.га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Ингичка, судралиб ўсуви, пояли. Гултожи сариқ, тухумсимон. Меваси — тухумсимон, сариқ.**

Судралиб ўсуви ғозпанжа Марказий Осиё, Россиянинг Оврупо қисмида ва Кавказдаги адирларда, ариқ бўйларида, тоғ ёнбағирларида, дарё ёқаларида, ўтлоқларда ва бошқа нам ерларда ўсади. Шифобаҳш қисми илдизи, илдизпояси ва барги хисобланади.

Таркибida қанд, органик кислоталар, буриштирувчи моддалар, С витамини ва бошқалар бор. Табобатда ундан антисептик, қон тўхтатувчи, битирувчи ва оғриқни қолдирувчи восита сифатида ишлатилади.

Стоматология амалиётида судралиб ўсуви ғозпанжанинг янги баргини сиқиб, ширасини дока ёки пахта пиликка шимдирив, милклар қонаганда, жароҳатдан қон оқсанда қон тўхтатища фойдаланилади. Тиш оғриганда, оғиз шиллиқ қавати яллиғ-

ланганда, стоматитлар ва гингивитларда қайнатмаси билан оғиз чайилса ёки ванночка қилинса, яхши фойда қиласы.

Дамламасини тайёрлаш учун 1 ош қошиқ үсімликни кури-тиб, майдаланган илдизи ва барги устига 1 стакан қайнаб тур-ган сувни солиб, оғзи берк идишда ярим соат дамлаб қўйила-ди. Совигандан сўнг, олиб ишлатилади.

**ҒЎЗА ТУРЛАРИ (виды хлопчатника) – *Gossypium species*** – гулхайридошлар – Malvaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 1-2 метрга етадиган бир йиллик үсімлик сифати-да ўстирилади. Пояси шоҳланган, барги беш, баъзан уч бўлакли бўлади.

Монаси – уч ёки беш хонали, пишганда очиладиган кўсак.

Гулҳаасосан Узбекистон, Тоҷикистон, Қирғизистон, Қозо-ғистон, Ҷумҳуриятаи Ӯзбекистон ва Озарбайжонда экилади.

Тиббиётда пахта мойи, толаси ва илдиз пўстлоги ишлати-лади.

Таркибида: пахта (толаси) – 95% гача клечатқадан ташкил топган. Бундан ташқари ёғсимон моддалар, смола ва бошқа бирикмалар бор. Ғўза уруғи (чигит) таркибида 40% гача ярим қурийдиган мой, госсипол ва унинг унумлари бор.

Пўстлогида К витамини, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Баргидаги олма ва лимон кислоталар, гулида антоцианлар, ча-ноғида эса кўп миқдорда ошловчи моддалар мавжуд.

Тиббиётда оддий пахта ва гигроскопик пахта – *Gossypium hygrophoricum* ишлатилади. Оддий пахта компресс ва бошқа муолажаларни бажаришда ишлатилади. Гигроскопик пахта ва ундан тайёрланган материаллар (бинт, дока) яхши шимиш ху-сусиятига эга бўлгани сабабли, боғлов материали сифатида қўлланилади.

Стоматология амалиётида ғўзанинг чигити ва илдизини қай-та ишлаш натижасида олинадиган маҳсулот – госсипол (*Gossypol*) препарати ишлатилади.

Госсипол майда кристалл порошоқдан иборат, оч сариқ-дан тўқ сариқ рангчча, сувда эримайдиган, спиртда кам эрий-диган модда бўлиб, вирусларга қарши таъсир кўрсатади.

Стоматологияда госсиполнинг 3%ли линименти ишлатилади (*Linimentum Gossypoli 3%*). Линимент тайёрлашда асос сифа-тида пахта мойи – *Oleum Gossypii* ишлатилади. Вирусли стоматитларда оғиз шиллик қаватига юпқа қилиб кунига 4-6 ма-ҳал 5-7 кун давомида суртилади.

Стоматологияда гигроскопик пахта кўп миқдорда қўллани-лади.

Гигроскопик пахтадан ўткір периодонтит, сурункали периодонтитни қайталанишида фойдаланилади. Бүнинг учун тиш қаттық оғриб, бир-бирига босганды оғриқ кучайиб, тиш атрофидаги милки қизарғанда, гигроскопик пахтадан болишка қилиб, милкка қўйиб, пахтани тишлиб турилади. Ҳар 20 минут, ярим соатда алмаштириб турилса оғриқ пасаяди, баъзан бутунлай қолади.

## АСАЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНАДИГАН ДОРИЛАР

### АСАЛАРИ ЕЛИМИ, ПРОПОЛИС (прополис) — Propolis.

